

ЮСУПОВА ТУРСУНОЙ АХМЕДОВНА

**ГАПНИНГ БОШ
БЎЛАКЛАРИНИ ҲРГАНИШИ
ЖАРАЁНИДА ҲҚУВЧИЛАР
НУТҚИНИ ҲСТИРИШИ**

ТОШКЕНТ-2006

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети

ЮСУПОВА ТУРСУНОЙ АХМЕДОВНА

**ГАПНИНГ БОШ БЎЛАКЛАРИНИ ЎРГАНИШ
ЖАРАЁНИДА ЎҚУВЧИЛАР НУТҚИНИ ЎСТИРИШ**
(Методик кўлланма)

ТОШКЕНТ - 2006

8047

ALISHER NAVOIY NOMIDAGI

ToshDO'TAU

AXBOROT-RESURS MARKAZI

13

2

Методик тавсияларда она тили дарсларида гапнинг бош бўлаклари ва бир бош бўлақларини гапларни ўрганиш мазмуни ва методлари ёритилди. Тавсиялар она тили ўқитувчилари, педагогика олий ўқув юртлиари талабалари, аспирант ва тадқиқотчилар учун мўлжалланди.

Муаллиф: Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети ўзбек тили кафедрасининг катта ўқитувчиси, педагогика фаилари номзоди Т.А.Юсунова.

Масъул муҳаррир: Х.Мухиддинова, филология фаилари номзоди, доцент

Тақризчилар: С.Султонсаидова, филология фаилари номзоди, доцент

Р.Иноғомова, педагогика фаилари номзоди, доцент

Б.Қороева, педагогика фаилари номзоди

Мазкур методик қўлланма Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетининг 2006 йил 23 февралдаги Илмий кенгаши йиғилишида нашрга тавсия этилди.



КИРИШ

Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълим мактабларидаги таълим ва тарбия мазмуни ва методларини давр талаблари даражасига кўтарин бугунги куннинг долзарб муаммолари сирасига киради. Ушбу муаммони ижтимоий-иқтисодий ислохотларга мос равишда узлуksизлик ва узвийлик тамойилларига риоя қилган ҳолда янги педагогик технология даражасида ҳал этиш, шунингдек, ахборот технологияларидан фойдаланиб ташкил этишнинг мазмуни, шакллари, метод ва усулларини излаш, уларни амалиётга татбиқ этиш ёш авлудни комил инсон қилиб тарбиялашнинг муҳим омилларидан ҳисобланади.

Она тилини ўқитиш мазмуни ва методларини мақсад сари йўналтирган ҳолда тўғри ташлаш, дарслар самарадорлигини янада оширин бугунги куннинг муҳим вазифаларидан биридир. Дарсларда ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатиш, уларни мулоҳаза юритишга, ўз фикрларини эркин баён этишга одатлантириш ҳам ана шу вазифалар сирасига киради. Шунингдек, ёшларда бозор иқтисодиёти талаб этган даражада пукт маданиятини шакллантириш чора-тадбирларини кўрин зарурияти мавжуд.

Юртбошимиз Ислам Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси IX сессиясида “Баркамол авлуд Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори” мавзусида сўзлаган пуктида: “Демократик жамиятда болалар, умуман, ҳар бир инсон эркин фикрлайдиган этиб тарбияланади. Агар болалар эркин фикрлашни ўрганмаса, берилган таълим самараси наст бўлиши муқаррар. Албатта, билим керак. Аммо билим ўз йўлига. Мустақил фикрлаш ҳам катта бойликдир... Ўқитувчиларнинг бош вазифаси ўқувчиларда мустақил фикр юритиш кўникмаларини ҳосил қилишдан иборатлигини кўпинча яхши тушунамиз, лекин, афсуски, амалда тажрибамизда унга риоя қилмаймиз”¹, - деб таъкидлайди.

Ёшларнинг мустақил фикрлашлари мулоқот маданияти, муомала одобини егаллаш замирида шаклланса, ижтимоий-иқтисодий фаолиятда ўз ўрнларини топиб олишлари осон кечади. Мазкур муаммоларни ҳал этиш, ечимларини таълим жараёнига татбиқ қилиш учун она тили машғулотларида ҳар бир бўлим бўйича ўрганиладиган мавзуларнинг мазмунини чуқур ва пухта билим беришга қаратибгина қолмай, балки у орқали ўқувчиларнинг сўз бойлигини ошириш, сўз ва тап устида ишлаш малакасини шакллантириш, оғзаки ва ёзма пуктини ўстириш, ҳар бир назарий конуи-конда бўйича ўзининг

¹ Каримов И. А. Баркамол авлуд - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси IX сессиясида сўзлаган пукти. 1997 йил 29 август // Баркамол авлуд - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. - Тошкент, Шарқ, 1997. Б. 4-9.

шахсий мулоҳазаларини баён қила билиш малакасини ҳосил қилишга эришиш керак. Ҳунончи, ўқувчиларнинг она тилидан олган билим даражалари тилнинг грамматик қурилишини қанчалик ўзлаштирганликлари билангина эмас, балки уларнинг ўз фикрларини адабий тилнинг бой ижода воситаларидан ўринли ва тўғри фойдаланган ҳолда, оғзаки ва ёзма шаклларда тўғри ифодалашлари ҳамда мулоқот маданияти доирасида ҳар бир назарий қонун-қоида юзасидан ўз шахсий мулоҳазаларини баён қила олишлари билан белгиланмоғи лозим.

“Гапнинг бош бўлақларини ўрганиш жараёнида ўқувчилар нутқини ўстириш” номли ушбу қўлланма мавзуси ҳам ушбу синтактик тушунчалар юзасидан пухта билим бериш ва шу орқали ўқувчиларнинг сўз бойлигини ошириш, оғзаки ва ёзма нутқини ўстириш, мулоқот маданияти ҳамда ижодий матн яратиш даражаси, сўз ва гап устида ишлаш малакаларини шакллантириш масалаларига бағишланади.

Синтаксис курсида гапнинг бош бўлақларини, шунингдек, бир бош бўлакли гапларнинг турларини ўргатишда ҳам узлуксизлик таъминланмоғи даркор. Бу ишда бошланғич синфларда олинган билим, ҳосил қилинган кўникма ва малакаларни ривожлантириш, тадрижий равишда такомиллантирган ҳолда янги билимлар, кўникма ва малакалар устида ишлаш орқали кузатилган натижага эришиш, шу жараёнда янги педагогик технологияни, ахборот технологиясини жорий этиш, ўқувчиларда мулоқот маданиятини, хусусан, муомала одобини шакллантириш мумкин. Шубҳа йўқки, бу аспектдаги ишлар ўқувчиларнинг қизиқшларини оширади, мустақил фикр юритиш қобилиятини ривожлантиради.

Она тили таълими жараёнида ўқувчиларга гапнинг бош бўлақларини ва бир бош бўлақли гапларни ўргатиш методикаси М.Асқарова, А.Фуломов, Й.Абдуллаев, М.Омилхонова, О.Розиқов, А.Ҳожиев, К.Қосимова, Р.Абдулаҳатова, Р.Иноғомова, М.Абдураимова, М.Собирова ва бошқа методист олимлар томонидан маълум даражада тадқиқ этилган. Уларнинг она тили ўқитишни яхшилашга қаратилган илмий-тадқиқот ишлари ва методик қўлланмалари, матбуот саҳифаларида ёритилган мақолаларда гап бўлақларини ўқитишнинг айрим ўз даври учун самарали йўллари ҳақида фикр юритилган. Айниқса, М.Омилхонованинг “Мақтабда содда гап синтаксисини ўрганиш” номли методик қўлланмасида¹ назарий қонун-қондаларни ўқувчилар оғзига сингдириш, билимларни мустаҳкамлаш, шу жараёнда гапнинг интонацион хусусиятлари устида ишлаш, ёшларнинг тафаккурини ўстириш масалалари

¹ Омилхонова М. Мақтабда она тили синтаксисини ўрганиш. - Тошкент: Ўқитувчи, 1991.

атрофлича баён қилинган. Лекин бу ишлар ўқувчиларда нутк маданияти, муомала одобини шакллантириш билан оз боғланган.

Шу боисдан ҳам мавзу юзасидан янада пухтароқ билим бериш, таълим субъектга айланган ўқувчиларнинг озаки ва ёзма нутқини ўстириш, мустақил фикрлаш малакаларини ривожлантириш, ёшларга мулоқот маданияти ва муомала одобини сингдиришнинг самарали усуллари ва воситаларини тадқиқ этиш муҳим назарий ва амалий аҳамиятга эга.

Гапнинг бош бўлақларини коммуникатив йўналишда ўрганишнинг тилшуносликдаги ҳолати

Она тилини ўқитиш мазмунини янгилаш иши, бир томондан, назарий (лингвистик), иккинчи томондан, методик асосга, учинчидан, амалий иш тажрибаларига суянган ҳолда амалга оширилмоқда. Тилшунослик фанида илгари сурилаётган янгича қараш методика фани таракқиётида ҳам ўз аксини топмоқда.

Она тили дарсларида ўқувчиларнинг нутқини ўстиришда тилнинг синтактик конструкцияларини эгаллашнинг аҳамияти бекиёсдир. Бу бойликка бўлган муносабат турли даврларда турлича бўлгани ҳаммага аён. Гапнинг бош бўлақлари синтаксиси ўзбек тилшунослигида азалдан тадқиқ этиб келинган бўлса-да, собиқ шўролар даврида у рус тилидан андоза олиб ёритилди, таълим мазмуни ва методларини ишлаб чиқишда ҳам шундай йўл тутилди. Мустақилликка эришилгач, тил ҳодисаларини тадқиқ қилиш ҳамда методик тадқиқотларни бажариш соҳасида янгича тафаккур юритила бошланди.

А.Ғ.Фулотов, М.Асқарова, Ш.Раҳматуллаев, Ғ.Абдурахмонов, Ф.Абдуллаев, А.А.Коклянова, Б.Ўринбоев, А.Сайфуллаев, И.Расулов, Э.А.Грунина, А.Аҳмедов, Р.Сайфуллаева, А.Нурмонов, Н.Маҳмудов, Ж.Омонтурдиев, А.Н.Гвоздев, Е.М.Галкина-Федорук, А.А.Реформатский, А.А.Шахматов, А.А.Потебня, Д.Н.Овсянниково-Куликовский, ва бошқа бир қатор ўзбек ва рус тилшунослари гапнинг бош бўлақлари талқинига катта эътибор бериб келдилар. Кейинги йилларда Х. Неъматов, А.Нурмонов, Н.Маҳмудов, Р.Расулов, Р.Сайфуллаева, А.Аҳмедов, М.Бошмонов, Р.Абдусаматов, Б.Шеронов, С.Солихўжаева, М.Абузаловаларнинг ушбу мавзуга бағишланган янги тадқиқот ишлари юзага келди. Бу ишларнинг кўпчилигида систем тилшуносликка кизиқиш кучли бўлди.

Тилшуносликка оид адабиётларда¹ гапнинг бош бўлақларидан (эга ва кесим) қайси бири гапнинг мантиқий, грамматик маркази эканлиги, эга ва кесимнинг ифодаланиши, гаптаги тартиби, эганинг баъзан гапта бўлмаслиги, кесимнинг ўзи гапнинг бош бўлаги эканлиги каби масалалар янгича талқин топа бошлади. Бу талқинларнинг айримларида тил ходисалари янгича, лекин коммуникативликдан холи бир нуктаи назар билан кенг ва чуқур ёритилди. Кесимдан иборат гап ихчам гап деб номланди². Бир бош бўлақли ва икки бош бўлақли гапларнинг табиати талқин қилинди. Лекин буларнинг ҳаммаси систем тилшунослик нуктаи назаридан амалга оширилди. Чунончи, бир бош бўлақдан иборат гап сифатида кашф этилган ихчам гап гапнинг коммуникатив жиҳатларини мустасно қилиш асосида (модаллик ва бошқа томонларидан холи қилиниб) ажратилди³. Гапнинг коммуникатив жиҳатларини четлаш систем тилшунослик тақозоси эди. Аммо мактаб она тили таълимида ўқув фани концепциясида белгиланишига кўра коммуникатив ёндашув устувор роль ўйнайди. Мулоқот маданияти гапнинг коммуникатив жиҳатларини сақлаган ҳолда тил сатҳларини ўрганиш заруриятини келтириб чиқаради. Шу боис гаптаги модаллик ва бошқа жиҳатлар тиклангач, мактаб таълими учун ихчам гап мунозарали бўлиб қолиши аниқ.

Гапнинг бош бўлақларини ўрганишга доир дарсларда ўқувчилар нутқи тилшуносликда эришилган энг сўнгги ютуқларга суянган ҳолда ўстарилиши кераклиги шубҳасиздир. Биз мавжуд адабиётлардан гапнинг бош бўлақларини мактабда ўрганиш, шу асосда ўқувчилар нутқини ўстириш борасида амалиётда туғилаётган қатор саволларга жағоб изладик. Бизнингча, бу борада қуйидаги масалалар муҳим ўрин тутади:

1) гапнинг бош бўлақлари, эга ва кесимдан англашиладиган тушунчалар талқини мазкур тил ходисаларини англаш учун старли ёки старли эмаслиги; гапнинг грамматик асоси қайси бош бўлақ эканлиги; ихчам гап тушунчасининг моҳияти хусусида билим бериш зарур ёки зарур эмаслиги;

2) эга ва кесимнинг ифодаланишига доир билимлардан ижодий матн яратиш жараёнида қай даражада фойдаланиш мумкинлиги, бу билимларнинг мулоқот маданияти билан боғланидиган жиҳатлари;

¹ Абдусаматов Р.А. Ўзбек тилида гап бўлақларининг поамалий мавқеи масаласи: Филол. сан. номз. ...дисс.автореферати. – Самарқанд, 1994; Абузалова М.К. Ўзбек тилида содда гапнинг энг кичик қурилиши қолипи ва унинг нутқда воқеланиши: Филол. фан. номз. ... дисс.авт.-ти. – Тошкент, 1994; Азимов И. М. Алишер Навоийнинг насрий асарларида кесим марказли бир бош бўлақли гапларнинг шаклий ва мазмуний хусусиятлари: Филол.фан.номз. ...дисс.автореферати. – Тошкент, 2001.

² Абузалова М.К. Номи кўрсатилган автореферат.

³ Абузалова М.К. Номи кўрсатилган автореферат.

3) эганинг тушириб қолдирилиш сабаблари (бир бош бўлакли гаплар) билан мулоқот маданияти, муомала одобининг алоқадорлик жиҳатлари.

Юқорида санаб ўтилган муаммолар асосида ўзбек тилшунослигига доир манбалардан гапнинг бош бўлаклари билан бэглик маълумотларни кўриб чиқиш зарурияти туғилди.

Р.А.Абдусаматовнинг А.Нурмонов, Н.Махмудов ва бошқа муаллифлар томонидан яратилган “Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси” асарини назарда тутган ҳолда эътироф этишича, сўнги йилларда тилшуносликнинг барча сатҳларида бўлгани каби, синтактик сатҳ ҳодисаларининг ҳам мазмун томони (семантикаси)га эътибор кучайди, мазмуний синтаксис (семантик синтаксис) мустақил йўналиш мақомида ўзини кўрсатди. Айниқса, шу ҳодиса билан алоқадор систем-структур таҳлил тадбили (методи)га мурожаат қилиниши, тил синтактик қурилишининг мазмуний-шаклий номуносивлиги (семантик-синтактик ассиметрияси) ҳамда синтактик қурилмалар парадигматикаси ва синтагматикаси каби масалаларга қўл урилиши ўзбек тили назарий синтаксисидан янги қарашлар юзга келганидан далолатдир¹.

С.Иноятов таъкидлаганидек, синтактик бутунлик қисмларининг синтактик алоқа воситасида бирикиши натижасида объектив олам нарса-ҳодисаларига хос боғланишлар ўз лисоний инъикосига эга бўлади². Р.А.Абдусаматов бу хусусда шундай ёзади: “Маълумки, гап бўлаклари объектив борлиқнинг инсон тафаккури орқали инъикос этилувчи элемент-қисмларини моддийлаштирувчи ҳодисалар ҳисобланиб, гап синтактик камровида муҳим функционал бирлик вазифасини ўтайди”³. Синтактик бутунликка коммуникатив ёндашув нуқтаи назардан баҳо берганда, инсонлар ўртасидаги мулоқот маданияти, одоб, этикаси ва эстетикаси устувор аҳамият касб этади. Демак, синтактик бутунлик қисмларининг синтактик алоқа воситасида бирикиши, шу йўл билан синтактик муносабатларнинг ифодаланиши натижасида объектив олам нарса-ҳодисаларига хос боғланишларига эмас, балки одамлар орасидаги мулоқот одобини ҳам назарда тутилмоғи лозим. Биз тилшуносликка оид адабиётлардан кейингисига нисбатан тўпланган маълумотларга кўпроқ эътибор беришни ўз олдимишга мақсад қилиб қўйдик.

Р.Абдусаматовнинг таъкидлашича, “Систем қурилма сифатида гап бўлагига ифода плани (синтаксиси), мазмун плани (семантикаси) ва гап бўлагининг муайян нутқ вазиятида оладиган мгнони

¹ Абдусаматов Р.А. Ўзбек тилида гап бўлақларининг ноамалий мавқеи масаласи: Филол. фан. номз. ...дисс. автореферати. – Самарқанд, 1994. – Б. 6-7.

² Иноятов С. Б. Ўзбек тилида предикатив муносабат: Филол. фан. номз. ... дисс. авт.-ти. – Тошкент, 1999. – 6-6.

³ Абдусаматов Р.А. Номин кўрсатилган автореферат, 7-6.

(прагматикаси) ҳамда уларнинг ўзаро алоқаси бир бутунликда амал қилади. Улар бир-биридан фарқланади ва маълум даражада мустақил ҳам бўлади. Мухими, бу уч тушунча бир-бири билан у ёки бу тарзда боғланган бўлиб, гап бўлагининг мазмун томонини ўрганишда улар бақамти ҳисобга олинади¹. Гап бўлагига нутқ вазияти (прагматика) нуктаи назаридан баҳо бериш айни нутқий мулоқот маданиятини ўрганишга олиб келади.

Ўтган асрнинг 90-йилларигача бўлган тадқиқотларда эга ва кесим гапнинг грамматик асоси эканлиги эътироф этиб келинган бўлса, кейинги йилларда кесим гапнинг грамматик маркази деган фикрни исботлаш ҳаракатидаги изланишлар майдонга келди. М.К.Абузалованинг гап қолипи бўйича олиб борган тадқиқот иши бунга яққол мисол бўла олади². Лекин эга ва кесим гапнинг грамматик асоси деган фикрни ҳимоя қилувчилар ҳам йўқ эмас. (Бу ўринда биз С.Б.Иноятовнинг номзодлик диссертациясини кўзда тутяпмиз.) Мактаб таълими учун, биринчидан, гапнинг бош бўлақларидан иккаласи грамматик асос ҳисобланиш-ҳисобланмаслиги нутқ ўстириш жиҳатидан унчалик роль ўйнамайди, иккинчидан, бош бўлақлар деганнинг ўзида айнан шу маъно англашилади, яъни бир маъно икки термин(тушунча) билан аталиш ҳолати содир бўлади. Мактаб она тили дарсларида бир тушунчани икки хил ағашга (ҳам бош бўлақлар, ҳам грамматик асос ёки грамматик марказ) зарурият бўлмаса керак. Зеро, “гапнинг бош бўлақлари” деганда ҳамма нарсга айтиб бўлинади. Мулоқот маданиятини ривожлантириш учун эса коммуникативликни таъминловчи жиҳатларни ажратиш ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

М.К.Абузалова гапнинг грамматик асосини коммуникативликни мустасно этган ҳолда аниқлайди. У бундай дейди: “Гап носинтактик ҳодисалар (гапнинг ифода мақсади, оҳанги, модаллик, гап бўлақлари)дан холи қилинган, фикрни ифодалай оладиган марказий бўлак – кесим вазифасидаги сўз форма қолади. ... Кесим вазифасида турган сўз форма икки қисмдан иборат бўлади: лугавий маъно ифодловчи қисм, яъни – [W] ва кесимлик кўрсаткичлари қисми – [Pm]. Шу асосда гапнинг синтактик қурилиши ёхуд унинг энг кичик қурилиши қолипни [WPm] сифатида ажратиш мумкин”³.

Тадқиқотчининг фикрича, кесимнинг морфологик таркиби эга ҳақида тўлиқ маълумот беради. Шунинг учун гапнинг тил босқичида, яъни зарурият, мажбурият, имконият ва умумийлик босқичида – эга гап қолипи таркибидан ўрин ололмайди. М.К.Абузалованинг хулосасига кўра, кесим марказий бўлак бўлса,

¹ Абдусаматов Р.А. Номи кўрсатилган автореферат, 7-6.

² Абузалова М.К. Номи кўрсатилган автореферат.

³ Абузалова М.К. Номи кўрсатилган автореферат, 8-9-6.

эга биринчи даражали бўлакдир (10-бет). Кўриниб турибдики, эганинг гапдаги мавкеи масаласи барибир тадқиқотчиларни бефарқ қолдирмаган. Лекин уни биринчи даражали бўлак деб аташ ҳам икки хилликка олиб келади. Шубҳа йўқки, гапда эганинг ўзига яраша, бироқ кесимдан кам бўлмаган ўрни бор, албатта.

М.Қ.Абузалова носинтактик ҳодисалардан холи килинган гапнинг кичик қолипни лисоний босқичга нисбатан қуйидаги олти кўринишда тақдим этади: 1. Бир таркибли ихчам содда гап -... 2. Бир таркибли ёйиқ содда гап -... 3. Икки таркибли эгали ййиқ содда гап - ... 4. Икки таркибли эгали ёйиқ содда гап - ... 5. Икки таркибли эгасиз ихчам содда гап - ... 6. Икки таркибли эгасиз ёйиқ содда гап - ... (13-бет).

Систем тилшунослик учун бу муҳим аҳамиятга молик хулоса бўла олар, лекин мактаб таълими учун у формал грамматикадангина далолат беради. Чунки бу таснифда икки таркибли ихчам гап тушунчасини фақат формал грамматика даражасида англаш мумкин. Мактабда грамматика, бир томондан, ўқувчиларнинг филологик маълумотини оширса, иккинчи томондан, шаклланаётган лингвистик тафаккур орқали нутқини янада ўстириш учун хизмат қилади. Она тили дарсида ўқувчиларнинг нутқини ўстириш мақсади билан тил ҳодисаларини тақдим этганда уларни “носинтактик ҳодисалар (гапнинг ифода мақсади, оҳанги, модаллик, гап бўлаклари)дан холи” қилиб эмас, балки коммуникатив жиҳатлари билан қуйма ҳолда ифода эттириш мақбул кўринади.

“Ихчам гап” деганда гапни ихчамлаштириш натижасида юзага келган гап тушунилиши мумкин. Лекин мулоқот чоғида тўлиқ саволга берилган жавобда ихчамлаштириш эмас, аксинча, зарур ахборотнинг ўзини (кўпинча мантикий урғу билан ажратилган гап бўлагини) айтиш кузатилади. Бундай жавоблар “тўлиқсиз гап” термини билан юритиб келинган. Коммуникативлик нуктаи назаридан она тили таълими жараёнида ўқувчиларнинг диалогик нутқини ўстириш, уларда монологик шаклдаги баён таркибига диалог қўшиш малакасини шакллантириш учун ашё сифатида шартли равишда ана шу термин маъқулга ўхшайди.

И.Азимов бир бош бўлакли гап термини остида фақат кесим марказли гапларни тадқиқ қилиш ҳақиқатга мос келишини таъкидлайди¹. Шунингдек, “шахс” тушунчали гапларнинг “грамматик шахс” билан боғланмаганлигини (чунки грамматик шахс бўлмас экан, предикативлик инкор этилган бўлади) ҳамда “шахс” сўзли гапларнинг фаркланишини фақат структура тушунчаси билан боғлиқ қилиб қўйиш ҳам мумкин эмас, балки ҳақиқий маънодаги шахс (субъект) тушунчаси билан боғланганлиги учун мавжуд таснифларда

¹ Азимов И. Номи кўрсатилган автореферат, 7-6.

семантика (мазмун) ҳам эътиборга олинганлиги қайд қилиниши лозим (7-бет). И.Азимов семантик нуқтаи назардан ёндашар экан, “аслида кесим марказли бир бош бўлакли гаплар икки бош бўлакли (икки составли) гаплар каби барча функционал синтактик хусусиятларга эгадир” деб уқтиради (7-бет). Бу ўринда тадқиқотчи кесим таркибидан иборат ёйиқ содда гапни назарда тутаётгани аниқ. Лекин “кесим марказли” деганда эганинг бош бўлаклардан бири эканлиги инкор этилади. Аслида икки бош бўлакли гаплар эга таркибли ва кесим таркибли бўлиши шак-шубҳасиздир. Шу жиҳатдан қараганда А.С.Мусаевнинг қуйидаги фикрини ўринли деб ҳисоблаймиз: “Бош бўлаклар эга ва кесимдан иборат бўлиб, улар гапнинг икки уюштирувчи маркази ҳисобланади” (7-бет). Гапда эга таркибида эга уюштирувчи марказ саналиши тўғри бўлганидек, кесим таркибида кесим уюштирувчи марказ бўлади. Ушбу тушунчалар, бизнингча, эга таркиби ва кесим таркиби деганда ҳам тўлиқ англашилади.

Хуллас, гапнинг бош бўлаклари юзасидан систем тилшунослик нуқтаи назаридан берилаётган баҳолар (гапнинг грамматик асоси, грамматик марказ, биринчи даражали бўлак) филологик маълумот учун қанчалик зарур ва муҳим бўлмасин, мактаб она тили дарсларида эга ва кесим ҳақидаги билимлар ҳал қилувчи роль ўйнайди. Мулоқот маданияти, муомала одоби ана шу икки бўлак билан боғлиқ равишда намоён бўлади. Биргина эганинг ифодаланиши масаласини оладиган бўлсак, оз сўзлаш, такрорларга йўл қўймаслик, тингловчига ёқадиغان, манзур келадиган қилиб сўзлаш каби бир қатор сифатлар ҳам шу бўлакка боғлиқ равишда содир бўлади.

“Ўзбек тили грамматикаси”, “Ҳозирги ўзбек адабий тили” китоблари¹, шунингдек, бошқа бир қатор тадқиқотларда эга ва кесимнинг ифодаланиши анъанавий тарзда ифода воситаларини кўрсатиш мазмунида баён этилган. Чунончи, манбаларда эганинг сгласган сўзлар билан ифодаланиши тушунтирилган, бунга доир мисоллар келтирилган. Баъзи ҳолларда эгани бу тарзда ифодаланиши сабаблари ҳам айтиб ўтилади. “Ўзбек тили грамматикаси”да сифат ҳақида бундай дейилади: “Сифатланмишнинг тушиб қолиши сифатловчини отга (предмет маъносини англаувчи сўзга) кўчиради. Бундай ҳодиса, кўпинча: а) мақол ва маталларда учрайди...; б) киши ва ҳайвонларнинг табиий (ёки социал) ҳолатларини (нуқсон ва камчиликларини) билдирувчи (кўпинча, уларга лақаб бўлиб қолган) сифатлар аниқланмишсиз, от тарзида

¹ Ўзбек тили грамматикаси. Морфология. – Тошкент: Фан, 1975. – I том. – 610 б.; II том. – 1976; Фуломов А.Ф., Аскарлова М.А. Ҳозирги змон ўзбек тили. Синтаксис: Университетларнинг филология факультетлари ва педагогика институтларининг тарих-филология факультетлари учун дарслик. – Тошкент: Ўрта ва олий мактаб, 1961.

кўлланади: чўлок...; в) киши исмлари отлашган сифатлардан бўлиши мумкин...¹. Отлашган сифатларнинг мақол ва маталларда учрайдиган ҳолати мактаб она тили таълими мазмунига кирган. Таснифнинг “б” ва “в” моддалари тил ҳодисасининг мактабда ўрганиш муҳим бўлган томонларини акс этгирмайди. Мақол ва маталларда ҳамма сифатлар ҳам отлашиб келавермаслиги аниқ. Ана шу ҳолатлар изох ва тушунтиришларга муҳтождир. Лекин тилшуносликка доир адабиётларда бундай муфассал изох ва тушунтиришлар берилмаган.

Ўқувчиларни отлашган сифатларни эга вазифасида кўллашга ўргатиш зарурияти туғилганда ана шундай қийинчилик юзага келиши аниқ. (Ҳозирча бундай мақсад шунчаки мавжуд, яъни ўқувчиларни отлашган сифатларни эга вазифасида кўллашга ўргатиш методик тавсияларда умумий равишда айтиб ўтилса-да, алоҳида мақсад даражасига кўтарилгани йўқ.)

Эганинг отлашган сўзлар билан ифодаланиши оз сўзлаб, кўпроқ фикр ифодалаш, яъни кўпроқ услуб талаби, ихчамликка интилиш туфайлидир. Фикрни ўзгаларга тўлиқ етказиш учун узундан-уzun тузиладиган гаплар, узоқ сўзланадиган нутқлар бўлиши шарт эмас. Зеро, ҳикматларда “Оз сўзла, соз сўзла” деб бежиз айтилмаган.

Р.Абдусаматов айни шу ҳодиса, яъни сиқик жумлалар тузишга интилиш ҳақида гапириб, “лисоний тежамлилик” ва “лисоний ортикчалилик” деган бирикмаларни ишлатади (19-бет). “Яхши одам” ўрнида “яхши”, “билган одам” ўрнида “билган”, “қирқинчи иг” ўрнида “қирқинчи”; “Салим, Қобил ва мен” ўрнида “ҳаммамиз” ёки “ҳеч ким” каби кўлланишлар лисоний тежамкорликка олиб келади.

Коммуникативлик борасида Э.Қиличевнинг изланишлари эътиборга лойиқдир. Унинг таъкидлашича, услубшунослик нутқга назаридан қараганда, гапнинг мантикли, мазмунли ва таъсирчан бўлишини таъминлашда гап бўлақларига хос хусусиятларни билиш ва улардан ўз ўрнида фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади².

Гап бўлақларининг муҳим хусусиятларидан бири уларнинг ифодаланишидир. Лекин тилшуносликка доир адабиётларда, тадқиқотларда гап бўлагининг ифодаланиши бир ёқлама тушунтирилган. Масалан, эга ёки кесимнинг отлашган сўзлар, бирикмалар, иборалар билан берилиши мисоллар билан кўрсатилган. “Ўзбек тили грамматикаси” китобида соннинг отлашуви ҳам фактларни қайд этиш мазмунида тушунтирилган: “Сонлар отлашиб, отга хос бўлган эгалик ва келишиқ қўшимчаларини олиб, гапда эга, тўлдирувчи ва қаратқичли аниқловчи вазифасида келади (-та-дан

¹ Ўзбек тили грамматикаси. Морфология. - I том. - Тошкент: Фан, 1975. - 305-б.

² Қиличев Э. Ўзбек тилининг амадий стилистикаси: Педагогика олийгоҳларининг филология факультети талабалари учун ўқув-қўлланма. - Тошкент: Ўқитувчи, 1992. - 114-б.

аффикси орқали ясалган сонларда бу хусусият кўринмайди”¹. “Олмадан тўртта олдим”, “қизларнинг бештаси келди”.

Сифатдошларнинг отлашуви бўйича куйидагиларнинг гувоҳи бўлишимиз мумкин: “Сифатдошларнинг асосий синтактик вазифаси аниқловчи бўлиб келишидир. Улар отлашганда эса отларга ҳос синтактик вазифаларда кела олади. Шахс-сон билан тусланиб, майл, замон маъноларини ҳам ифодалаган ҳолларда кесим вазифасида келади”².

Маълум бўладики, лингвистик адабиётларда эганинг ифодаланиши масаласи боғлиқлиги нутқ ўстириш, мулоқот маданиятини шакллантириш нуктаи назаридан атрофлича ёритилганича йўқ. Кесимнинг ифодаланиш хусусиятлари ҳам бевосита мулоқот маданияти, муомала одоби билан боғлиқ жиҳатларга эга. Масалан, бир шахсга нисбатан “келмоқ” феълининг “келди”, “келдилар” шакллари ишлатилади, иккинчисида (“келдилар”) хурмат маъноси ўз ифодасини топади.

Кесимнинг ифодаланиши ҳақида ҳам кўпинча мухтасар сўз юритилади. *-са керак, -са бўлади, -гиси келди, -моқчи бўлди* каби талай шаклларнинг услубий қўлланиш чегаралари, бўёқлари муфассал ёритилган тақдирда мактаб ўқувчиларининг нутқ маданиятини шу воситалар ёрдамида ривожлантириш имконияти туғилади.

Э.Қиличевнинг аниқлашича, сўзлашув услубида содда кесим кўп ишлатилса, таркибли кесимлар китобий услубда кенг қўлланади³. Чоғиштиринг: *қурашмоқ - қураш олиб бормоқ; қатнашмоқ - қатнашиб келмоқ*. Лекин шундай таркибли кесимлар борки, улар сўзлашув услубида ҳам фаол қўлланади. Масалан, *қўлидан тушириб юборди, гапириб ташлади, гапириб ўтирибди* каби. Шунга кўра ҳам, бу борадаги тадқиқотларни чуқурлаштириш зарурияти туғилади.

С.Иноятов баъзан келишик кўшимчалари ҳам предикатив муносабатни шакллантиради деб уқтиради. Предикатив муносабатнинг бу типи детерминатив-предикатив муносабат характерига эга ва у аввалги предикатив муносабатнинг инкор этилиши оқибатида кейин пайдо бўлган иккиламчи жараёндр. Мазкур предикатив муносабат гапнинг кесим ҳисобига қисқариши натижасида вужудга келади⁴: *Бахт меҳнатдан. Муқофот илғорларга. Қўмакчилар ҳам баъзан шундай вазифани бажаради: Ҳамма нарса халқ учун. Мен сен билан.*

Адабётларда эганинг тушириб қолдирилиш сабаблари коммуникативликдан узилган ҳолда систем тилшунослик нуктаи

¹ Ўзбек тили грамматикаси. Морфология. - I том. - Тошкент: Фан, 1975. - 331-б.

² Ўзбек тили грамматикаси. Морфология. - I том. - Тошкент: Фан, 1975. - 515-б.

³ Э.Қиличев. Номи кўрсатилган китоб, 117-б.

⁴ Иноятов С.Б. Номи кўрсатилган автореферат, 18-б.

назаридан бир бош бўлакли (бир таркибли) гап турларини тушунтириш, таҳлил ҳамда талқин қилиш йўсинида ёритилган.

Э.Қиличев бир бош бўлакли гапларни икки бош бўлакли гапларнинг синонимлари сифатида талқин қилади: “Бир бош бўлакли гаплар семантик жиҳатдан икки бош бўлакли гапларга яқин туради. Аммо биринчисида ҳиссий-таъсирчан маъно кучли бўлади: *Мен зерикшни хоҳламайман.* – *Менга зерикмаслик тўғри келади.* Нутқда бу хил гапларни ўзаро синоним қилиб ишлатиш орқали бирор фикр ифодалашда ранг-баранглик ҳосил қилади ва шу орқали таъсирчанликка эришилади”¹. Бугина эмас, бир бош бўлакли гап орқали фикр ифодалаш маълум жиҳати билан мулоқот маданияти, одоби билан шартланади. Сухбатдошлар бир-бирларини кўриб турганликлари учун эга – *сен* сўзини ишлатмайдилар. Маслаҳат бераётган одами ўзидан катта бўлса, кесимни – (*и*)ш керак шаклида қўллаб, сухбатдошига буйруқ бераётгандай бўлиб қолмасликка ҳаракат қилади ва ҳоказо.

Юқоридаги фикрни Э.Қиличев шундай изоҳлайди: “Сўзловчи тингловчи билан юзма-юз туриб айтган буйруқ гапларда эга ифодаланмайди. Бу ҳол бадий матнларда кўп учрайди: *Айт, кирсин.* Бирок ижро этувчини таъкидлаш лозим бўлса, эга доим сақланади: *Сен айт, у кирсин*” (115-116-б.).

Кесими буйруқ майлининг иккинчи шахс шакли билан ифодаланган шахси умумлашган гапларда ҳам *сен* сўзи ишлатилмайди. Бундай гаплар бадий-публицистик нутқда кенг қўлланади. Улар умумга тегишли маслаҳат, орзу, киноя, буйруқ, газаб каби маъноларни ифодалайди: Ётга яқинлашма, элинг билан ёвлашма (Мақол). Башарти, *сен* сўзи билан ифодаланган эга тикланса, бундай гаптаги буйруқ ва бошқа маънолар умумга эмас, балки бир кишига – сухбатдошга қаратилади.

Э.Қиличевнинг кузатишларига қараганда, айтилаётган фикр марказини кўрсатиш, уни таъкидлаш, мазмунини кучайтириш каби услубий зарурат лозим бўлганда, субъекти икки марта ифодаланган гаплар ишлатилади: *Мен ўқитувчман, сен талабасан.* Гап умумийлик билдирганда, олмош билан ифодаланган эга тушириб қолдирилиши ҳам мумкин: *Ўқитувчман, талабасан* каби. Бундан ташқари, шахси номаълум, шахси умумлашган гапларда, топишмоқларнинг баъзи турларида ҳам эга қўлланмайди: *Ер ҳайдасанг, қуз ҳайда* (Мақол). *Чопса, чопилмас; кесса, кесилмас.* (Топишмоқ) (116-бет).

Э.Қиличевнинг таъкидлашича, кесими иккинчи шахс шаклида бўлган шахси умумлашган гапларнинг кесими биринчи шахс бирлик

¹ Э.Қиличев. Номи кўрсатилган китоб. 128-129-б.

шаклида ишлатилганда таъсирчанлик янада ортали: *Ёмон билан юрдим, қолдим уятга, яхши билан юрдим, етдим муродга* (Мақол). (129-бет). Бу ердаги таъсирчанлик суҳбатдошга кўрсатиладиган тарбиявий таъсирнинг ҳаёт тажрибасидан олинган хулосалар орқали таъминланиши билан уйғунлашади. Сўзловчи менинг ҳаётимда шундай бўлди, сен бу хатони такрорлама деган фикрни ихчам мақол тариқасида ифода этади ва шу орқали таъсир натижасига эришади.

Шаҳси умумлашган гаплар ҳикматли сўз ва панд-насихат тарзида бўлганлиги учун ҳам сўзлашув услубида кенг ишлатилади: *Секин юрсанг, узоқ кетасан* (129-бет). Бундай гапларда мазмун кўпчиликка оид бўлганлиги учун, гарчи уларнинг кесими иккинчи шахс бирлик шаклида бўлса ҳам, *сен* олмошини қўйиб бўлмайди.

Тилшуносликка доир аксарият адабиётларда юқоридаги каби фикрлар кенг ёритилган бўлса-да, аниқ нутқ контекстида бундай гаплар қайси вазиятларда ишлатилиши хусусида атрофлича сўз юритилмайди. Бизнингча, суҳбатдошга ўзининг маслаҳатидан кўра халқ нақлини келтириш таъсир кучини оширишга олиб келади. Гапираётган одам халқ орасида шаклланган ҳаётий тажрибани тилга олади, шу билан ўзини “ақллилик килаётган” вазиятдан олиб қочади.

Э.Қиличевнинг фикрича, шахси номаълум гапларда ҳам гапнинг эгаси қўлланмайди. Бундай гапларнинг кесими учинчи шахс шаклида бўлади. Лекин шунга қарамай, ҳаракатнинг бажарувчиси аниқ бўлмайди. Шаҳси номаълум гаплар кўпинча бадий ва сўзлашув нутқида ишлатилади (129-бет). Бадий тасвирда нутқий ранг-барангликка эришиш учун шахси номаълум гапларни нофаол конструкцияли икки таркибли гапларга синоним қилиб қўллаш мумкин: *Гапни бир марта айтадилар. – Гап бир марта айтилади.* (130-бет).

Бажарувчи шахсини нутқда атайлаб номаълум қилиб ишлатиш орқали тасвирда маълум бир ҳаяжонлилик вужудга келтирилади: *Ер соттанларнинг кўпини кўрдим, ахири гадоё бўлади* (О.).

Шаҳси номаълум гапларнинг эгасини топиб бўлмайди. Бундай гапларнинг кесими учинчи шахс мажхул нисбат шаклидаги феъллар билан ифодаланади: *Чекилмасин!*

Бу хил гапларда иш-ҳаракатни бажариш мажбурий ва зарурийлиги ёки *аксинчалиги* ифодаланади. Шунинг учун ҳам бундай гаплар, асосан, расмий-иш услубида ишлатилади (130-бет). Бизнингча, буйруқда бу ҳолат бирмунча бошқача. *“Ижрочи фалончига кўйидагилар юклатилсин”* тарзида кўрсатилади.

Э.Қиличевнинг таҳлилларига кўра, номинатив гаплар илмий ва сўзлашув услубида кам қўлланади. Аммо бирор бадий асар йўқки, номинатив гап қўлланмаган бўлсин. Бадий асарда ёзувчи нарса,

воқеа-ҳодисаларнинг номини аташ орқали китобхонга эстетик таъсир қилади. Фикрнинг лўнда, ихчам ва раvon бўлишида номинатив гаплар муҳим услубий вазифа бажаради. (130-131-бетлар).

Биз назарий асос сифатида келтирмоқчи бўлган гапларни М.Х.Ҳақимовнинг “Ўзбек тилида матннинг прагматик талқини” мавзусидаги докторлик тадқиқотидан¹ топишга муваффақ бўлдик. Ишда Ҳ.Абдурахмонов, Н.Маҳмудов, Б.Ўринбоев, С.Мўминовларнинг нутқ маданияти ва коммуникатив хулқ йўналишида яратилган ишларида прагматика эътибордан четда қолгани таъкидланади.

Муаллиф прагматика терминиға қуйидағича изоҳ беради: “прагматика тилшунослик фанининг янги бир назарий ва амалий тармоғи сифатида инсоннинг ижтимоий фаолиятини ўзида мужассамлаштирувчи нутқий жараён, нутқий вазият таъсири билан намоён бўлувчи нутқ иштирокчиларига хос коммуникатив ният билан алоқадор тушунчалар қаторидаги масалаларни ўрганади” (9-бет). Муаллиф семантика, сигматика ва прагматикани ўзаро таққослар экан, Г.Клауснинг фикриға қўшилган ҳолда уларни қуйидағича фарқлайди: “Семантика моддий оламни акс эттирувчи тушунчалар нуқтаи назаридан белги маъносини ўрганади. Сигматик йўналиш эса белги ва предмет ўртасидаги ўзаро муносабатни ўрганади. Прагматика эса белгининг инсонға таъсири, унинг фикрлаш услубиға, ахлоқиға, хис-туйғусиға таъсирини ўрганади” (13-бет).

М.Х.Ҳақимов бир бош бўлакли гапларда кесимнинг шакли юзасидан тавсифли мисол келтиради. У шундай ёзади: “Нутқ субъекти аниқ бўлган ҳолда сўзловчи ўз ички мақсадини нутқда баён қилиш учун аниқ нисбат ўрнида мажҳул нисбат шаклидан фойдаланади. Бундай усул индивидуал ўзига хосликни ифода этишда муҳим ўрин тутати. *Биров олиб кетса, қайтиб кела бер деб қўйилмаган экан-да! Нега йиғланади? Йиғланмасин!* (А.Қаҳҳор). Мисол мазмунидан кўринадики, сўзловчи аниқ нисбат қўшимчасини кўллаш билан “йиғламанг” дейиши мумкин эди, лекин бунда сўзловчининг ижтимоий таъсир этиш даражаси нутқда ўз ифодасини топмай қолади, шунинг учун ҳам аниқ нисбат ўрнида мажҳул нисбат шаклидан фойдаланади” (27-бет).

Бош бўлақларни ўрганиш жараёнида ўқувчиларнинг нутқини ўстириш ишларида уч хил йўналишни ажратиш мумкин: 1) эға ва кесимнинг ифодаланиш турлари берадиган имкониятдан ўз ўрнида нутқ шароитиға мос равишда услубий хослаб фойдаланиш; 2) эғанинғ бўлиш-бўлмаслиғиға кўра икки бош бўлакли ва бир бош бўлакли гаплар асосида фикр баён қилишни муомала маданияти,

¹ Ҳақимов М.Х. Ўзбек тилида матннинг прагматик талқини: Фил.ф.ан.докт. ... дисс.авторреферати. – Тошкент, 2001.

мулоқот одоби, этика ва эстетикаси билан боғлай олиш, 3) гапда бош бўлақларнинг тартибини тўғри белгилаш. Нутқнинг ўсганлиги тил имкониятларидан тўғри, билиб фойдаланганлик билан ўлчанadi. Тилшуносликка доир манбаларда эга ва кесимнинг ифодаланиши билан боғлиқ равишда услубий қоидаларнинг ҳолатини билиш методик хулосалар чиқариш учун қанчалик муҳим бўлса, коммуникатив талабларга кўра сўзларни синтактик алоқага киригиш, бунда синтактик муносабатларни кенгрок назарда тутиш, эга ва кесимнинг ёйиқ содда гапдаги тартибини тадқиқ этиш ҳам шунчалик аҳамиятга моликдир.

Бош бўлақларни билиш эга ва кесим ҳамда улар билан боғлиқ терминлар аниқлаш тушунчаларни ўзлаштириш, эганинг ифодаланиш турлари, кесимнинг ифодаланиш турларидан хабардор бўлиш, ижодий матн яратиш жараёнида эга ва кесимнинг ифодаланишига доир эгаллаган билимларини амалиётга татбиқ эга олиш талаб этилади. Бугина эмас, гапнинг бош бўлақлари гапнинг марказий ташкилий қисмлари саналади. Гапдаги сўз тартиби ҳам эга ва кесимга нисбатан белгиланади.

Эга ва кесимнинг гапдаги тартиби коммуникатив жиҳатдан муайян услубий роль ўйнайди. А.С.Мусаевнинг фикрича, агар йиғиқ содда гапларда тартиб синтактик ва услубий вазифани бажарса, ёйиқ содда гапларда бўлақларнинг тартиби ахборот юқини ташийд¹.

Одатда, эга олдин, кесим кейин келади. Ёйиқ содда гапларда ҳам бундай жойлашиш одатдаги тартиб саналади. Эга гап бошида мантикий урғу билан ажратилиши ҳам мумкин. А.С.Мусаевнинг фикрича, “Эга эшитувчи учун муҳим бўлган бўлақ вазифасида келганда у мазмун жиҳатидан биринчи ўринда турган шахс, предметни кўрсатади ва гап бошида мантикий урғу олган ҳолда келади” (8-б). Аслида ўзгарган тартибда кесимнинг эгадан олдин келиши маъно (логик) урғу ҳамда инверсия билан боғлиқ бўлади. С.Иноятовнинг таъкидлашича, синтагматик тизимли отли гаплардан (Сафар марокли) фаркли ўларок, парадигматик тизимли отли гапларда субъект ва предикатлар тартибининг ўзгариши предикатив муносабатга таъсир этмайди: *Салим – талаба. Талаба – Салим.*

А.Саидниёзовнинг “Ўзбек тилида бош бўлақларнинг тартибига доир” мақоласида² кўчирма гапли конструкцияларда эга ва кесимнинг тартиби талқин қилинади. Бундай ҳолларда муаллиф гапда эганинг кесимдан кейин жойлашуви одатдаги тартиб саналади.

¹ Мусаев А.С. Ўзбек сўзлашув нутқи услубида гап бўлақлари тартиби: Филол. фан. номз. ... дисс. автореферати. – Самарканд, 2000. – 7-б.

² Саидниёзов А. Ўзбек тилида бош бўлақларнинг тартибига доир // Ўзбек тилшунослиги масалалари: Илмий асарлар тўплами. – Тошкент: ТДПИ, 1979. - Б. 60-66.

А.Мусаев ўзининг “Ўзбек сўзлашув нутки услубида гап бўлаклари тартиби”¹ номли тадқиқот ишида сўзлашув нуткида тўлдирувчи ёки ҳол кесимдан кейин айтиладиган ҳолатлар мавжудлиги таъкидланади. А.Ғаффоров бундай ҳолатларда парцелляция кузатилишини кўплаб мисоллар асосида исботлаб беради². Масалан: *Улар дўстлашдилар. Бир умрга.* Мақтаб она тили таълимида гапда суз тартибига хос бундай тартиб сўзлашувга хос эканлигини англашиб бориш, бадий асарда қаҳрамонлар нутқини индивидуаллаштириш воситаси сифатида шундай гаплар ишлатилиши мумкинлиги, лекин нутқ ўстириш талаби гапда сўз тартибига қатъий амал қилиш зарурлигини тақозо этишини тушунтириш талаб қилинади.


Э.Қиличевнинг таъкидлашича, эга ва кесимнинг шахс ва сонда мослашуви айрим ҳолларда коммуникативлик билан боғланади, услубий шартланади. Кўплик шаклини олган *сен* оломоши эга бўлиб келганда, кесим ҳам шу шаклда бўлади. Бундай гапларда сўзловчининг тингловчига нисбатан ўзини юқори тутиши, менсимаслиги каби кўшимча маънолар ифодаланади: *Сенлар...* (118-бет).

Эга нима? сўроғига жавоб бўлувчи сўз билан ифодалаганда, кесим деярли ҳамма вақт бирлик шаклда ишлатилади. Э.Қиличевнинг аниқлашича, эга жонсиз предметни билдирса, бадий тасвирда, шеърӣ асарларда кесим кўплик шаклда ҳам қўлланади. Эга ва кесим орасидаги мослашув вариантлари кўпинча сўзловчи (ёзувчи) томонидан танланади. Бу имконият матннинг семантик-услубий хусусиятлари билан боғлиқ, яъни эга бирликда, кесим эса кўпликда ёки аксинча бўлиши мумкин. Жумладан, хурмат, кесатиш ва мазах қилиш маъноларини ифодалашда эга бирлик шаклида бўлса ҳам, кесим кўпликда қўлланади (117-бет). Гапнинг кесими сифат, сон каби сўзлар билан ифодаланганда, у эга билан сонда мослашмайди. Яъни эга кўпликда, кесим эса бирликда қўлланади (117-118-бетлар).

Эга ва кесимнинг сонда мослашуви иш-ҳаракат бажарувчисининг шахсига, ким? ёки нима? сўроғига жавоб бўлишига қараб амалга оширилади. Бир бош бўлакли гапда ҳам, икки бош бўлакли гапда ҳам кесимнинг шахс ва сонда, замон, нисбат ва майл шаклида ишлатилиши асосан эга вазифасида (эга тушириб қолдирилган тақдирда ҳам) келиши мумкин бўлган иш-ҳаракат бажарувчиси ёки бажарувчиларига кўра содир бўлади. Сўзловчи ўзи ҳақида гапириб, “мен” сўзини ишлатса, кесим биринчи шахс бирлик шаклида, “камна” сўзини қўлласа, кесим учинчи шахс бирлик шаклида

¹ Мусаев А.С. Номи кўрсатилган автореферат.

² Ғаффоров А.А. Ҳозирги ўзбек тилида парцеллятив ва иловачи кураш малавчилик оломоши таъкидлангани: Филол. фан. номз. ... дисс. автореферати. – Самарқанд, 1987.



бўлади. Бу ҳолат ҳам эганинг гапдаги мавқеини яна бир бор эсга олиш имконини беради.

Нутқда йиғиқ содда гапни ёйиқ содда гапга айлантириш кишининг фикрлаш доирасини кенгайтиради. Кичик бир ахборотдан кенг, ҳар томонлама изоҳланган катта матн яратиш имконини беради. Аксинча, Э.Қиличевнинг уқтиришича, кенг қамровли матнларни содда, ихчам, мазмунли баён этишда гапларни йиғиқ ҳолатга келтириш ҳам муҳим услубий аҳамият касб этади (115-бет).

Э.Қиличевнинг таъкидлашича, эга гапдаги ҳоким бўлак, нутқ предметининг номидир. Эга аниқлик ёки мажхуллик ифодалашига кўра нутқ услубларида ҳам фарқланади: эга мантикий объектни кўрсатганда бетараф, эга субъектни атаганда кўпроқ сўзлашув услубига ҳос бўлади. Чунки пассив конструкцияли гапларда бажарувчини аниқлаш биринчи ўринда бўлмайди. Чоғиштиринг: *Карим хат ёзди. – Хат Карим томонидан ёзилди...* Бу конструкциялар синоним бўлиб, мазмунан фарқланмайди. Аммо услубий жиҳатдан биринчиси бетараф, иккинчиси китобийдир (115-бет).

Предикативлик – предикат ва унинг семантик актанти (мазмуний унсур-элемент)ларининг объектив борликка бўлган муносабатини ифодаловчи шакллар системаси ҳисобланади. Профессор А.Нурмонов жуда тўғри қайд этганидек, система назарияси нуктаи назаридан, предикативлик ўзоро муносабатда бўлган тасдиқ-инкорлик, замон, шахс, модаллик каби элемент-ҳодисалар мажмуаси, уларнинг бирлигидир. Айни шу элементлардан бирортасининг қатнашмаслиги системага путур еткази, предикативликдан чиқаради¹.

Сифатдошли гаплар кўп предикативли (полипредикатив) содда гаплар саналади. Кўп предикативли (полипредикатив) содда гаплардаги устама предикативлик мустақил гапларнинг трансформацияси натижасида шаклланади².

Кузатишларимизнинг далолат беришича, икки бош бўлакли гапдан эганинг тушириб қолдирилиши (ўзидан-ўзи тушиб қолмайди), яширилиши (ўзидан-ўзи яширилмайди), иш-ҳаракатнинг бажарувчиси аниқ кўрсатилмаслиги (топилмаслиги эмас), иш-ҳаракатнинг бажарувчиси ҳамма эканлигига ишора қилиниши матн талаби, услуб тақозоси, бошқача айтганда, коммуникатив ният билан изоҳланади.

Бир бош бўлакли гаплар тузишга ундайдиган ҳолатлар кўп. Шулардан бири сўз такроридан қочиш. Сўзлашувда суҳбатдошидан ёшроқ гапираётган одам ҳар бир гапини “мен” деб бошлайверса, унинг дакки эшитиши турган гап: “*Намулча “мен”ладинг!*” Эга

¹ Нурмонов А., Махмудов Н. ва б. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси. - Тошкент: Фан, 1992. - 79-б.

² Абдусаматов Р.А. Номин кўрсатилган автореферат, 16-б.

атокли от билан ифодаланганда эса уни (атокли отни) ҳацеб такрорлайвериш нутқ маромини бузгани учун такрордан кочилади.

Куйидаги парчага эътибор берайлик: *“Сирожиддин ўқишга унчалик ихлос қўймади. Бировдан олдин, бировдан кейин дегандек амаллаб юрар, айниқса, химиядан бўш эди. Кимёвий реакцияларга унча-мунча кизиқарди-ю, формуласини эслаб қололмасди (Ў.Ҳошимов).*

Биринчи гапдаги эга (Сирожиддин) 2- ва 3- гапларда тушириб қолдирилган. Бунинг асосий сабаби – такрордан кочиш (услубий талаб).

Баъзи иш қоғозларида, масалан, буйруқ баёнида, насихатларда гапнинг эгаси баён давомида бирон марта тилга олинмайди. Бундай пайтда ҳукм умумга қаратилади. Лекин кўпчилик ҳолатларда буйруқни ижро этиш кимга юкланаётганлиги, панд-насихатларнинг кимга қаратилганлиги матнда акс этган бўлади (*Вазир муовинига. Ҳурматли ўқувчига каби*).

Баъзи ҳолатларда нутқий вазиятда иш-ҳаракатнинг бажарувчиси ҳақиқатан ҳам ноаниқ, номаълум бўлади. Бу ўринда энди, бир томондан, мулоқотга киришганлар ўртасидаги муносабат маълум роль ўйнаса, иккинчи томондан, иш-ҳаракат бажарувчисининг ноаниқлиги ўз таъсирини ўтказди, учинчидан, сўзловчи иш-ҳаракатни бажарувчи ўзи хоҳиш билдиришини истаб муаллақ гап қилади. Бу ҳолатлар матн хусусияти, мулоқот қатнашчилари ва улар ўртасидаги муносабатлар мураккаблиги таъсирида юзага келади.

Масалан: *Келиб-келиб худди шу одамнинг апелляция комиссиясига раис қилиб тайинланганини эшитганда Домланинг қаттиқ гаши келган эди.*

- *Нима гуноҳ қилдик, ҳамкасаба! – деди у ичкари кириши билан ярим ҳазил, ярим пичинг қилиб.*

- *Бир абитуриентдан қайтадан имтиҳон олишга тўғри келади...* (Ў.Ҳошимов).

Баъзан мулоқот қатнашчилари касби-кори аниқ, муайян вазифани бажариш билан машғул бўлган кишилар ҳақида гап кетганда, иш-ҳаракатнинг бажарувчисини айтишни лозим топмайдилар. Масалан:

Аmmo ҳозир Зухра эмас, Шоира кўнғирок қилгани учунми, ҳафсаласи пир бўлди. Шунга қарамай иложи борича юмшюкрок қилиб гапирди.

- *Бўпти. Ҳозир пропуска ёзиб беришди (Ў.Ҳошимов).*

Адабиётларда эганинг от, олмош ва бошқа отлашган сўзлар билан ифодаланиши кўп вақт факт сифатида қайд этилади, холос. Эгани нима учун олмош, сифат, сон ёки бошқа туркумларга оид сўзлар билан ифодалаш кераклиги, бунинг услубий моҳияти ва

имкониятлари талқин этилмайди. Эгани сифат билан ифодалаш орқали аниқланмиш тушириб қолдирилади. Эслатиб ўтмоқчимизки, аниқланмиш, умуман, гапдан бирор сўзни тушириб қолдириш тилшуносликда қисқа синтактик конструкциялар яратишга интилиш деб ҳисобланади. Лекин эганинг сифат ва бошқа туркумга оид сўзлар билан ифодаланиши ўз-ўзидан нутқ оқимида пайдо бўлавермайди. Бадий асарларни ўрганиш шуни кўрсатдики, 10 бетлик парчада бор-йўғи 3-4 та сифат билан ифодаланган эгани учратиш мумкин. Эгани отлашган сифат билан ифодалаш учун алоҳида нутқий вазият тақозо этилади. Бу вазиятнинг табиати ҳали атрофлича ўрганилмаган. Нутқда ҳаракат номининг эга вазифасида ишлатилиши нисбатан кенг ёйилган.

Сифатдошнинг эга вазифасида келиш табиати ҳам ўрганилмаган. Матн таркибида отлашган сифатдош умумлаштирувчи сўз вазифасига яқин қўлланади. Ана шундай умумлаштириш қобилияти бўлмаган ўқувчи отлашган сифатдошни эга вазифасида қўллаш кераклигини кўп вақт хаёлига келтирмайди.

Хуллас, эганинг отдан бошқа туркумга оид сўзлар билан ифодаланиш табиати тилшуносликда коммуникатив нуктаи назардан, матн тақозосига кўра етарлича ўрганилмаган соҳадир. Биз эътиборни шу масалага қаратиш мақсадида ўзимизда туғилган айрим фикр-мулоҳазаларимизни баён этдик, холос.

Эганинг иштирок этмаслиги гапни бир бош бўлакли гапга айлантиради. Тилшуносликда бир бош бўлакли гаплар систем грамматика нуктаи назардан, яъни коммуникативликдан ажралган ҳолда талқин қилинади. Бунда эганинг тушириб қолдирилганлиги фикрнинг умумга қаратилганлиги ва бошқа жиҳатлар асосида ёритилади. Матн (нутқ вазияти, шароити)га кўра эганинг тушириб қолдирилиши, қатнаштирилмаслик сабаблари аён бўлади. Чунончи, биринчи гапда эга иштирок этса, иккинчи ва ундан кейинги (МСБ доирасида) гапларда такрорга йўл қўймаслик мақсади билан эга ишлатилмайди.

Ўзбек тилшунослигида шахси маълум гап бир бош бўлакли гапларнинг бир тури сифатида тасниф этилади. Бундай гапларнинг тузилишига, бизнингча, қуйидаги омиллар сабаб бўлади:

1) матнда эга кетма-кет такрорлашдан қочиш мақсадида, иккинчи ва ундан кейинги гапларда эса услуб раванлигини кўзлаб тушириб қолдирилади;

2) иш-ҳаракат бажарувчисининг касби кенг тарқалган бўлса, уни эслатишга зарурият бўлмайди;

3) иш-ҳаракат бажарувчисини нутқ вазиятидан келиб чиқиб аниқлаш мумкин бўлганда эга ишлатилмайди.

Кишилик олмоши билан ифодаланадиган эганинг ишлатилмаслигини тақозо этадиган омиллар кўп. Чунончи: 1) нутқда (матнда) маълум масофа оралиғида эгани ҳадеб такрорлайвермаслик кераклиги; 2) суҳбатдошлар бир-бирини кўриб турганда; 3) баъзан I ва II шахс кўплик кишилик олмошларини ишлатишга зарурият сезилмайди.

Эгани тушириб қолдириш, баъзан фикрни шахси маълум гап тарзида ифодалаш баённи жонлантиради, чунки бунда бутун диққат ҳаракатгагина қаратилади. Фейлларни санаш, шахси маълум гаплар қаторини келтириш таъсирчанликни (экспрессияни) кучайтиради.

“Современный русский язык” китобида таъкидланишича, феълнинг III шахс шакли шахси маълум гапларнинг кесими бўлиб кела олмайди, чунки бундай пайтда иштирок этувчи шахслар ва буюмлар хилма-хил бўлиши мумкин¹. Масалан, *Дўст тспаци, қувонади*. Бу ерда ҳаракатнинг бажарувчиси ноаниқ. Аниқликка эришиш учун эгани келтириш талаб қилинади. *Ўзбек тилида бундай ҳолатларда ҳам, айниқса, матнда у сўзини (эгани) ишлатмаслик кўп учрайди. Масалан: Шерзод бир пиёла чой ичгуча терлаб кетди. У кўлидаги пиёлани қаёққа қўйишини билмай қийналарди. Крахмалланган салфеткага қўяй деса, пиёланинг таги тегиб доғ бўлиб қолади. Столга қўйса жилосига панд етади. (Ў.Хошимов)* Ушбу парчанинг учинчи ва тўртинчи гапида у олмоши такрор ишлатилмаган, тушириб қолдирилган.

Бир бош бўлакли гаплар турларидан яна бири шахси номаълум (шахси топилмас) гаплардир. Бундай гапларнинг коммуникатив ният важидан юзага келишида иш-ҳаракатнинг бажарувчисини маълум сабабларга кўра айтишдан сақланиш муҳим роль ўйнайди.

Кузатишларга қараганда, шахси номаълум гапларда ҳаракатнинг бажарувчиси ифодаланмайди. Чунки бу ерда бутун гап қурилиши билан ҳаракатнинг бажарувчиси ноаниқ эканлигини таъкидлаш муҳимдир, лекин унинг йўқлиги гапнинг тўлиқ эмаслигига ишора эмас. Эгани билиб туриб ишлатмаслик, уни ноаниқ тарзда тақдим этиш – шахси номаълум гапларга хос хусусият. Ноаниқлик феълнинг III шахс шакли билан ҳам вужудга келтирилади. Бу шаклдаги феъллар I ва II шахс шаклларига қараганда камроқ аниқликка эга².

Шахси номаълум гапда шахси номаълум шакл остида “яширинишга” интилган сўзловчининг ўзи ҳаракатни бажарувчи шахс бўлиши мумкин: (64-бет). *Буюрганларидек қил! Бу ҳақда сендан сўраётганлари йўқ.*

¹ Современный русский язык. Часть 2: Синтаксис. -Изд. 2-е, испр. // Пед. ред. Д.Э.Розенталя. - М.: Высшая школа, 1976. - 62-б.

² Номн кўрсатишган китоб. 64-б.

Кимга айтиляпти! каби гаплардан қатъий буйруқ ифодалашда фойдаланилади.

“Современный русский язык” китобида кўрсатилишича, бажарувчи шахс ноаниқ кўрсатилишига олиб келадиган яна бир қатор сабабларни айтиш мумкин: аввало уни на сўзловчига ва на тингловчига маълум бўлмагани учун аташ мумкин эмас (иложи йўқ); ҳаракатнинг бажарувчисини айтиб бўлмайди, чунки у ҳаракатдан, вазиятдан маълум: *Бизни кўчиришяпти.*

Шундай қилиб, биз тилшуносликка доир адабиётлар асосида назарий талқинни амалга ошириб, она тили ўқитувчисининг иш тажрибасида пайдо бўлаётган бир қатор саволларга жавоб топишга муяссар бўлдик. Амалга оширилган назарий изланишлар қуйидаги хулосаларни чиқариш имконини берди:

1. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг ўтган давр ичида ўзбек тилшунослигига оид адабиётлар ва тадқиқот ишларида гапнинг бош бўлақлари, икки бош бўлақли ва бир бош бўлақли гаплар бир-биридан фарқ қиладиган ёндашувлар, йўналишлар асосида талқин қилинди, янгича қарашлар юзага келди. Бу талқинларнинг айримларида тил ҳодисалари коммуникативликдан холи, яъни систем тилшунослик нуқтаи назаридан ўрганилди. Чунончи, ихчам гап гапнинг коммуникатив жиҳатларини мустасно қилиш асосида (модаллик ва бошқа томонларидан холи қилиниб) ажратилди. Мактабда эса, аксинча, тил сатҳлари асосан гапнинг коммуникатив жиҳатларини сақлаган ҳолда ўрганилади.

2. Эганинг от ва отлашган сўзлар, ажралмас бирикма, иборалар билан ифодаланиши ҳам, эганинг тушириб қолдирилиши ҳам маълум даражада услуб талабига кўра амалга оширилади, деган фикрлар майдонга келаётганлиги ва шу йўналишда дастлабки қадамлар қўйилганлигидан ташқари бу ҳодисаларни мулоқотга кирувчиларнинг ўзаро муносабати (коммуникатив ёндашув) билан боғлаш кераклиги (прагматик йўналиш) ҳақидаги фикрлар она тили таълими асослари нуқтаи назаридан тилшуносликда эришилган катта ютуқлардан биридир.

3. Тадқиқот ишларида эганинг отлашган сўзлар билан ифодаланиши кўпроқ шу ҳолатларни санаш тарзида ёритилган, шу боис ўқитувчи улардан ўқувчиларни мазкур имкониятлардан фойдаланишга ўргатиш масаласида етарлича жавоб топа олмайди. Бундан ташқари, манбаларда қисқарган синтактик конструкциялар учун асос бўлмиш ҳодиса - эганинг отдан бошқа туркумга оид сўзлар билан ифодаланиш табиати тилшуносликда коммуниктив нуқтаи назардан, матн тақозосига кўра ўрганилмаган.

4. Кесимнинг ифодаланишига доир фикрлар кўпроқ қайси сўз туркумига мансублиги, тузилишига кўра турлари, боғламанинг ишла-

тилиши билан боғлаб кўрсатилган, лекин феълнинг замон, нисбат, майл шакллари синтаксис курсида - кесим мавзуси таркибида қайта талқин қилинишига эҳтиёж сезилади.

Гапнинг бош бўлақларини коммуникатив йўналишда ўрганишнинг методикадаги ҳолати

Ўзбек тилини ўқитиш методикасида гапнинг бош бўлақларини ўрганиш юзасидан олиб борилган изланишлар ҳар бир даврда тилшунослик фани эришган ютуқларни ҳисобга олган ҳолда амалга ошириб келинган, ҳозирги кунда ҳам шундай йўл тутилмоқда. Айтиш жоизки, тадқиқ, этилаётган тил ҳодисасининг назариядаги бугунги ҳолати қандай бўлса, мактаб она тили таълими мазмуни ҳам шу даражада янгиланиш сари йўл тугган.

90-йилларгача бўлган даврда она тили таълими методикаси ўша давр ўзбек тилшунослиги эришган ютуқлар даражасида ишланган. Бу даврда яратилган методик қўлланмалар¹, ишлаб чиққан тавсиялар бунга ёрқин мисолдир. Методик йўл-йўриқлар ҳам шу асосда, шунингдек, рус тили таълими ютуқларидан андоза олиб ёритилган. Муаллифлар ўқувчиларга гапнинг бош бўлақлари юзасидан бериладиган маълумотлар мазмуни, бу маълумотларни ўқувчиларга етказиш йўллари, улар онгига сингдиришда фойдаланиладиган машқлар, дидактик воситалар ҳақида кенг фикр юритганлар. Лекин улар, асосан, назарий тушунчалар устидаги ишларни кўпроқ ёритганлар. Мавзуга дахлдор қўлланма ва илмий мақолаларда нутқ ўстиришнинг аҳамияти таъкидлаб борилган бўлса-да, баён ва иншонни эътиборга олмаганда, махсус нутқий-услубий машқлар тизимини ишлаб чиқиш мақсад қилиб қўйилмаган.

Мустақиллик даврида она тили ўқитиш методикасида бир қатор янги йўналишдаги тадқиқотлар амалга оширилди. Бу тадқиқотлар кўпроқ методист олим А.К.Фулумов бошчилигида бажарилди.

Умуман олганда, методик адабиётларда қуйидаги босқичлар юзасидан фикр-мулоҳазалар юритилган, тавсиялар баён қилинган: 1) бошланғич синфларда гапнинг бош бўлақларини ўрганиш мазмуни

¹ Омилхонова М. Бир бош бўлақли гапларнинг синонимларини ўрганиш // Ўзбек тили ва адабиёти ўқитиш методикасини такомиллаштириш масалалари. - Тошкент: ЎзПФТИ, 1983. - Б. 14-23; Омилхонова М. Бир бош бўлақли гаплар синонимиясини ўргатишда қўлланадиган машқ типлари // Мактабда ўзбек тили ва адабиёт ўқитишни такомиллаштириш масалалари. - Тошкент: ЎзПФТИ, 1984. - Б. 7-11; Омилхонова М. Мактабда она тили синтаксисини ўрганиш. - Тошкент: Ўқитувчи, 1991; Омилхонова М. Мактабда содда гап синтаксисини ўргатиш. - Тошкент: Ўқитувчи, 1977; Омилхонова М. IV синфда "Синтаксис ва пунктуация"ни ўтиш // Она тили ўқитиш самаралорлигини ошириш. - Тошкент: Ўқитувчи, 1973. - Б. 26-74; Омонтурдиев Ж. Ҳозирги ўзбек адабий тилида гап бўлақлари типологяси. - Тошкент: Фан, 1988; Розиков С. Ўзбек тилидан дарс типлари. - Тошкент: Ўқитувчи, 1976; Рустамов Х. Синтаксис ва пунктуация ўқитиш методикаси. - Тошкент: Ўқитувчи, 1960; Қосимова К. Бошланғич синфларда она тили ўқитиш методикаси. - Тошкент: Ўқитувчи, 1985; Фулумов А.К. Она тили ўқитиш жараёнида активлик принципини амалга оширишнинг назарий асослари. - Тошкент: Фан, 1989.

ва методлари; 2) IV (V) синфда гапнинг бош бўлақларини ўрганиш мазмуни ва методлари; 3) IV-VI (V-VII) синфларда морфологияни синтаксис билан боғлаб ўрганиш масалалари; 4) VIII синфда содда гап синтаксисини ўрганиш методикаси.

IV (V) синфда гапнинг бош бўлақларини ўрганиш мазмуни ва методлари хусусида тадқиқот олиб борган методист олимларнинг ишларида (М.Омилхонова, К.Қосимова ва бошқалар) аввал бошланғич синфларда содда гап синтаксиси бўйича нималар қандай ўрганилганлиги синфлар кесмасида эъга олиб ўтилган. М.Омилхонова “IV синфда “Синтаксис ва пунктуация”ни ўтиш” деган мақоласида¹ она тили дарсларида ўқувчиларда гапнинг бош бўлақларига доир қуйидаги билим ва малакаларни шакллантириш масалалари хусусида сўз юритилган: грамматик асосни аниқлаш, берилган гаплар ёки матндан эга ва кесимни топиш, гапларнинг чегарасини ажратиш, гап бўлақларини, хусусан, эга ва кесим юзасидан бериладиган маълумотни мустақкамлашда асосан дарсликдаги машқларни бажариш. Эга ва кесимнинг қайси сўз туркуми билан ифодаланишини аниқлаш, эгаси от билан ифодаланган иккита гап, эгаси кишилиқ олмоши билан ифодаланган иккита гап тузиш талаб этиладиган машқлар ҳавола қилинган. Лекин бу машқлар ижодий маън яратиш билан боғланмаган.

Гап бўлақларини ўрганиш юзасидан бир қадар чуқур излашишлар олиб борган методист олима М.Омилхонованинг “Мақтабда она тили синтаксисини ўргатиш” ҳамда “Мақтабда содда гап синтаксисини ўрганиш” номли қўлланмаларида гапнинг бош бўлақларини ўргатиш бўйича ҳам фикр-мулоҳазалар ўз ифодасини топган.

Мақтаб таълимида ўқувчи учун бу тушунчаларнинг қай даражада амалий аҳамияти борлиги ўқитувчиларда турлича муносабат уйғотиб келмоқда. Айта оламизки, эга ёки кесимнинг ҳоким (тобе) бўлақ эканлиги гап тузиш жараёнига жиддий (ижобий ёки салбий) таъсир кўрсата олмайди. Худди, шунингдек, фақат кесимдан иборат гап ихчам гап эканлиги ҳақидаги маълумотнинг ҳам бирор амалий аҳамияти йўқ. Бу маълумотлар ўқувчиларнинг соф лингвистик билимини оширишга ёрдам беради, холос. Аслида она тили дарсларида ўрганиладиган билимлар ўқувчиларнинг ҳам филологик маълумотини оширишга, ҳам нутқини, нутқ маданиятини ўстириш учун хизмат қилади. Бу масала дастурий талабларни белгилаш чоғида кўриб чиқилишга муҳтож.

Методик адабиётларда “Эганинг ифодаланиши” мавзуси бўйича бир-бирига яқин мазмундаги тавсиялар баён қилинган бўлиб, айтиш мумкинки, уларда тил ҳодисасини аниқлаш муҳим ўрин тутлади.

¹ Омилхонова М. «IV синфда “Синтаксис ва пунктуация”ни ўтиш» номли мақоласи.

Эганинг от, сифат, сон, олмош, равиш, ҳаракат номи, сифатдош, ибора, сўз бирикмаси билан ифодаланиши кўрсатилади, шунга доир машқлар тавсия қилинади.

Гапнинг бош бўлақларини ажрата олиш гапни синтагматик шакллантиришнинг муҳим омилдир. Бу хусусда эга таркиби, кесим таркиби билан боғлиқ равишда билдирилган тавсиялар муҳим роль ўйнайди.

Айниқса, эга билан кесимнинг сўзлашув нутқида ишлатилиши баъзан айтилмай қолган фикрларни давом эттириш, тўлдириш тарзида кечиши, сўзлашув нутқидаги бу имкониятни ёзма нутққа кўчириш билан боғлиқ одатлар таъсирини бартараф этиш, бизнингча, сўзлашув нутқи билан ёзма нутқни таққослашни тақозо этади.

М.Омилхонова интонация масалаларига ҳам алоҳида эътибор берган. “Содда гап синтаксисига оид материалларни ўтиш жараёнида нутқ оҳанги – интонацияни кузатиш, ҳар бир гапни ўқишда, айтишда тегишли оҳанг – зарур ўринларда товушнинг кўтарилиши, пасайиши, маъно урғуси, паузалар ҳамда нутқ темпига риоя қилишни ўргатиб боришга қулай имкон бўлади. Нутқни фонетик жиҳатдан шакллантирадиган интонацион воситаларга амал қилиш ўқувчиларнинг ифодали ўқиш, тиниш белгиларини тўғри ишлата олиш малакасини ҳосил қилиш учун зарурдир”¹.

М.Омилхонованинг қўлланмасида содда гап синтаксисини ўргатишнинг кўпроқ куйидаги жиҳатларини ёритишга эътибор берилган:

- 1) тил ҳодисаларни мустаҳкамлаш;
- 2) гапнинг оҳанги (интонацияси) устидаги ишлар;
- 3) тиниш белгилар устидаги ишлар;
- 4) таълим мазмуни, содда гап синтаксисини ўрганиш босқичлари, хусусан, 5-синфда муқаддимани киритиш;
- 5) матн (боғланишли нутқ) билан боғлаш;
- 6) она тили дарсларида ўқувчиларнинг тафаккурини ўстириш.

Шунингдек, қўлланмада тил ҳодисаларини таҳлил этиш ҳамда таъкидий ва изоҳли диктантлар ўтказиш учун боғланишли матнлар, синтактик конструкциялар интонациясига оид топшириқлар тавсия этилган. Ундаги кўпгина топшириқлар муҳокама тарзида ўз фикрларини боғланишли баён қилиш сари йўналтирилган.

А.Ғуломов, А.Шукуровларнинг “Она тилидан ўқувчиларнинг мустақил ишларини ташкил этиш” номли қўлланмасида IV синфда ташкил қилинадиган мустақил ишлар ва уларнинг турлари баён қилинган. Мазкур тадқиқотда гап бўлақларини ўргатишда қўлланиладиган мустақил иш турларидан бири - грамматик таҳлилга

¹ Омилхонова М. «Мақтабга содда гап синтаксисини ўргатиш» номли қўлланма, 3-бет.

кенг ўрин берилади. Гап бўлаклари юзасидан ўтилганларни мустаҳкамлашда гап бўлақларининг тагига чизиш, схемага қараб гап тузиш, гап бўлақларини рақамларда кўрсатиш ёки рақамларга қараб гап тузиш каби бир қатор мустақил иш турларини изоҳлайди ва уларнинг бажаралиш йўлларини кўрсатиб беради¹.

М.Мухитдиновнинг “VII синфда “Эга”ни ўргатишда ўқувчилар бажарадиган мустақил ишлар” номли мақоласида² эга ва унинг ифодаланиши бўйича қуйидаги иш турлари тавсия этилади: дарсликдаги машқлар ва унда берилган назарий материалларни ўрганиш, грамматик таҳлил, ўқитишнинг муаммоли усулидан фойдаланиш, дифференциал усулда мустақил ишлаш, таълимий диктантлар ўтказиш, таянч сўзларни катнаштириб гап ва боғланишли матнлар тузиш, тарқатма материаллар билан ишлаш, расмлар асосида гаплар тузиш, грамматик мавзуда иншо ёзиш ва ҳ.к.

М.Омилхонованинг “Бир бош бўлакли гапларнинг синонимларини ўрганиш” деган мақоласи икки бош бўлакли ва бир бош бўлакли гапларнинг, шунингдек, бир бош бўлакли гап турларининг ўзаро синоним бўлиб келишини ўрганиш масалаларига бағишланган.

Ишда ўқувчиларни ана шу ифода воситаларидан фикрни баён қилиш мақсади ва йўналишига мосини танлаб фойдаланиш масалаларига бағишланган, айрим услубий жиҳатлар очилган. Масалан, *сиз* сўзи такрор ишлатилса, асосий диққат иш-ҳаракатнинг бажарувчисига қаратилмаган, мазмунни баён қилишда ихчамлик, силлиқлик таъминланмаган бўлар эди деган хулоса берилади (15-бет). Лекин муаллиф мазкур ифода воситаларидан фойдаланиш жиҳатларини мулоқот маданияти, эганинг аниқ ёки ноаниқлиги масалалари билан боғламайди. Умуман олганда, маълум даражада шундай ечимга яқин келади. Эганинг ишлатилишини маъно ургуси билангина боғлайди. Тўғри, бу ҳам бир қадар мулоқот маданиятини ифода этади: суҳбатдошига “сиз” деб фикр айтиш унинг гашини келтириши мумкин. Баъзан шундай дейилади ҳам: “*Сиз айбдорсиз!*”. Бундай гапларда эгани ишлатмаслик кутилган қатъийликни, суҳбатдошга таъсир кўрсатишни таъминламайди.

М.Омилхонованинг “Бир бош бўлакли гаплар синонимиясини ўргатишда қўлланадиган машқ турлари” мақоласида топшириқларнинг характерига қараб уч босқичга мўлжалланган машқлар ажратилган: I. Бир бош бўлакли гапларнинг тузилишини англаш машқлари. II. Бир бош бўлакли гапларнинг синонимларини англаш машқлари. III. Ўқувчиларнинг бир бош бўлакли гапларнинг

¹ Фуломов А.К., Шўқуров А. Она тилидан ўқувчиларнинг мустақил ишларини ташкил этиш. - Тошкент: Ўқитувчи, 1989.

² Мухитдинов М. VII синфда “Эга”ни ўргатишда ўқувчилар бажарадиган мустақил ишлар // Мақтабда ўзбек тили ва адабиёти ўқитиш масалалари: Методик тўплам. - Тошкент, 1982. - 80-б.

синонимларидан фойдалана олиш малакасини ҳосил қилиш машқлари. Биз тадқиқ этаётган мавзу нуқтаи назаридан учинчи босқичда бажариладиган машқларга кўпроқ кизиқиш билан қарадик. Лекин бу ерда икки бош бўлакли гапларни ўқиб, иш-ҳаракатнинг бажарувчиси ифодаланмаган гапларни аниқлаб, сабабини айтиш, икки бош бўлакли ва бир бош бўлакли гапларни ўзаро қиёслаш каби қатор машқ турлари тавсия этилади. Шунга қарамай, ўқувчиларнинг эътиборини эганинг ишлатилиш ва ишлатилмаслиги билан боғлиқ ҳолатлар етарлича назарда тутилмайди. Бу ерда иш-ҳаракат бажарувчисининг аниқ ёки ноаниқ эканлиги, уни кўрсатиш мулоқот маданиятига кўра ноҳозирлиги, услубий тақозо этилиш-этилмаслиги асос қилиб олинмайди.

Рус тилини она тили сифатида ўқитишга бағишланган методик адабиётларда гапнинг бош бўлақларини ўрганиш масаллари атрафлича ёритилган. Йирик методист олимлар А.М.Орлова, А.В.Текучевларнинг асарлари¹ шулар жумласидандир. А.М.Орлованинг “Усвоение синтаксических понятий учащимися (Очерки)” номли монографик тадқиқот тарзида 60-йиллар бошида яратилган китобда гап, гапнинг бош бўлақлари, эга, кесим, бир бош бўлакли гап турлари билан боғлиқ тушунчаларнинг таърифлари, бу таърифларнинг мукамал бўлиши учун ўқувчилар тахлил жараёнида йўл кўядиган хатолар қай тарзда ҳисобга олингани ҳар бир тушунча бўйича айрим-айрим амалга оширилган ҳам назарий талқин, ҳам хилма-хил синов-тажрибалар асосида муфассал ёритиб берилган. Мазкур “Очерклар”нинг майдонга келганига 40 йилдан ошган бўлса-да, бу ерда кўтарилган масалалар ва уларнинг ечимлари ҳали ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. А.М.Орлова синтактик тушунчаларнинг дастур ва дарсликларда берилган назарий маълумотлардаги камчиликлар туфайли ўқувчилар томонидан бир ёқлама: ё маъно-мазмун жиҳатдан, ёки шаклий-грамматик жиҳатдан ўзлаштирилаётганлигини аниқ мисолларда тушунтириб, исботлайди.

Таъкидлаш жоизки, рус тилини она тили сифатида ўқитишга бағишланган методик адабиётларда гапнинг бош бўлақларини ўрганиш жараёнида биз ўйлаганда йўналишда ўқувчиларнинг мулоқот маданияти, муомала одобини ривожлантириш масалалари деярли ёритилмаган, ушбу муаммо махсус тадқиқ этилмаган. Проф. Т.А.Ладиженская таҳрири остида нашр қилинган “Методика развития речи на уроках русского языка” қўлланмасидагина синтактик конструкцияларнинг коммуникатив мақсадга мувофиқлиги (коммуникативная целесообразность) ҳақида сўз юритилган. Китобда

¹ Орлова А.М. Усвоение синтаксических понятий учащимися: (Очерки). – М.: Изд-во АПН РСФСР, 1961; Текучев А.В. Методика преподавания русского языка в средней школе. – М.: Просвещение, 1980.

бундай конструкцияларни нутқ маданияти билан боғлаб ўргатиш йўлларини ёритишга ҳаракат қилинган. Қўлланмадаги бир фикрга эътиборни қаратиш ўринлидир: агар дастлаб синтактик тушунчалар айрим-айрим гапларда тушунтирилиб, мустақкамланса, ўқувчилар бу ишларнинг сўнгидагина гапларни матнга бирлаштира бошлайдилар, натижада эгаларни такрор-такрор қўллаш ва бошқа шу каби ҳағоларга йўл қўядилар¹. Шундай бўлса-да, мазкур китобда ҳам гапнинг бош бўлақларини ўрганиш муомала одоби билан боғланмаган.

Маълумки, ҳозирги кунда мактабларимизда она тили ўқитишни такомиллаштириш, унга янгича муносабатда бўлиш муҳим масалалардан ҳисобланади. Ўзбек тилининг Давлат тили сифатида қабул қилиниши ва “Таълим тўғрисида”ги Қонуннинг ва “Она тили ўқитиш концепцияси”нинг жорий қилиниши умумий ўрта таълим мактабларидаги она тили ўқув фани олдига буткул янги вазифалар қўйди: мактабни битириб чиққан ёшлар ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётнинг турли жабҳаларида, мулоқот ва муносабатларнинг барча турларида ўзбек тилидан бемалол, эркин, самарали ва тўғри фойдаланадиган бўлишлари лозим. Буни амалга ошириш учун аввало янги ижтимоий-иқтисодий шароитда она тили ўқитишнинг мақсад ва вазифалари, берилган билимлар тизмаси, таълим усуллари ва ўқув-метоцик воситаларни тубдан янгилаш, тил ҳодисаларининг ижодий-амалий татбиқига эътиборни кучайтириш зарур.

Методик адабиётларни ўрганиш асосида гап, эга, кесим ва бошқа бир қатор синтактик тушунчалар юзасидан бериладиган таърифлар мазмуни бир қадар ойдинлашди. Эга ҳақидаги маълумотда унинг маъносидан (гапда ким ёки нима ҳақида гапирилаётгани, иш-ҳаракатнинг бажарувчиси аниқ, баъзан эса мавҳум, ноаниқ бўлиши) ташқари шаклий-грамматик белгилари (бош келишидаги сўз билан ифодаланиши, ким? ёки нима? сўроғига жавоб бўлиши, кесим билан шахс ва сонда мослашиши) акс этиши зарурлиги аён бўлди. Кесим ҳақидаги таърифда ҳам унинг маъносидан ташқари шаклий-грамматик белгилари (ифодаланиши, сўроқлари, эга билан шахс ва сонда мослашиши ва б.) маълум қилиниши кераклиги кўрсатилди.

Она тили маъмулотларини мазмунли ва қизиқарли ташкил этиш шу фан юзасидан яратилган дастур ва дарсликларнинг савиясига ҳам боғлиқ.

1999 йили янги алифбода тайёрланган “Она тили” дастури² гапнинг бош бўлақлари борасидаги ўзгаришлар қуйидагилардан иборат:

¹ Методика развития речи на уроках русского языка: Книга для учителя: Под ред. Т.А.Лыжиженской. - 2-е изд., испр. и доп. - М.: Просвещение, 1991. - С. 167.

² Umumiy o'rta ta'lim maktablari sinov dasturlari. Ona tili: 5-9-sinflar. /Y. Abdullayev, A.R.Sayfullayev. - Toshkent: O'zPITIT, 1998. - 22 b.

Янги мавзулар киритилган: “Эга ва кесим – гапнинг грамматик асоси”, “Эганинг ифодаланиши, содда кесим ва мураккаб кесим” дейилган жойда кавс ичида “фёлли ва отли” деган сўзлар кўшилган. “От кесимли (бу гап от кесим чизиқча билан ёзилмаган) гапларда эга ва кесим орасида чизиқ қўйилиш ҳоллари”.

Куйидагилар чиқарилган: “Эганинг бир сўз ёки сўз бирикмасидан иборат бўлиши”, “Кесим, унинг ифодаланиши”. *Содда фёлл-кесим ва мураккаб фёлл-кесим* мавзуси номидан *фёлл сўзи* тушириб қолдирилган: “Боглама”. “Эга ва кесимнинг шахс ва сонда ўзаро мослиги”. “Икки бош бўлакли ва бир бош бўлакли гаплардан синтактик синонимлар тарзида фойдалана олиш”. “Тўлиқ гап. Тўлиқ гапни тўлиқсиз гапга ва тўлиқсиз гапни тўлиқ гапга айлантириш” (18-бет).

“Она тили” давлат таълим стандартига шарҳларда таълим мазмунининг мажбурий минимуми гапнинг бош бўлакларига доир куйидаги талабларни ўз ичига олган: “Гапнинг грамматик асоси”, “Эга ва кесим, уларнинг ифодаланиши”¹.

А.Ҳожиев, А.Нурмонов, Н.Аҳмедов, А.Орифжоновлар томонидан яратилган 5-синф “Она тили” дарслигида² бош бўлакларга доир назарий маълумотлар ва амалий машқлар ўзига муқобил бўлган “Она тили” дарслигидагидан³ тубдан фарқ қилади. Унда эганинг ифодаланишига доир маълумот шундай берилган: “Эга бош келишикдаги отдан ва отлашган сўзлардан ифодаланади”. Бизнингча, қоида бироз қисқа берилгандай туюлади. Бош бўлакларни ўргангунга қадар ўқувчилар отлашган сўзлар ҳақида тушунча ҳосил қилмаганлари учун ўқитувчи бир соатлик дарсда сўзларнинг отлашиш хусусиятлари ва отлашган сўзларнинг эга вазифасида кела олиши ҳақидаги назарий маълумотларни тушунтириб беришга мажбур бўлади. Шунингдек, дарсликда эганинг бош келишикдаги олмошлар билан ифодаланиши ҳақида маълумот берилмаган, ваҳоланки, машқларда эгаси бош келишикдаги олмошлар билан ифодаланган гаплар учрайди⁴.

Амалдаги “Она тили” дастурининг 5-синф қисми⁵ “Муқаддима” бўлимида “Кесим. Ихчам гап” мавзуси кўрсатилган. Бу ерда кесим ва ихчам гап ҳақида хулоса чиқариш, тасдиқ ва инкор маъноли

¹ Давлат таълим стандартига шарҳ: Она тили // Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти ва ўқув дастури. - Таълим тараққиёти. Ахборотнома, 1-маҳсус сон. - Тошкент: Шарк, 1999. - 50-б.

² Ҳожиев А., Нурмонов А., Аҳмедов А., Орифжонов А. Мактаб программалари. Она тили. V-IX синфлар учун. - Тошкент: Ўқитувчи, 1992.

³ Аскарлова М., Косимова К. Она тили. 5-синф учун дарслик. 19-нашри, - Тошкент: Ўқитувчи, 1997.

⁴ Ҳожиев А., Нурмонов А., Аҳмедов А., Орифжонов А. Мактаб программалари. Она тили. V-IX синфлар учун. - Тошкент: Ўқитувчи, 1992. - 34 б.

⁵ Умумий ўрта таълим дастури. Она тили. - Таълим тараққиёти. Ахборотнома, -1-маҳсус сон. - Тошкент: Шарк, 1999. - 72-бет.

ихчам ва содда йиғиқ гаплардан иборат суҳбат магни тузиш кўзда тутилган. Эга тилга олинмаган бўлса-да, содда йиғиқ гаплар деганда, шубҳасиз, эга ва кесимли гап тушунилади. “Содда ёйиқ гап” мавзусида эга ҳақида гапирилмаган, “Хол”, “Тўлдирувчи”, “Аникловчи” мавзулари ажратилган. Англаш мумкинки, бир бош бўлакли гапларнигина ўрганиш режалаштирилган.

6-синф дастурининг “5-синфда ўтилганларни такрорлаш” қисмида содда йиғиқ гапларни содда ёйиқ гапларга ва, аксинча, содда ёйиқ гапларни содда йиғиқ гапларга айлантириш ўз аксини топган.

Ушбу дастурнинг “Феъл” бўлимида ҳаракат номи билан кенгайган бирикмалар, бундай бирикмаларнинг гапда эга, тўлдирувчи, аникловчи, хол ва кесим вазифасида келиши устидаги ишлар режалаштирилган (95-бет). “Сифат” бўлимида қуйидаги талаб акс этган: “Сифатларни турли гап бўлаклари вазифасида қўллаб, матн тузиш” (107-бет). Истаган сифатни эга вазифасида қўллаб бўлмас экан, ошлашган сифатлар асосан мақол ва маталларда ишлатилар экан, ўқувчилардан мустақилликни талаб қилиш қийин. Шунинг учун уларга сифат эга вазифасида келган мисоллар (мақол ва маталлар) айттирган маъқул.

7-синф дастурининг “Боғлама” мавзусида феъл-кесим ва от-кесимга доир талаблар берилган. 8-синф дастурининг “Синтаксис, оҳанг ва тиниш белгилари” бўлимида гапнинг бош бўлаклари ва бир бош бўлакли гапларга алоқадор бир нечта мавзу ўз аксини топган. Булар қуйидагилар: “Кесим ва унинг ифодаланиши”, “Эга. Такрорлаш”, “Эгали ва эгасиз гаплар”, “Ёйиқ атов ва сўз гаплар”.

Маълум бўладики, гапнинг бош бўлаклари юзасидан амалдаги “Она тили” дастури ва дарсликларига киритилган маълумотлар мундарижаси тубдан ўзгарди. Грамматик асос масаласида илгариги ёндашувлар ислоҳ қилинди: эга ва кесим гапнинг грамматик асоси саналган бўлса, эндиликда кесим грамматик марказ деб таъкидланди ва дастур ҳамда дарсликка шундай талқинда олиб кирилди. Лекин ўзбек тилшунослигига доир тадқиқотларда бу масалада ягона тўхтамага келилмаганини ишчимизнинг дастлабки қисмида эслатиб ўтган эдик. Мактабда она тили ўқитиш нуктаи назаридан эса “гапнинг бош бўлаклари” тушунчасининг ўзи қифоя қилади, деб ўйлаймиз. Аслида эса мактаб “Она тили” дастури ва дарсликлар мазмунидан жой оладиган грамматик материалларни урганиш зурурияти маълум даражада нутқ ўстириш эҳтиёжи билан белгиланади. Юқоридаги масаланинг дастурга киритилиши керак ёки керак эмаслигини нутқий эҳтиёж кўрсатиб бериши лозим.

Амалдаги дастур асосида яратилган 8-синф “Она тили” дарслигининг 35-55-бетларида¹ гапнинг бош бўлаклари ва бир бош бўлакли гапларга доир қуйидаги мавзулар ўз аксини топган: “Содда гап”, “Кесим ва унинг ифодаланиши”, “Мустақил ва номустақил кесим шакллари”, “Эга”, “Эгали ва эгасиз гаплар”, “Эгаси яширинган гаплар”, “Эгасиз гаплар”, “Шахси номаълум гаплар”, “Атов гаплар”, “Сўз-гаплар”, “Ўтилганларни такрорлаш юзасидан тест топшириқлари”. Дарсликнинг “Содда гап” мавзусида содда гап таркибида битта кесим бўлиши, “Кесим ва унинг ифодаланиши” мавзусида кесимнинг таърифи, унинг от, сифат, сон, олмош, равиш, тақлид сўзлар билан ифодаланганда от кесим саналиши, боғламали ва боғламасиз бўлиши, мураккаб кесимнинг таърифи, таркиби, кенгайган бирикма тушунтирилади. “Мустақил ва номустақил кесим шакллари” мавзусида шундай кесимлар изоҳланади. “Эга” мавзуси эганинг таърифини ўз ичига олади. “Эгали ва эгасиз гаплар” мавзусига доир материаллар берилган гапларда эганинг бор-йўқлигини аниқлаш асосида хулоса чиқариш, кенгайган ҳаракат номи ва сифатдош бирикмалари мураккаб эгани ҳосил қилишидан баҳс юритади. “Эгаси яширинган гаплар” мавзусида бундай гапларнинг икки турли бўлиши (Эгаси (шахси) маълум гаплар, Эгаси (шахси) умумлашган гаплар) айтилиб, уларга таъриф берилган. “Эсда тутинг” рукни остида гапда ҳаракатнинг бажарувчиси таъкидланиши зарур ҳолларда эга туширилиши мумкин эмаслиги, шунингдек, эга-кесим қурилиши ибораларда эгани ҳеч қачон тушириб қолдириш мумкин эмаслиги ҳақида қоида берилган. “Эгасиз гаплар” мавзусида бундай гапларда эга умуман бўлмаслиги ва гап маъносидан англашилмаслиги; эгасиз гаплар шахси номаълум гаплар, атов гаплар, сўз-гаплар каби уч турга бўлиниши баён этилган. “Шахси номаълум гаплар” мавзусида бундай гаплар шахсиз эмаслиги, ҳаракатни мантиқан кимдир бажариши, лекин уни ифодалаб бўлмаслиги ҳақида қоида берилган.

Ўқувчилар бошланғич синфларда гапнинг бош бўлаклари, эга ва кесим, иккинчи даражали бўлақлар терминлари ва шу терминлар англатган тушунчаларни ўзлаштирадilar. 5-7-синфларда шунга қўшимча равишда морфологиянинг айрим мавзулари (сифат, сон, равиш ва б.) билан боғлиқ равишда эга ва кесимнинг ифодаланишига оид баъзи маълумотларни ўзлаштириб борадилар. Бу маълумотлардан биринчи навбатда ўқувчиларнинг нутқини синтактик жиҳатдан бойитиш кўзланган. Шунга кўра ҳам улар ўз нутқларида эга ва кесим юзасидан олган билимлари ва шу асосда ҳосил қилган нутқий кўникмаларини (эга ва кесимнинг ифодаланиши, эга билан

¹ Ne'matov H., Mahmudov N., Sayfullayeva R., Gulomov A., Abduraimov. M. Ona tili. 8-sinf uchun darslik. To'ldirilgan 2-nashri. - Toshkent: O'qituvchi, 2002.

кесимнинг сонда мослашуви, эга билан кесим орасида тиренинг ишлатилиши, эга ва кесимнинг гапдаги тартиби, эганинг услуб талабига кўра зарур ўринларда тушириб қолдирилиши) намоёиш қила билишлари лозим.

Ўқувчиларнинг ёзма ишини ўрганиш шуни кўрсатдики, улар эгани асосан от ва кишилик олмошлари, баъзи ҳолларда ҳаракат номи, шунингдек, бирикма билан ифодалайдилар. Боғлама бўлмаганда эга билан кесим орасида тирени тўғри ишлатадилар. Лекин айрим ўринларда боғлама мавжуд бўлганда ҳам улар орасида тире ишлатадилар. Сўзлашув нутқининг таъсирида гапда сўз тартибига доир хатоларга йўл қўядилар. Ёзма ишларда бир бош бўлакли гаплардан асосан шахси маълум гап тури кўп учрайди. 37 ўқувчининг иншосида ҳикматли сўзлар, ҳадислардан намуналарни тилга олиш орқали шахси умумлашган гаплар ишлатилган. 14 иншодагина шахси номаълум гап қўлланган (бу гапларнинг кесими “ҳаракат номи – керак” қолипида). Иншоларнинг бирортасида ҳам диалогик парча келтирилмаган. Ваҳоланки, икки бош бўлакли гап ва бир бош бўлакли гап турлари синонимияси кўпроқ диалогик нутқда намоён бўлади. Ёзма ишларда кесим асосан феъл билан, баъзи ҳолларда от, сифат, айрим ҳолларда бирикма, гоҳида ҳаракат номи билан ифодаланган.

Хулоса чиқариш мумкинки, ўқувчилар она тилининг бой синтактик ифодаларидан етарлича фойдаланмайдилар.

Berilgan gaplardan egani topib, tagiga bir chiziq chizing, ustiga nima bilan ifodalanganini yozib qo'ying.

1. Bola sevmaydigan ona topilmas. 2. Bu kishi Adolat opam bo`ladilar. 3. Shirin yolg`ondan achchiq haqiqat yaxshi. 4. Safarov aytgan gaplarni hammamiz tushundik. 5. Bilgan bilganin ishlar,.. 6. Yaxshi yaxshining qadriga yetar. 7. Ko`plar bu shoshilinch xabarni bilmadilar. 8. Kimdir eshigimizni qattiq taqillatdi. 9. Bugun hech kim tadbirdan chetda turmasligi kerak. 10. Yaxshi so`z – jon ozig`i,.. 11. Tog`dan oqib tushayotgan tiniq suvlar shildir-shildir dillarga orom beradi. 12. Kalavaning uchini topgan ishning bu yog`ini ham eplaydi.

“Bola sevmaydigan ona topilmas” гапида 13 ўқувчи эгани тўғри аниқлаган. 15 нафари (53,6%) эса “бола” сўзининг остига чизган. Бу ўринда ўқувчилар сўзинг қайси келишида эканлигига эътибор бермаганлар (бола сўзи белгисиз тушум келишида).

“Бу киши Адолат опам бўладилар” гапида ўқувчиларнинг ҳаммаси эга деб кесимнинг “Адолат опам” кисмини белгиллаган. Эга (бу киши) тўғри топилмаган.

“Safarov aytgan gaplarni hammamiz tushundik” гапидаги эгани 10 ўқувчи нотўғри аниқлаган. Айримлари Сафаров сўзини эга деб ҳисоблаган. Бу ерда ўқувчилар фақат семантик жиҳатдан ёндашиб,

мўлжал ола билмайдилар¹. Масалан, 5-синф ўқувчиларининг 39 %и, 6-синф ўқувчиларининг 47,7%и кесим от билан ифодаланади деган. Шу жавобни берганларнинг 16%и ва 18,8%и от кесим вазифасида кела олиши мумкин деб белгилаган. Гап эгасиз ёки кесимсиз бўлиши мумкинми деган саволга 5 ва 6-синф ўқувчиларининг 51%идан 89,4%игача қисми қониқарли жавоб берган. Лекин “Работается ему сегодня легко” шахси номаълум гапни таҳлил қилаётиб, 6-синф ўқувчиларидан 74%и *ему* сўзини эга деб ҳисоблаган, чунки икки бош бўлаклилики гапнинг зарурий белгиси деб билган ва тўғри бўлса-бўлмаса эгани қидирган. Фёльнинг шахсини аниқлашда катта миқдордаги хатоларга йўл қўйилган (41%дан 49%гача), бу нарса феълли бир бош бўлакли гапни ўзлаштиришда салбий таъсир ўтказиши турган гап.

Л.Ф.Фоминихнинг таъкидлашича, 4-6-синфлар учун синтаксис материалларини танлаш тамойилларини В.П.Озерская ишлаб чиққан. У қайси морфологик материал қайси синфда имкон берса, ўша синфда бир бош бўлакли ва икки бош бўлакли гаплар ҳақида сўз юритиш керак деб ҳисоблайди. “От” мавзусида атов гаплар. Буни боғланиши нутк - тасвир ишно билан боғлаш. “Феъл” мавзуси ўтилаётганда шахси маълум гапни тушунтириш (10-бет).

Л.Ф.Фоминих бир таркибли (бир бош бўлакли) гапларнинг 4 туридан 3 тасини 4-6-синфларда (ҳозир 5-7-синфларда) ўрганиш мумкин деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, шахси номаълум гаплар устидаги ишларни морфология дарсларида олиб бориш мақсадга мувофиқ эмас. (10-бет).

Бу босқичда, биринчидан, сўзнинг гапдаги синтактик роли бирор сўз туркумига мансублиги кўрсаткичларидан бири эканлиги, иккинчидан, бевосита синтаксис билан боғлиқ морфологик тоифаларни ўрганиш муносабати билан синтаксисга эътибор бериш лозим (10-бет). Сифатнинг, шунингдек, бошқа сўз туркумига оид сўзларнинг отлашувини фақат гап таркибидагина кўрсатиш мумкин. Морфология билан синтаксис кўшиб ўзаро алоқадорликда ўрганилса, иккала бўлим (курс) ютади. Услубият кўшилса, учаласи учун фойдали бўлади. Синтаксиснинг тизимли курсини ўрганишга қадар бажариладиган ишлар йўл-йўлакай бажарилса, синтаксис морфологияни сиқиб чиқармайди. Ўқувчилар нутқини синтактик бирликлар билан амалий йўл билан бойитиш жуда мавҳум методик тавсия. Асосий тамойид – онгли ва ўринли деган талабга жавоб бермайди. Қўлланиш соҳасини амалий йўл билан кўрсатиш алоҳида машқ сифатида уюштирмаган ҳолатлар учун айтиш мумкин.

¹ Фоминих Л.С. Пропедевтическая работа над односоставными предложениями в курсе морфологии (IV-VI классы): Автореф. дис...канд. пед. наук. – М., 1984. – С. 9.

Бош бўлақлар юзасидан ўтилаётган машғулотларни кузатганимизда ва мазкур мавзуга доир бажарилган машқларни текшириб кўрганимизда, ўқувчиларнинг кўшма феъллар билан ифодаланган кесимларни, бирикмали тарзда келган бош бўлақларни белгилашда қийналганлигининг гувоҳи бўлдик.

Ўқувчилар кўшма феъллар билан ифодаланган кесимларнинг фақат кўмакчи феъл ёки боғлама қисмини белгилайдилар. Ўқитувчилар ҳам ана шундай белгилашни маъқул кўрадилар. Чунки кўшма феъллар ҳақидаги маълумотлар бош бўлақлардан сўнг ўрганилади. Шунингдек, бирикмали тарзда келган эга ва кесимни аниқлашда қийинчиликлар мавжуд. Ўқувчилар белгисиз тушум келишигида келган сўзларни эга билан чалкаштирадилар.

Айниқса, ўқувчилар гап таркибидаги отдан бошқа сўз туркумларида ифодаланган эгани, феълдан бошқа сўз туркумларида ифодаланган кесимни, бирикмали тарзда қўлланган (ажралмас бирикмалар, иборалар) бош бўлақларни аниқлашда қийналдилар.

Сўровномада ўқувчиларга “Мақтабда “Гапнинг грамматик асоси” ёки “Гапнинг грамматик маркази” тушунчаларини билиш нима учун хизмат қилиши мумкин?” деган саволи берилди. Бу саволга кўпчилик “Билмаймиз” деб жавоб берган. 100 ўқувчидан 9 нафари “Эга ва кесим гапнинг бош бўлақлари эканлигини таъкидлаш учун хизмат қилади”, 11 нафари эса “Грамматик марказ дегани феълга асосланиб гап тузиш лозимлигига ишора қилади” деган жавоб вариантини танлаган. Гапнинг бош бўлақлари деганнинг ўзи грамматик асос, грамматик марказ тушунчаларини англата олади. Ҳам гапнинг бош бўлақлари тушунчасини, ҳам грамматик марказ тушунчаси ўрганиш, биринчисидан эга ва кесимни назарда тутиш, иккинчисидан эса кесимнигина кўзда тутиш таълимда икки хилликни, чалкашликни келтириб чиқаради.

Нутқ жараёни учун фақат кесимдан иборат ихчам гап ҳам тавсифли эмас. Диалогик нутқда ихчамлик учун энг муҳим ахборот акс этган сўз айтилади. Шу туфайли тўлиқ гап ва тўлиқсиз гап, сўзгап тушунчалари оғзаки нутқнинг, асардаги диалогларнинг ўзига хос хусусиятидир. Ихчам гапни эътироф этиш бир бош бўлакли гапни тан олишдир. Бунда гапнинг бош бўлақлари деган терминдан бутунлай воз кечишга тўғри келади. Лекин амалдаги “Она тили” дарсликларида бу термин ҳам сақланган.

Нутқ бирлиги саналмиш гап коммуникатив, модал жиҳатларига кўра турли хил муносабат ифодалаш ҳисобига турлича шаклга киради: гапда сўз тартиби алмашади, модаллик ифодаловчи воситалар қўшилади, оҳанг ўзгаради. Шунга кўра ҳам, бизнингча, гапнинг бош бўлақлари, эга ва кесим, эга таркиби, кесим таркиби,

ийгиқ содда гап (содда йиғиқ гап эмас), йиғиқ содда гапда эга ва кесимнинг тартиби тушунчалари дастурда колдирилгани маъқул.

Юқорида баён этилганлардан шундай хулоса келиб чиқадики, таълим мазмунида ҳар бир ўқув йили бошида сўз туркумлари, гап бўлаклари юзасидан барча ўтилган терминларни такрорлаш ва йил давомида бу ишни тўхтатмаслик лозим. Эга ва кесимнинг белгиларини (масалан, эганинг бош келишидаги сўз билан ифодаланиши, кесим билан шахс ва сонда мослашуви) тўлиқ ўргатиш дастурий талабга айланиши керак. Бош бўлақларнинг отлашган сўзлар билан ифодалай олиш учун услубий хосланиб қўлланиши юзасидан чуқур билимга эга бўлиш зарур. Шундагина ўқувчилар эгани аниқлашда ҳам, турлича ифодалашда ҳам хатоларга йўл қўймайдилар.

Энг муҳими, ўқувчи сўзларни туркумларга ажрата олмас экан, гап булақларининг ифодаланиши ҳақидаги маълумотларни тўғри қабул қила олмайди. Бош бўлақлар юзасидан ўқувчиларда атрофлича тушунча ҳосил қилиш учун сўз туркумларига доир тушунчаларни пухта билимга айлантириш ҳамда оғзаки ва ёзма нутқ ўстириш учун хизмат қилдириш даркор.

Ўқувчиларнинг нутқини ўстириш учун гапнинг бош бўлақлари, эга ва кесим тушунчаларини билиш, гапнинг бош бўлақлари деганда эга ва кесимни назарда тутиш, эга ва кесимни гапдан ажрата билиш, эга таркибини ва кесим таркибини аниқлай олиш, эга ва кесимнинг гапдаги тартибини билиш талаб этилади. Гапнинг грамматик асоси, грамматик марказ тушунчалари гапнинг бош бўлақларини, эга ва кесим таркибини аниқлаш, эга ва кесимнинг гапдаги тартибини, ифодаланишини билиш учун асло таъсири йўқ. Шу боисдан бу тушунчалар олий ўқув юртларида олинадиган филологик маълумот мундарижасида акс этиши мумкин.

Қуйи синфларда морфологияни синтаксис асосида ўрганиш, V-VII синфларда ҳар бир сўз туркумига доир мавзулар таркибида шу туркумга оид сўзларнинг қайси гап бўлаги, айниқса, эга вазифасида кела олиш ҳолатлари кўзда тутилиши шарт. Бунинг натижасида 8-синфда синтаксиснинг тизимли курсини ўрганиш мустақкам пойдеворга эга бўлади.

Мактабда она тилини ўқитишдан кўзланадиган асосий мақсад, бир томондан, ўқувчиларга филологик маълумот бериш бўлса, иккинчидан, нутқ ўстириш¹, шунингдек, ўқувчиларда мулоқот маданиятини, хусусан, муомала одобини шакллантиришдан иборат. Мактабда соф филологик маълумот берадиган мавзулар бўлмаслиги

¹ Караев Н. Обучение пунктуации в V-VIII классах туркменской школы в связи с изучением синтаксиса: Автореф. дис...канд. пед. наук. – Ашхабад, 1964.

кераклиги ҳаммага аён ҳақиқат. Ҳар бир мавзу ўзининг бирор жиҳати билан иккинчи хил мақсад учун ҳам хизмат қилмоғи лозим.

«Она тили» дастурида гапнинг бош бўлақларини ўрганишга доир билимлар, эгалланиши лозим бўлган кўникма ва маъқалар тавсифи:

Эга юзасидан эгалланадиган билимлар:

Эга ва унинг белгилари. Эганинг бош келишидаги от, сифат, сон, олмош, феъл, равиш, сифатдош, ҳаракат номи, сўз бирикмаси, ибора билан ифодаланиш ҳолатлари, бундаги услубий талаблар.

Эганинг сифат билан ифодаланишини бадий асарларни ўқиш, мақол ва маталлар билан танишиш жараёни билан боғлаб фақат рецептив планда пассив таништириш.

Эганинг сон билан ифодаланиши икки ҳолатда юз беради: 1) сонлар ҳақида амаллар бажарилганда; 2) маълум рақам остида ҳаракат қилаётган одамлар, мусобақада қатнашаётган ҳайзонлар, синов олиб борилаётган жониворлар, сўз юритилаётган объектлар тилга олинганда.

Кишилик олмошлари, белгилаш олмошлари, бўлишсизлик олмошлари, гумон олмошлари эга вазифасида қўлланади. Бўлишсизлик ва гумон олмошлари иш-ҳаракатнинг бажарувчиси номаълум эканлигига ишора қилади. Белгилаш олмошлари аввалги нарса-буюмларни умумлаштириб кўрсатиш хусусиятига эга.

Эганинг феъл билан ифодаланиши куйидаги ҳолатлар билан белгиланади:

1) *-моқ, -ш(-иш) –маслик* қўшимчалари ёрдамида ҳосил бўлган ҳаракат номи, феълнинг ноаниқ шакли;

2) сифатдош.

Эга вазифасидаги сифатдош бирлик шаклда ҳам, кўplik шаклда ҳам ишлатилади; у баъзан эгалик қўшимчасини олиб келади. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, эга вазифасидаги сифатдош иш-ҳаракат бажарувчиларини умумлаштириш, жамлаш, гоҳида эса гуруҳлаш хусусиятига эга.

Эганинг сўз бирикмаси билан ифодаланиши эса мураккаб ҳолат ҳисобланади. Ўқувчи эгага боғланиб келган иккинчи даражали бўлақни яхлит бирикмадан ажрата олиши керак. Аслида, бундай эганинг от қисми бирикмали от-кесимнинг от қисми билан бир хил бўла олиш-олмаслиги ўқувчида иккиланиш уйғогади. Таълим мазмуни ана шу иккиланишнинг олдини олиш учун хизмат қилиши даркор.

Эганинг ибора билан ифодаланиши таъсирчан нутқ яратишнинг муҳим воситаси ҳисобланади. Тажрибаларнинг кўрсатишича, таклиф этилган *ибораларни эга вазифасида қўллаб гап тузиш* ўқувчилар учун катта қийинчиликлар туғдириди.

Ибора феъл асосида юзага келган, феълнинг синоними саналган бўлса, уни эга вазифасида ишлатиш учун ё ҳаракат номи, ёки сифатдош шаклига келтириш лозим бўлади. Бунда сифатдош кўпинча кўплик шаклда қўлланади.

Тасвирий ифодалар ҳам эга вазифасида келганда сўз бирикмасига ўхшаб кетади.

Тақлидий сўзнинг эга вазифасида келиши от кабидир.

Эга юзасидан ҳосил қилинадиган кўникма ва малакалар:

- гапдан иш-ҳаракатнинг бажарувчисини (ким? ёки нима? сўроғига жавоб бўлган бош келишиқдаги сўзни) аниқлай олиш;

- бош келишиқдаги отни қўшимчасиз қўлланган қараткич ва тушум келишиқдаги сўзлардан ажрата билиш;

- бош келишиқдаги ҳаракат номини қараткич келишиқдаги ҳаракат номидан фарқлай олиш;

- эганинг қандай (қайси сўз туркуми, бирикма, ибора билан) ифодаланганлигини айта олиш;

- эганинг кесим билан қайси шахсда ва сонда мослашганлигини кўрсата билиш;

- эганинг кесим билан сонда мослашмаган ҳолатларини изоҳлай билиш;

Кесим юзасидан эгалланадиган олимлар:

Кесимнинг маъноси (маълум ёки номаълум иш-ҳаракат бажарувчиси – эга бажарган иш-ҳаракат, ҳолат, белгини англатиш). Кесимнинг тилга олинган ёки тилга олинмаган эга билан шахс-сонда мослашуви. Содда кесим. Мураккаб кесим. Феъл-кесим. От-кесим. Боғламали мураккаб от-кесим. Кесимнинг ифодаланиши. Феъл, отлашган сўз, бирикма, иборанинг кесим вазифасида келиши. Феълли ибора кесим вазифасида келганда эга вазифасидаги сўз келишигининг ўзгариши. Феъл шаклларининг услубий қўлланиш хусусиятлари.

Кесимнинг сифат билан ифодаланиш кўлами. (Ўқувчиларга ўнта сифатни кесим вазифасида қўллаб гап тузиш топширилганда, айрим сифатлар учун ноқулайликлар туғдирган: айрим сифатларни кесим вазифасида ишлатиб бўлмаган.)

Кесимни сон билан ифодалаш қийин эмаслиги, олмош билан ифодалаш кўп учрайдиган ҳолат эканлиги.

Кесимнинг ибора билан ифодаланиши нутқ ўстириш нуктаи назаридан муҳим саналади. Бунинг учун ўқувчи феъл – ибора синонимиясини билиши керак.

Кесимнинг сўз бирикмаси билан ифодаланиши тасвирий ифодани қўллаш ва англаш учун йўл очади.

Кесимни олмош билан ифодалаш боғланишли нутқ унсури ҳисобланиб, атилган фикрларга хулоса ясаш, умумлаштириш хусусиятига эга.

Кесим юзасидан ҳосил қилинадиган кўникма ва малакалар:

- бир сўз билан ифодаланган бош бўлақларни бирикмали тарзда қўлланган бош бўлақлардан ўзаро фарқлаш;
- кесимни отлашган сўзлар билан ифодалай олиш;
- кесимни ҳаракат номи, ажралмас бирикма, ибора билан ифодалай олиш;
- кесимни эга билан сонда мослашмаслик ҳолатларига амал қила билиш;
- кесимнинг замон, нисбат ва майл шаклларини услуб ва мулоқот маданияти талабларига кўра танлай ва қўллай олиш.

Эга ва кесимнинг гапдаги тартиби юзасидан эгалланадиган билимлар:

Йиғиқ содда гапда эга ва кесимнинг тартиби мавзуси одатдаги тартиб, ўзгарган тартиб (маъно урғуси) ва инверсия билан боғлаб тушунтирилади.

Ёйиқ содда гапда эга ва кесимнинг тартиби ўзига хос. Эга олдин, кесим кейин; эга гапнинг мутлақ бошида; эга матн(абзац)га тегишли бўлган пайт ва ўрин ҳолидан кейин; маъно урғуси олганда эга кесимдан олдин; инверсияда баъзан эга кесимдан кейин жойлашади.

Кўчирма гапнинг автор гапи қисмида эга ва кесимнинг тартиби.

Эга ва кесимнинг гапдаги тартиби юзасидан ҳосил қилинадиган кўникма ва малакалар:

- эга ва кесимнинг одатдаги ва ўзгарган тартиби, инверсия ҳодисасига онгли равишда амал қилиш;
- сўзлашув нутқи услубига хос ўзгарган тартибни адабий тилга кўчирмаслик; бундай тартибнинг асар қаҳрамонлари нутқидагина ишлатилишини билган ҳолда ёзма ишдаги диалог парчаларига киритиш.

Бир бош бўлакли гап турлари юзасидан эгалланадиган билимлар:

Эганинг тушириб қолдирилиш ҳолатлари.

Шахси маълум гап.

1. Сўз такрорини бартараф қилиш.
2. Сухбатдошни кўриб турганда I ва II шахс бирлик ва кўпликдаги кишилик олмошлари эгани ишлатишга зарурият бўлмаслиги, муомала одоби тақозоси.

Шахси умумлашган гап. Сухбатдошнинг ўз ҳатти-ҳаракати умумга хос эканлигини ифодалаш орқати ишончли таъсир

ўтказишни кўзлаб шахси умумлашган гапдан фойдаланиши, мақол ва мақаллар тили шундай эканлиги.

Шахси номаълум гап. Иш-ҳаракатнинг бажарувчиси номаълум бўлган ҳолатлар. Атов гаплар.

Бир бош бўлакли гап турлари юзасидан ҳосил қилинадиган кўникма ва малакалар: матнда сўз такрорига йўл қўймаслик учун шахси маълум гапдан фойдалана олиш; диалогик парчада мулоқот тақозоси билан икки бош бўлакли ва бир бош бўлакли гап синонимиясидан ўринли фойдалана олиш; мулоқот одобидан келиб чиққан ҳолда диалогик парчада бир бош бўлакли гап турларидан ўринли фойдалана олиш.

Она тили дарсларида содда гап синтаксисини коммуникатив ёндашув асосида ўрганиш методлари

Истиқлол даврида она тили таълимнинг концепцияда белгилаб берилган йўналиш - коммуникативлигини таъминлаш, янада ошириш зарурлиги ҳақида мушоҳада юритилган тадқиқот ишлари, методик адабиётлар юзага кела бошлади. Илк бор ўзбек мактабларида она тили ўқитиш концепциясида шу масала, шунингдек, коммуникатив ёндашув асосида таълим мазмунини янгилаш масаласи асосий йўналиш сифатида илгари сурилди.

Табиийки, деярли барча методист олимлар томонидан тан олинган коммуникатив ёндашув асосидаги таълим мазмуни ва методлари она тили таълимида мавжуд методик тизимни ислоҳ қилиш замирида ҳал этилиши керак. Шу боисдан ҳам она тилини ўқитиш методларини коммуникатив аспектда нутқ ўстиришга қарата қайта кўриб чиқиш вақти аллақачон келиб етди.

Бундан ташқари, узлуксиз таълим тизими олдида ўқувчини таълим олувчи субъектга айлантириш вазифаси кўндаланг турибди. Анъанавий таълим усулларида ўқитувчи янги мавзунини ўрганишни ташкил этувчи, мустаҳкамлашга доир вазифа берувчи ва вазифанинг бажарилишини назорат этувчи сифатида майдонга чиқади. Она тили дарсларида ҳам деярли шу усуллар айрим мустақиллик унсурларини таъминлаган ҳолда қўлланади. Илмий ва амалий мақолаларда А.Ғуломов бошчилигидаги бир қатор методист олимлар томонидан илгари сурилган индуктив методда ҳам ўқувчининг мустақиллиги бўғиётганлиги эътироф этилмоқдаки, бу ҳам мутахассисларни мулоҳаза юритишга чоғлайди.

Она тили дарсларида грамматик таъриф ва қоидаларни ўқувчиларга тушунтириш, мустаҳкамлаш, грамматик воситаларни

англатиш ва фаоллаштириш борасида узок даврдан бери анъанавий тарзда шаклланган методлар (Бу методлар ўз даврида кўпроқ А.В.Текучев, Л.П.Федоренко¹ ва бошқа методистлар томонидан мукамалроқ баён этилган, ўзбек методист олимлари: М.Омилхонова, Й.Абдуллаев ва бошқалар ҳам бир вақтлар шу методлардан андоза олишган. “Ўзбек тили ўқитиш методикаси” номли қўлланма² бунга ёрқин мисол бўла олади.) давлатимизнинг халқ таълими юзасидан олиб бораётган сиёсати, Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” талаблари асосида жиддий қайта кўриб чиқиладиган бошланди. Дарҳақиқат, бугун Л.П.Федоренко томонидан уч гуруҳга бўлиб баён қилинган тилни назарий ўрганиш методлари, тилни назарий-амалий ўрганиш методлари, тилни амалий ўрганиш методлари (II-бет) асосий тасниф сифатида эмас, балки такомиллаштирилган ҳолда тилга олинмоқда. А.К.Фулумов ўзининг “Она тили ўқитиш принциплари ва методлари” номли қўлланмасида методист олимлар тавсия этган тил ўқитиш методларини умумлаштириб, янги билимларни баён қилиш (эвристик, догматик, тил фактларини кузатиш); билимларни мустаҳкамлаш (кўчириб ёзиш, грамматик таҳлил, диктант, ҳатолар устида ишлаш, грамматик топшириқли мустақил ишлар) ва билимларни ҳисобга олиш ҳамда назорат қилиш методларини тилга олади ва бу методлар бугун ҳам маълум ўзгартишлар билан қўллана-ётганлигини эслатиб ўтади³. Тилни назарий ўрганиш методлари (суҳбат, ўқитувчининг баёни, осон қоидаларни дарсликдан мустақил ўқиш) таркибидаги мисолларни кузатиш унсури индуктив метод учун асос қилиб олинди. Бошқача айтганда, суҳбат, ўқитувчининг баёни методлари уч-тўрт мисолни ўқишдан эмас, балки ўқувчиларнинг бир-икки машқ материаллари асосида тил ҳодисаси устида изланиш олиб боришдан бошланиб, шу йўл билан индуктив тарзда хулоса чиқаришларига эришиш кўзда тутилди.

М.А.Данилов, А.В.Текучев, Л.П.Федоренко билим олиш мағбалирига аниқликлар киритиш, И.П.Палей, И.Т.Огородников дидактик вазифаларни ҳал этиш, И.Я.Лернер ва М.Н.Скаткинлар ўқувчиларнинг билиш қобилиятларини таълим жараёнида ҳисобга олиш масалаларини ёритиб бердилар.

Умуман, содда гап синтаксисини ўқитиш мазмуни ва методлари ёритилган методик адабиётлар, айрим тадқиқот ишлари мавжуд. (Биз М.Омилхонова, М.Абдураимова, О.М.Байгуатова, Л.И.Величко, Э.Д.Ибрагимова, Н.Караев, Г.К.Лидман-Орлова, Г.Мамедов, М.А.Назарова, А.М.Орлова, М.Ю.Собирова, Ж.А.Сордианинг ишларини

¹ Федоренко Л.П. Принципы обучения русскому языку. - М.: Просвещение, 1973.

² Фулумов Ё., Расулов И., Рустамов Х., Мирзаахмедов Д. Ўзбек тили ўқитиш методикаси. - Тошкент: Ўқитувчи, 1975.

³ Фулумов А.К. Она тили ўқитиш принциплари ва методлари. -Т.: Ўқитувчи, 1992.

назарда тутяпмиз.) Бу ишларда таълим методларини такомиллаштиришга доир изланишлар ўз ифодасини топган. Чунончи, И.Я.Лернер ва М.Н.Скаткин томонидан таклиф қилинган методлар куйидаги кўриниш касб этган: 1) тушунтириш-намойиш этиш методи; 2) репродуктив метод; 3) муаммоли баён қилиш методи; 4) тадқиқот методи; 5) қисман изланувчанлик ёки эвристик метод¹.

Ушбу тадқиқотда мазкур ишларга ижодий ва танқидий ёндашган ҳолда асосланилди. Ўқитиш иши жадал такомиллашиб, ўрганиладиган билимлар мураккаблашиб, уларнинг ҳажми ошиб, мазмуни чуқурлашиб бораётган ҳозирги шароитда таълимнинг ноанъанавий шакл ва методлари пайдо бўлмоқда, одатдаги таълим усулларининг шакли ўзгармоқда.

Маълумки, дарс иккиёқлама жараён бўлиб, унда ўқитувчи ҳам, ўқувчи ҳам фаол иштирок этади. Шунинг учун ҳам ўқитиш методларини тасниф қилишда нафақат ўқитувчи фаолияти, балки ўқувчи фаолияти ҳам асос қилиб олинмоғи лозим. Она тили дарсларида қўлланиладиган ўқитиш методлари нафақат билимларни баён қилиш ёки мустаҳкамлашга хизмат қилиши, балки ўқувчиларнинг мустақил билим олишини ҳам ҳисобга олиши ва буни рағбатлантириши, таълим жараёнига изланувчанлик ва тадқиқотчилик унсурларини қўшиш орқали уларни ижодий фаолиятга тайёрлаши лозим. Ана шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, Т.В.Напольнова ўқитиш методларини икки катта гуруҳга бўлади: 1. Ўқитувчи фаолияти билан боғлиқ методлар. 2. Ўқувчи фаолияти билан боғлиқ методлар. Ўқитувчи фаолияти билан боғлиқ методларни у билимларни тайёр ҳолда баён қилиш ва билимларни муаммоли баён қилиш методларига бўлади. Ўқувчи фаолияти билан боғлиқ бўлган методлар эса репродуктив, қисман изланувчанлик ва изланишга асосланган методларга бўлинган².

Ўзбек мактаблари она тили дарсларида ҳам мазкур методлар асосида иш олиб борилмоқда. Чунончи, А.К.Ғуломов ўзининг бир қатор методик қўлланмаларида Т.В.Напольнова томонидан таклиф қилинган методлар асосида тил материалларини ўргатиш ва ўқувчиларнинг ўқув-билув фаолиятини фаоллаштириш мумкинлигини назарий жиҳатдан асослашга ҳаракат қилган³.

А.Ю.Купалова И.Я.Лернернинг ижтимоий маданият унсурлари ҳақидаги фикрларидан келиб чиқиб она тили таълими методларига куйидаги каби танқидий баҳо беради: 1) олам ва фаолият усуллари

¹ Махмутов М.И. Мактабда проблемали таълимни ташкил қилиш. - Т.: Ўқитувчи, 1981.

² Қаранг: Ғуломов А.К., Шукуров А. Она тилидан ўқувчиларнинг мустақил ишларини ташкил этиш. - Тошкент: Ўқитувчи, 1989.

³ Ғуломов А.К. Она тили ўқитиш жараёнида активлик принципини амалга оширишнинг назарий асослари. - Тошкент: Фан, 1989; Ғуломов А.К. Она тили ўқитиш принциплари ва методлари. - Тошкент: Ўқитувчи, 1992.

ҳақидаги билимлар (бу билимларнинг ўзлаштирилиши ахборот-рецептив методдан фойдаланишни кўзда тутаяди); 2) фаолият усулларини амалга ошириш тажрибаси (ўзининг шаклланиши учун репродуктив методни талаб этадиган малака ва кўникмалар); 3) ижодий фаолият тажрибаси (бу тажриба муаммоларни ва муаммоли масалаларни ечиш орқали тадқиқотчилик методи билан ўзлаштирилади). Ижтимоий маданиятнинг тўртинчи унсури – оламга муносабат тажрибаси – кўрсатилган барча методлар воситасида ўзлаштирилиши мумкин. А.Ю.Купалова юқорида тасниф этилган унсурларни “русский язык” ўқув фани дастурига нисбатан муқояса қилар экан, бу дастур мазмунида тил ҳақидаги билимлар кўпроқ ва уларни қўллаш усуллари тўғрисидаги билимлар камроқ; билимлар (умуман) кўпроқ, малака ва кўникмалар камроқ кўзда тутилганлигини; “ижодий фаолият” тушунчасининг мазмуни ҳақидаги масала кам ўрганилганлиги ва бир хилдаги ечимга эга эмаслигини таъкидлайди.

... анъанавий тарзда ажратиладиган “она тили” ўқув фани доирасида шартли равишда “тил ҳақидаги фан асослари” ва “нутқий фаолият” деб аталадиган ҳамда уларнинг ўзаро муносабатлари билан “билимлар” ҳамда “малака ва кўникмалар” компонентларининг ўзаро алоқадорлиги уйғунлашмаган моҳиятан икки ўқув фани бирлашади¹.

Она тили дарсларида ахборот ўрнини маълумот олиш эгаллайди. Лекин бугунги кунда маълумот билан танишишга қадар тил ҳодисасининг маъноси ва қўлланиши ҳар томонлама камраб олинган мисоллар асосида кузатиш ва уларни таҳлил қилиш ишларини бажариш одат тусига айланади. Бунда рецепция билан бир вақтда нутқий фаолият жараёни кечади. Шундан кейингина маълумот билан танишишга ҳамда машқ бажаришга ўтилади. Афсуски, ижодий фаолият кўрсатишга ҳамма вақт ҳам ўтилавермайди. Ижодий фаолият эса коммуникатив даража билан яқунланиши керак. Бу ҳам кўпинча амалга оширилмайди.

Фаолият сифатидаги маданият мазмунини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, табиат, жамият, техника, фаолият усуллари ва инсон ҳақидаги билимлар унинг биринчи ва асосий унсури саналади. Дарҳақиқат, киши фаолиятнинг мақсад сари қаратилган қадамини қўйишдан аввал ушбу қадамни нима учун ва қандай қилиб қўйишиш кераклигини аниқ тасаввур қилиши зарур. Билимли бўлиш, масалан, велосипедни қандай ҳайдаш ҳақида билимга эга бўлиш мумкин, лекин бундай тушунчаси бор одам велосипедни ҳайдай олмаслиги

¹ Купалова А.Ю. Задачи совершенствования системы методов обучения русскому языку // Совершенствование методов обучения русскому языку: (Сб.статей). Пособие для учителей. - М.: Просвещение, 1981. - С. 10.

хам мумкин. Бунинг учун маълум фаолият усуллари амалий эгаллаш лозим. Ана шу тажриба ижтимоий маданиятнинг иккинчи унсури ҳисобланади.

Биз она тили дарсларида гапнинг бош бўлақларини ва бир бош бўлақли гапларни ўрганиш методлари сифатида қуйидагиларни маъқул топдик: 1. Рецептив ва тил ҳодисаси ҳақида мушоҳада юритиш билан боғлиқ нутқий фаолият методлари. 2. Ахборот манбаидан маълумот олиш методи ва репродуктив (билимни мустаҳкамлаш) метод. 3. Ижодий нутқий фаолият (нутқ маҳсули - матн яратиш) методи. 4. Коммуникатив нутқий фаолият методи.

Шуни таъкидлаш жоизки, билимлар ҳар хил мураккабликда бўлганидек, кўникма ва малакалар ҳар хил микдордаги, лекин ҳамма вақт қайта-қайта машқ қилишни тақозо этади. Шунга кўра ҳам биринчи ва иккинчи хилдаги методлар талаб этадиган иш ҳажми катта ёки кичик бўлиши табиий.

Афсуски, амалдаги “Она тили” дарсликларининг методик структурасига кўра дарсларда бир-икки машқ асосида муаммоли таълим, изланувчилик методи қўлланиб, тил ҳодисаси ҳақида ўқувчиларнинг хулоса чиқаришларига эришиш мўлжалланади, бу хулосалар (билимлар) топинг, аниқланг деган топшириқларни бажариш орқали мустаҳкамланади. Дарснинг қолган оз вақтигина тил ҳодисасини нутқ фаолиятида ишлатишга ўргатиш учун баъзан ажратилади, баъзида бунга ҳам имкон бўлмайди. Тил ҳодисасини нутқий фаолиятда қўллаш билимлар асосида ўз-ўзидан таъминланмайди, шунга кўра ҳам она тили дарсларида нутқ ўстириш таълим мазмунининг алоҳида унсури сирасига киритилиши ва бу ишга ҳам етарли вақт ажратилиши даркор.

Хуллас, бугунги кунда она тили дарслари асосан индуктив методда олиб борилмоқда, интерфаол усуллар қўлланилмоқда. Муаммоли таълим, мунозара дарслар ва бошқа бир қатор самарали методлар устида изланишлар олиб борилмоқда. Лекин бу метод ва усулларнинг аксарият қисми билимларни ўзлаштириш билан боғланиб қолмоқда. Ижодий нутқий фаолият ва ундан кейинги жараёнларга ўтилаётгани йўқ.

Индуктив метод бир-икки машқда берилган материалларни таҳлил қилиш ва тил ҳодисаси юзасидан хулоса чиқаришни кўзда тутгани, лекин ана шу машқларни бажариш жараёнида айрим сўзларнинг маънодошларини, шаклдошларини, зид маънолиларини айтиш, айримлари иштирокида сўз бирикмалари ва гаплар тузиш каби қўшимча тадбирлар ўтказилади. Бу тадбирларнинг мақсади тил ҳодисасини тадқиқ этиш жараёнини нутқ ўстириш билан боғлашдир. Аммо улар янги маъзун нутққа олиб кирган ҳолда ўрганишни эмас, балки умумий йўналишдаги нутқий машқларни ифода этади.

Индуктив йўл билан ўқувчиларни тил ҳодисалари юзасидан хулоса – қоида чиқаришга тайёрлаш кўпинча мураккаб жараёнга айлантирилмоқда, бу ҳолат икки омилга кўра юзага келмоқда:

1) бир-икки машқ материаллари учун танланган мисоллар тил ҳодисасининг барча белги-хоссаларини қамраб олмайди;

2) машқларни бажариш жараёнида бериладиган қўшимча топшириқлар ўқувчиларнинг диққатини асосий муаммодан четга тортиб, уларни чалғитади.

Она тили дарслари самарадорлигини ошириш йўлида интерфаол усулларни қидириб топиш ва амалиётга жорий этиш яхши. Лекин ўқувчилар нутқини, айниқса, мулоқот-маданиятини қадам-бақадам ривожлантириш билан боғлиқ таълим методлари кўп ҳам изланилаётгани йўқ. Амалиётга кириб келаётган грамматик топшириқли баён, грамматик топшириқли ишро, услубий қоида асосида кичик ҳажмдаги матн яратиш, ўқувчи томонидан ёзилган матнни таҳрир қилиш каби усуллар нутқ ўстириш самарадорлигини оширишга маълум ҳисса қўшаётганлиги аниқ. Бизнингча, грамматик материал ўрганилгандан кейинги, яъни матн устида ишлашгача бўлган босқич тил ҳодисасининг қўлланиши юзасидан муаммолар қўйиш, мунозаралар ўтказиш, баҳслар юритиш каби иш усуллари замирида ташкил этиладиган интерфаол иш турлари мавжуд бўшлиқни тўлдиролди, деб ўйлаймиз.

Эътироф этиш керакки, билиш ва бажара олиш мумкин, аммо билим ва малакаларни қайта ўзгартиришга, яъни бу билимлар ва малакалар илгари қўлланган вазиятлар, одатга айланган ҳолатларда ижод қилишга тайёр бўлмаслик ҳам мумкин. Ижодий фаолият тажрибаси маданият мазмунининг учинчи ва алоҳида унсуридир. Агар билимлар ва малакалар таркиби одатда маълум бўлса ва мактаб дастурлари, дарсликлари ва методикаларида аниқ белгилаб берилса, ижодий фаолият тажрибаси эса оз даражадаги аниқлик билан кўрсатилди. Ушбу тажриба бўлса илгари ўзлаштирилган билим ва малакаларни янги вазиятга мустақил равишда қўчириш, одатдаги вазиятдан муаммони кўра билиш, таниш объектнинг янги функциясини пайқаш, объектнинг структурасини ажратиш, муқобил ечимларни, яъни турли хил, баъзан қарама-қарши ечимларни чамалаш ва ҳ.к. Фаолиятнинг бу турлари билим ва малакалар асосида ўз-ўзидан таъминланмайди, шунга кўра ҳам маданият мазмунининг алоҳида унсурини ташкил қилади¹.

Дарҳақиқат, ижодий фаолият жараёни етарлича вақт ажратиб ташкил этилмаса, бу иш матн яратиш билан боғланмаса,

¹ Лернер И.Я. Система методов обучения (дидактический аспект) // Совершенствование методов обучения русскому языку: (Сб. статей). Пособие для учителей. -М.: Просвещение, 1981. - С. 19-20.

терминларнинг ишлатилишини, тил ҳодисаларининг ижодий қўлланишини ўқувчилар мустақил била олмасликлари табиий ва ҳоказо. Одам велосипедни мина олганидан кейин, уни керак пайтда ўзига мослаб ижодий ўзгартира билиши ҳам керак.

Нихоят, маданият мазмунининг тўртинчи унсурига тўхталсак. Бу унсур воқеликка (табиат, жамият, инсонга, ўз-ўзига) бўлган эмоционал муносабат, ахлоқий, эстетик муносабатларга кўра ажратилган. Зеро, билиш, бажара олиш, яратишга қодир бўлиш мумкин ҳамда воқелик объектига ҳамда воқеликнинг ўзига турлича – ижобий, салбий, лоқайд – муносабатда бўлиш мумкин. Маданият мазмунининг юқорида кўриб чиқилган тўртала унсури муқаррар равишда маданият қурилишида бўлгани каби ўз қурилишига кўра ижтимоий таълимнинг бутун мазмунига киради (20-бет).

А.Ю.Купалованинг хулоса қилишича, ижтимоий фаолият тажрибасини ижодий фаолият аломатларини намоеън этишни талаб қиладиган ва шу билан муаммони кўра олиш, билимларни кўчириш ва ҳоказо аломатларни шакллантирадиган муаммоли масалаларни системали равишда ечиш орқалигина ўзлаштириш мумкин (20-21-бетлар).

Муҳими шундаки, қўйилган муаммони тадқиқотнинг куйидаги барча ёки асосий босқичларини амалга оширган ҳолда ўқувчининг ўзи ечади: 1) фактлар ва ҳодисаларни кузатиш ва ўрганиш; 2) тадқиқ этилиши лозим бўлган тушунилмаган ҳодисаларни аниқлаш (муаммонинг қўйилиши); 3) фаразларни илгари суриш; 4) тадқиқот режасини тузиш; 5) ўрганилаётган ҳодисанинг бошқа ҳодисалар билан глоқадорлигини ўрнатиш (фаразларни текшириш), 6) ечимни таърифлаш, 7) ечимни текшириш, 8) олинган билимларнинг аҳамиятини, уларнинг эҳтимол тутилган ва зарурий қўлланишини аниқлаш. Муаммони ҳал этиш давомида ўқувчилар ўзларида билим ва малакалардан янги вазиятларда фойдаланиш қобилиятини, янги муаммони кўра олиш, муқобил фикрлаш ва бошқа ҳислатлар мавжуд эканлигини аниқлайдилар (22-23-бетлар).

Шубҳасиз, тадқиқотнинг ҳар бир босқичига алоҳида-алоҳида вақт ажратмасдан уларни бир йўла бир жараён орқали эгаллаш мумкин эмас. Шунинг учун мактаб амалиётида одатда қисман-изланувчан ёки эвристик метод қўлланади. Унинг моҳияти шундан иборатки, ўқувчилар дастлаб изланиш фаолиятининг ҳар бир унсурини айрим-айрим эгаллайдилар. А.Ю.Купалова бу борада куйидаги вариантларни тавсия этади:

- ўқитувчи муаммони қўяди, ўқувчи бўлса фақат фаразни илгари суради;

- ўқитувчи фактларни баён этади, ўқувчилар эса хулоса чиқарадилар;

- ўқитувчи муаммоли вазифани тақдим этади ва ишни енгиллаштириш учун уни кичик-кичик масалаларга бўлади – ўқувчилар уларнинг ҳар бирини айрим-айрим ечадилар, сўнгра бошланғич вазифага муружаат қиладилар (23-бет).

Қисман изланиш (ёки эвристик) методдан олдин муаммоли баён методи келади. Бунда дастлаб ўқитувчи намуна кўрсатади: муаммони ўзи кўяди, билишнинг бир-бирига қарама-қарши йўллари кўрсатган, муаммони ҳал этиш давомида фикрлаш маданиятини намойиш этган ҳолда ўзи ечади (23-бет). Муаммоли баён методини эгаллаш орқали ўқувчи фикрлаш маданиятини эгаллайди, тил ҳодисаси ҳақидаги мушоҳадаларни танқидий қабул қилиш малакасини қўлга киритади.

А.Ю.Купалова бевосита таълим жараёни учун (таълим мазмуни ва ўқувчиларнинг ўқув-билув фаолияти характериға кўра мазмуннинг тегишли турини ўзлаштириш) тавсия этган беш методни - 1) ахборот-рецептив, ёки изоҳли-иллюстратив; 2) репродуктив; 3) муаммоли баён; 4) қисман изланиш, ёки эвристик; 5) тадқиқот (24-бет) методларини юқорида биз тавсия этган тўрт методнинг дастлабки иккитаси (рецептив ва тил ҳодисаси ҳақида мушоҳада юритиш билан боғлиқ нутқий фаолият методлари; ахборот манбаидан маълумот олиш методи ва репродуктив метод) таркибида қўллаш зарур деб ҳисоблаймиз. Биз маъқул толган кейинги икки методда (ижодий нутқий фаолият методи; коммуникатив нутқий фаолият методи) буларнинг унчалик даҳли йўқ. Матн яратиш, муносабат ифодалашни муаммолилик билан боғлаш кўпроқ матн таҳрири жараёниға хосдир.

Билим, кўникма ва малакаларнинг шаклланиши ҳиссиётлар билан боғланиб, олинаётган билимларни нутқий мулоқот эҳтиёжи билан мувофиқлаштиради, нутқнинг синтактик жиҳатдан бойлиги ўқувчида ўз нутқининг таъсир кучиға ишонч пайдо қилади.

Барча ўқитиш методлари ва воситалари ўқувчиларға чуқур ва пухта билим бериш, ўқувчи нутқини ўстириш, мустақил иждоий фикрлаш қобилиятини шакллантириш учун хизмат қилиши керак. Бунинг учун ўқитувчи мазкур ўқитиш методларига иждоий ёндашиши, мавзуга, таълим мақсади ва вазифаларига мосини танлаши, уни самарали ҳолда қўллаши, яъни уларға нисбатан иждоий муносабатда бўлиши зарур.

В.А.Саакян она тили таълимидан кўзланган мақсадға бир қадар тўғри тавсиф беради. Унинг фикрича, ўқувчиларнинг она тилидаги нутқини ривожлантириш ва такомиллаштириш, ўзининг фикр ва туйғуларини хоҳ оғзаки, хоҳ ёзма шаклда бўлсин аниқ ва образли ифодалаш кўникмаларини сингдириш она тили ўқитувчисининг биринчи даражали вазифаси ҳисобланади, зеро, бу нарса инсоннинг

маданиятлилик ўлчови бўлибгина қолмай, унинг фаол ижтимоий турмуш кечиришининг зарурий шarti ҳамдир¹.

Она тили таълимининг бугунги кундаги асосий йўналишларига мос келадиган методлар тизими коммуникатив ёндашувга монанд танланади. Чунончи, тил ҳодисаларини кузатиш асосидаги индуктив метод асосида ўқувчиларни мустақил қоида ва таъриф чиқаришга одатлантириш хусусида методист олим А.К.Фуломов ўз тадқиқотларида атрофлича фикр юритган, амалдаги “Она тили” дастури ва дарсликлари ҳам шу методга бўйсундирилган ҳолда яратилган. Индуктивнинг яхши томони ўқувчини тил ҳодисалари устида изланишга даъват этаётгани бўлса, ёмон томони – таъриф ва қоидаларни эгаллаш учун сарфланаётган ўқув вақтининг кўплигидир.

Мавзуни индуктив методини қўллаб тушунтириш учун ўқувчилар тил ҳодисаларини таҳлил қила олиш қўникмаларини эгаллаган бўлишлари, ўрганилган мавзу ўқувчиларга бир оз таниш бўлиши, кузатиш ва таҳлил қилиш учун берилган материаллар ўқувчилар кучига мос ва тўғри хулоса чиқара олишларига ёрдам бериши керак.

Бош бўлақларни ўқитишда тил ҳодисаларини кузатиш методидан фойдаланишдан асосий мақсад ўқувчиларнинг мазкур мавзуга доир билимларни чуқур ва пухта ўзлаштиришларига эришиш; уларни ўртага ташланган саволлар устида фикр юритишга, топишириқларни мустақил ишлашга ундаш; ўзаро фикр алмашиш ва баҳслашишга ўргатиш; ўқувчиларни адабий асарни ўқиш жараёнида тил ҳодисаларини кузатишда давом этиш асосида ўз нутқини ўстиришга одатлантиришдан иборат.

Гапнинг бош бўлақларини, айниқса, бир бош бўлақли гапларни шунчалик кузатиш эмас, балки уларни қўллашга ўргатиш мумкин бўладиган қилиб кузатиш муҳим роль ўйнайди. Масалан, икки бош бўлақли ва бир бош бўлақли гапларнинг бир-бирига ўтишига кишилар ўртасидаги муносабатдан ташқари, таъсирчан сўзлаш, муомала одобига риоя қилиш ҳам сабаб бўлади. Сўзловчи иш-ҳаракатнинг бажарувчиси ўзи эканлигини суҳбатдошига алоҳида таъкидлаб ўқитиш учун шахси маълум гапни икки бош бўлақли гапга айлантиради. Ана шу ҳолат куйидаги мисоллар орқали кузатилади:

- *Бўпти, бўшатиб бераман!* – *У мудирнинг кўзига тик қараб чертиб-чертиб гапирди.* – *Лекин мен йўлакда ётмайман. Манави диванга чиқиб ётаман* (Ў.Ҳошимов).

¹ Саакян В.А. Роль упражнений в усвоении, закреплении знаний по синтаксису и в развитии речи учащихся VII-IX классов армянской школы: Автореф. дис...канд. пед. наук. – Ереван, 1983. – С. 3.

- Қизиқ одам экансиз! – деди ҳамон кулиб. Аммо энди бу гапни киноя оҳангида эмас, самимий айтди. – Бу бизнинг ишимиз, биродар. Касални биз даволаймиз, сиз эмас! (Ў.Ҳошимов)

Иккада мисолда ҳам суҳбатдошлар бири-бирига гапираётган чоғда ҳам фикр баёнида эганинг (мен, биз) пайдо бўлиши алоҳида таъкид зарурлиги туфайлидир.

Таълимнинг самарали усулларида яна бири - тил ҳодисаларини таққослаш методи она тили машғулотида тил ҳодисаларини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга. Тафаккур ва билиш жараёнида таққослашнинг жуда муҳим аҳамияти бор.

Грамматикани ўрганишда таққослашнинг моҳияти грамматик категорияларнинг ўхшаш ва фарқли томонларини аниқлаш билан боғланади. Методист олима М.Омилхонова таққослашнинг куйидаги икки туридан фойдаланишни самарали деб кўсатади:

1. Ўрганилаётган тил ҳодисаларининг моҳиятини ечиш мақсадида икки ёки бир неча грамматик фактларни, ўхшаш ҳодисаларни бир-биридан фарқлаш.

2. Фарқлаш мақсадидагина эмас, балки аналогия бўйича хулосалар чиқариш ва материалларни умумлаштириш, тизимга солиш ниятида қиёслаш¹.

Демак, таққослаш тил ҳодисаларининг ўртасидаги ўхшаш ва фарқли томонларни аниқлаш имкониятини яратади. Таққослаш орқали ўқувчи тил ҳодисаларининг бир-бирига ўхшаш ҳамда фарқ қиладиган томонларини аниқлайдилар ва уларга асосланган ҳолда умумий хулоса ва таърифлар чиқарадилар.

Методист олим А.Ғуломов она тилида ўрганилаётган барча мавзуларни таққослаш усулида ўргатиб бўлмаслиги, бу усул, айниқса, куйидаги ҳоллардагина самарали натижалар беришини кўрсатади: а) ўрганилаётган тил ҳодисалари ўртасида ўхшаш ва фарқли томонлар бўлса; б) таққосланаётган тил ҳодисаларининг айрим томонлари ўқувчиларга олдиндан таниш бўлса.

5-ва 8-синф дарсликларидаги берилган бош бўлақларга доир бошқа мавзуларни ҳам таққослаш методи ёрдамида тушунтириш, лекин бу ишни нутқ маданияти, муомала одоби нуқтаи назаридан амалга ошириш катта самара келтиради. Масалан, шахси маълум гапни шахси номаълум (топилмас) гап билан таққослаш шу мақсад учун хизмат қила олади. Бунда бир парчанинг ўзи икки вариантда берилиб, ўзаро қиёсланади. Чунончи:

*Professor lentadagi egri-bugri Professor lentadagi egri-bugri
chiziqlarni diqqat bilan ko`zdan chiziqlarni diqqat bilan ko`zdan
kechira boshladu. kechira boshladu.*

- "Boshlandi? – deb

- "Boshlashdi? – deb

¹ Омилхонова М. Мактабда содда гап синтаксисини ўргатиш.- Тошкент: Ўқитувчи, 1977.

o'yladi Sherzod...

o'yladi Sherzod... (O'. Hoshimov)

Киёслаш орқали бир бош бўлакли гапнинг қайси тури услубий ўринли эканлиги аниқланади. (Парчада шифокорларнинг сўраб-суриштиришлари бошлангани эмас, балки текшириш жараёнининг бошлангани ифодаланган. *Boshlandi* шакли *boshlashdīra* қараганда нутқ вазияти учун мосроқ. *Boshlashdi* шакли олинса, кишининг ўзи истамаган нарса такрорланаётган ҳолат англашилади.

Хуллас, таққослаш методидан фойдаланиш борасидаги методик адабиётларда нутқ маданияти, муомала одоби билан боғланиш амалга оширилган тадқиқотлар бажарилмаган.

Ўқувчиларнинг фаоллигини оширадиган, фикрлаш қобилиятини ўстирадиган, грамматик ҳодаларни онгли ўзлаштиришга ёрдам берадиган методлардан бири – она тили дарсларини **кўрсатмалилик** асосида ташкил этишдир. Она тили дарсларида кўрсатмалиликдан фойдаланиш методик адабиётларда атрофлича ёритилган. Гапнинг бош бўлақларни ўқитиш жараёнида кўрсатмалиликнинг куйидаги турларидан фойдаланилади: 1. Табиий (натурал) кўрсатмали куруллар. 2. Графикли кўрсатмали куруллар. 3. Тасвирий кўрсатмали куруллар. 4. Кўчма доскадан фойдаланиш. 5. Компьютер.

Она тили дарсларида, жумладан, бош бўлақларни ўқитиш жараёнида ўқитувчиларнинг аксарият қисми графикли жадваллардангина фойдаландилар, холос. Улар орасида тасвирий кўрсатмалиликдан фойдаланганлари ҳам бўлди, аммо улар жуда озчиликни ташкил этди.

Графикли кўрсатмали куруллардан фойдаланиш она тили дарсларида энг кўп тарқалган иш усулларидан ҳисобланади. Гап бўлақлари ва уларнинг сўз туркумларида ифодаланиши ҳамда бирикмали қўлланиши ҳақидаги назарий билимларни ўргатишда тажрибали ўқитувчиларимиз кўпроқ кўрсатмалиликнинг ана шу туридан фойдаланишади. Айниқса, турли сўз туркумлари орқали ифодаланган эга ва кесимларни ўзаро киёслашда, шунингдек, содда ва мураккаб (таркибли) эгаларни, содда ва мураккаб кесимларни бир-бири билан таққослашда ана шундай гаплар ёзилган плакатлардан, яъни графикли кўрсатмали куруллардан фойдаланишнинг аҳамияти катта.

Кўрсатмалиликнинг яна бир тури – тасвирий кўрсатмали куруллардан фойдаланиш бўлиб, унда ўқувчилар турли расм-плакатлар ва расмли карточкалар билан иш кўрадилар. Кўрсатмалиликнинг бу туридан ҳам ҳозирги кунда она тили дарсларида жуда кўп фойдаланилмоқда. Бунинг аҳамиятли томони шундаки, улар ўқувчиларнинг боғланишли нутқини ва фикрлаш қобилиятини ўстиришга ёрдам беради. Бош бўлақларга доир билимларни мустаҳкамлашда ва

такрорлаш дарсларида расм-плакатлар ва расмли карточкалар асосида ўқувчиларнинг мустақил ишларини ташкил этиш мумкин. Расм асосида мустақил равишда гап тузиш, матн яратиш эса ўқувчиларнинг боғланишли нутқини ривожлантиради. Тузган гапларини ва яратган матиларини ўрганилаётган тил ҳодисаси юзасидан таҳлил этиш ўтилган мавзунини пухта ўзлаштириб олишнинг муҳим омилidir.

Кўрсатмалилик вазифасини бажарувчи дидактик материалларни танлашда тил ҳодисаларини ўрганишдаги барча қийинчиликлар, ўқувчилар нутқида йўл қўйиладиган барча хилдаги хатолар ҳисобга олиниши зарур.

Гапнинг бош бўлақларини, бир бош бўлақли гапларни ўрганиш жараёнида нутқ маданиятини, муомала одобини шакллантиришга ёрдам берадиган кўрсатмалилик муҳим роль ўйнайди. Масалан, эганинг от билан ифодаланишига бир мисол, олмош билан ифодаланишига бошқа гап бериш тил ҳодисасининг моҳиятини англашга ёрдам бермайди. Бизнингча, бундай гаплар икки гапли матн шаклида келтирилгани маъқул: бир гапдаги от иккинчи гапда олмош билан алмаштирилаётгани матнда (Масалан: *Sherzod xuddi shuning uchun bu yerga kelgandi. U ildam bordi-da, tanlab-tanlab ikki bog` binafshani tog`orachadan oldi*) яққолроқ англашилади ва бу нарса нутқ ўстириш учун хизмат қилади.

Дидактикада ўқув топшириқларини тузишга бўлган турли хил муносабатлар, унинг дидактик мақсади ва мураккаблик даражасидан келиб чиқиб типларини аниқлаш, ўқув топшириқларини таълимга таъдбир этиш масаласида И.Я.Лернер, Н.А.Лошкарева, Т.И.Шамова, О.Розиковларнинг илмий изланишлари мавжуд.

Бу муҳим муаммо тил ўқитиш методикасининг ҳам асосий объектларидан бири саналади. Рус тили дарсларида тил ҳодисаларни мустақил таҳлил қилишда билишга оид масалаларни қўллаш муаммоси Т.В.Напольнова томонидан ўрганилган. И.М.Подгаевская томонидан эса ўқув топшириқларининг турли турларини ўз ичига олган топшириқлар тизими ишлаб чиқилган. Ўзбек тили ўқитиш методикасида она тили машғулотларида ўқув топшириқларидан фойдаланиш ва унинг ўқувчилар ўқув-билув фаолиятини фаоллаштириш имкониятлари тўғрисидаги дастлабки қарашлар проф. А.Қ.Ғулломов изланишларида учрайди. Шунингдек, Т.Т.Ғаниевнинг илмий тадқиқотида ҳам ўқув топшириқларининг бир тури бўлган машқлар хусусида фикр юритилган бўлиб, унда она тилидан машқ бажариш жараёнида ўқувчиларнинг ўқув-билув фаолиятини фаоллаштириш йўллари кўрсатиб берилган, она тили

дарсликларидога (IV-VII синфлар бўйича) машқлар тасниф қилинган¹.

Машқ шарти ўқувчиларни кўпроқ изланишга, фикрлашга, мустақил равишда хулосалар билдириб, уни исботлай олишга қаратилса, ўқувчиларда фанга бўлган қизиқишни, тафаккурнинг ўсишини таъминлаш мумкин. Зеро, она тили ўқитишнинг асосий вазифаларидан бири ҳам ўқувчиларнинг фикрлаш қобилиятини, тафаккурини ва боғланишли нутқини ўстириш ҳисобланади.

Ўқувчиларни она тили фанани чуқур ва пухта ўрганишга қизиқтириш, саводхонлик даражасини ошириш, мустақил ишлаш ва фикрлашга ўргатиш дарс жараёнида мустақил ишларни тўғри ташкил этишга ҳам боғлиқ. Мустақил ишлар кенг уюштирилгандагина, ўқувчилар дастур материалларини онгли ўзлаштирадilar, мустақил хулосалар чиқариш ва ижодий тафаккур қилишга ўрганадилар. Ўқувчиларнинг дарс жараёнидаги мустақил ишлари назарий маълумотни онгли ўзлаштиришларига катта ёрдам беради.

Кейинги йилларда қатор мақолаларда илгари сурилаётган “ақлий ҳужум” ноанъанавий усули ўқувчиларни ижодий фикрлашга ундайди. Бунда шундай савол ва топшириқларни ишлаб чиқиш керакки, уларнинг мазмуни ҳамда шарти чуқур ўйлашга, мустақил фикрлашга, ўз фикрини эркин баён қила олишга ва мустақил хулосалар чиқаришга йўналтирилсин.

Амалий-ижодий ишлар бир бош бўлакли гапларни ўқувчилар нутқига синдириш мақсадини кўзда тузмоғи лозим. Бунда боғланишли матнлардан ташқари айрим-айрим кичик диалоглар тузиш ёки уларни боғланишли нутқ таркибига киритиш каби топшириқларнинг аҳамияти катта. Бунда тасвирий кўрсатмалилик муҳим роль ўйнайди. Масалан, “Ушбу расмда тасвирланган вазият асосида диалог тузинг. Диалогда бир бош бўлакли гап туридан мулоқот маданиятидан келиб чиқиб фойдаланинг”. Бу каби топшириқларни тарқатма материал тарзида тайёрлаш ва ўқувчилар билан индивидуал ишларни ташкил этиш мумкин.

Ўқувчиларни мустақил ўйлашга ва излашга мажбур қиладиган қизиқарли ўқув топшириқларидан бири – **грамматик топишмоқлар** ҳисобланади. Улар ўқувчини мустақил ўйлашга, излаб топишга йўналтириши билан бир қаторда, дарснинг ўта қизиқарли ўтишини таъминлайди. Шунингдек, тил материалларини ўрганишга иштиёқи бўлмаган, қизикмаган ўқувчиларни ҳам дарсга ва ўрганилаётган мавзуга нисбатан қизиқишига ҳам ёрдам беради ва уларни бажаришга нисбатан маъсулиятни оширишга хизмат қилади.

¹ Ганиев Т.Т. Активизация познавательной деятельности учащихся в процессе выполнения упражнений по родному (узбекскому) языку. Автореф. дисс...канд. пед. наук. - Ташкент, 1991.

Ўқувчиларда ижодкорликни, мустақил фикрлашни тарбиялашда, фикр маҳсулини нутқ шароитига мос равишда оғзаки ва ёзма шаклларда тўғри, раван ифодалашга ўргатишда, ўқувчилар нутқини бойитишда, уларни она тили дарсларига ва тил материалларига кизиқтиришда она тили машғулотларида бажариладиган амалий ижодий ишларнинг роли бениҳоя катта. Чунки амалий иш ўқувчи учун унинг олган билими, эгаллаган кўникма ва малакаларининг тўғрилигини синаб кўришдир. Айнн вақтда амалий иш ўқитувчи учун ўқувчининг ўзлаштириш кўрсаткичи ҳисобланади. Бош бўлақларни ўқитиш жараёнида **қайта хотирлашга қаратилган амалий ижодий ишлардан** фойдаланиш тавсия этилади. Бу хилдаги ижодий ишларни шартли равишда икки гуруҳга ажратиш мумкин: а) умумлаштирган ҳолда эсга тушириш ишлари; б) тайёрловчи эсга тушириш ишлари¹.

Бош бўлақларга доир маълумотлар аввалида тайёрловчи хотирлаш ишлари, бу машғулотларнинг охирида эса умумлаштирувчи хотирлаш ишлари бажарилиши керак. Чунки бундай хотирлаш ишлари ўқувчиларнинг бош бўлақлар юзасидан “яхлит ва тўлиқ маълумот ҳосил қилиши учун жуда зарурдир”².

Бош бўлақлар юзасидан бажариладиган умумлаштирувчи хотирлаш ишлари жумласига турли таълимий характердаги ёзма ишларни, грамматик таҳлилни, тест-синов топшириқларини киритиш мумкин. Ўқувчиларнинг бош бўлақлар ҳақидаги билимларини мустаҳкамлашда, уларнинг нутқини ўстиришда ва сўз бойлигини оширишда, уларда мустақил ва ижодий фикрлашни тарбиялашда **таълимий характердаги ёзма ишларнинг** аҳамияти катта. Бундай таълимий характердаги ёзма ишларни бажариш жараёнида ўқувчилар бош бўлақларга доир ўтилганларни такрорлайдилар, мавзу материалларига бошқача кўз билан қарайдилар. Ана шундай таълимий ишларнинг **сайланма диктант, грамматик топшириқли диктант, баён, иншо** каби турларидан бош бўлақларни ўқитиш жараёнида унумли фойдаланиб, ижобий натижаларга эришиш мумкин. Методик адабиётларда бундай ёзма иш турларини ўтказиш йўллари кенг ёритилган.

Хуллас, турли хилдаги бундай ёзма ишлар ўқувчиларнинг ўтилган мавзунини пухта ўзлаштириб олишларида, мустақил ва ижодий изланишларида, ўз фикр маҳсулини нутқ шароитига мос равишда оғзаки ва ёзма шаклларда тўғри, раван ифодалай олишларида катта роль ўйнайди. Айниқса, ёзма ишлар учун танланган матнлар тарбиявий аҳамиятга эга бўлиши ўқувчиларни Ватанин севиш ва

¹ Ғудомов А.К. Она тили ўқитиш жараёнида активлик принципини амалга оширишнинг назарий асослари. - Тошкент: Фан, 1989.

² Номи кўрсатилган китоб.

ота-онани кадрлаш, инсонларга нисбатан самимий муносабатда бўлиш, ахлоқий поклик ва дўстлик руҳида тарбиялашга ёрдам беради.

Ўтилган мавзунини мустақкамлашда ҳамда такрорлаш дарсларида энг кўп қўлланиладиган амалий ишлардан бири – бу **грамматик таҳлил**дир. Таҳлил турлари, амалдаги “Она тили” дарсликлари широнтида ундан фойдаланиш имкониятлари, таҳлилнинг грамматик терминларни ўрганишдаги амалий аҳамияти М.Мирмахсудова томонида муфассал ёритилган¹.

Ўқувчилар эътиборига ҳавола этиладиган тест-синов топшириқлари ҳам назарий, ҳам амалий характерда бўлиши мумкин, яъни баъзи саволларда мисоллар орқали назарий умумлашган қоидаларни фарқлаш талаб этилса, баъзиларида эса назарий қоидалар асосида амалий мисолларнинг таҳлили назарда тутилади.

Ҳулоса ўрнида шунини таъкидлаш жоизки, билимларни ўзлаштириш йўлидаги муаммоли баён, қисман изланиш ёки эвристик метод за тадқиқот методи, шунингдек ноанъанавий методлар (“Ақлий ҳужум”, “Зинама-зина” ва б.) рецептив ва репродуктив даражада билим олиш доирасидан ташқарига чиқмайди. Чунки улар назарий билимларни мустақкамлаш, шу йўл билан ўқувчиларнинг филологик маълумотини шакллантириш, тафакурини ўстириш учун хизмат қилади, холос. Гапнинг бош бўлаклари ва бир бош бўлакли гап турлари асосида нутқ ўстиришда эса учинчи ва тўртинчи турдаги методларга кўпроқ вақт ажратиш, бунда матн яратиш ва боғланишли матн таркибига диалог киритиш каби ижодий ишларга устувор аҳамият бериш мақсадга мувофиқдир.

Она тили дарсларида гапнинг бош бўлақларини нутқ ўстириш билан боғлаб ўрганиш методикаси

1. Гапнинг бош бўлақларини ўрганишда “Она тили” дарсликларининг методик имкониятлари

1998 йилга қадар қўлланиб келинган “Она тили” дастурида² услубига кўра фаркланидиган тил ҳодисаларини умумлаштириш, таъриф ва қоидаларни имкони борича қисқартириш, илмий грамматикада кенг ўрганиладиган мавзулар юзасидан қисқача тушунча бериш, грамматик категориялар моҳиятини амалий машқлар орқали ечиш, ўзгаришлар киритиш, она тили курсида синтезга кўпроқ эътибор бериш каби масалаларга асосий диққат

¹ Мирмахсудова М. Ўқувчилар нутқини такомиллаштиришда грамматик терминлардан фойдаланишнинг лингвометодик асослари (5-7-синф она тили дарслари мисолида): Пед.фан.номз. ... дисс.автореферати. – Тошкент, 2004.

² Ўрта умумий таълим мактаблари программалари: Она тили V-IX ва X-XI синфлар учун. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992.

жалб этилади. Мавзуларни жойлаштиришда, асосан, анъанавий тартибга амал қилинган бўлса-да, тил материалларининг моҳиятидан келиб чиқиб, айрим ўзгартишлар қилинган ва кўпроқ узлуксизлик принциpigа асосланган.

Х.Неъматов, А.Ғуломов ва бошқалар томонидан яратилган 6- ва 7-синф “Она тили” дарсликлари¹ эга ва кесимнинг ифодаланишига доир айрим маълумотларни ўзлаштириш имкониятини берадиган материалларга эга. 6-синф “Она тили” дарслигининг “Харакат номлари” мавзуси ўқувчилар диққатини эганинг ҳаракат номи билан ифодаланганига қаратиш ва ҳаракат номили бирикмаларни эга вазифасида ишлатишга доир машқлар бажариш маъқул. 101-машқда эса ҳаракат номининг *керак, зарур, лозим* каби сўзлар билан бирикиб келишига доир мисоллар (Toshiriqni o'z vaqtida bajarish zarur) берилган. Бу ўринда ўқувчилар эга бўлмаган, иш-ҳаракатнинг бажарувчиси кўрсатилмайдиган гаплар тузиш вазияти билан танишадилар, ўз нутқларини шундай синтактик қурилмалар билан бойтадилар. 115-машқ сифатдошнинг эга вазифасида келишини ўрганиш имконини беради. Ўқувчилар сифатдошни эга, тўлдирувчи ва ҳол вазифасида кўллар эканлар, аниқданмишни тушириб қолдириш орқали сиқик синтактик конструкцияларни юзага келтиришдек муҳим услубий имкониятдан баҳраманд бўладилар.

Мазкур дарсликнинг 336-, 337-, 388- ва бошқа машқларида эгани отлашган сифат, сон, равиш, тақлид сўзлар билан ифодалаш юзасидан ўқувчиларда тегишли тушунчалар ҳосил қилиш, кўшимча равишда амалий-ижодий машқлар бажариб бориш мумкин.

Хуллас, 6-синф “Она тили” дарслигининг мазмуни ва методик структурасида эга ва кесимнинг ифодаланиши, баъзи феъл-кесимларда иш-ҳаракатнинг бажарувчиси маълум мулоқот вазиятларига кўра кўрсатилмаслиги устида иш олиб бориш, бу ишларни 7-синф “Она тили” дарслиги берган имкониятлар доирасида ва ундан четга чиқиб 6-синфда амалга оширилган ишларни давом эттириш мумкин.

8-синф “Она тили” дарслигидаги 41- ва 42-машқлар бажарилиб, қўшма ёки таркибли феъл ҳақидаги тушунча ўзлаштирилгач, шундай феъллар билан ифодаланадиган кесим устидаги ишлар учун йўл очилади. 45-машқда сифат-кесим (*қизил, очик* ва б.) билан феъл-кесимни (*қизарди, очилди* ва б.) узаро қиёслаб, маъноларидаги фарқни изоҳлаш талаб этилади. “Билиб олинг” деган изоҳда сифат-кесим предметнинг барқарор, турғун белгисини, феъл-кесим эса бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиш ҳаракати, жараёнини ифодалаб

¹ Ne'matov H., G'ulomov A., Qodirov M., Abduraimova M. Ona tili: 7-sinf uchun darslik. 2-nashri. - Toshkent: O'qituvchi, 2001; Нурмонов А., Махмудов Н., Ахмедов А., Солихўжаева С. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси. - Тошкент: Фан. 1992.

келиши баён қилинган. Буни сифатни кесим вазифасида қўллашда семантик-функционал асос деб қабул қилиш ва ундан амалий-ижодий машқларда фойдаланиш мумкин.

47-машқ шартда ҳаракатнинг бажарувчиси ким ёки нима эканлигини аниқлаш топшириғи берилган. Бундай машқларни ўқув йили мобайнида бажариб бориш, лекин уларнинг шартини мукамаллаштириш тақозо этилади: эгани аниқлаш билан кифояланмай, унинг қайси келишидаги сўз билан ифодалангани, кесим билан қайси шахс ва сонда мослашганини, маъносини (фикрнинг ким ёки нима ҳақда эканлиги) сўраб бориш мақсадга мувофиқдир.

70-машқ орқали аниқ нисбатдаги феъл-кесимга боғланиб келган тўлдирувчи мажҳул нисбатдаги феъл билан берилган гапда эгага айланиши, бунда иш-ҳаракатнинг бажарувчиси ноаниқ бўлиши ўрганилади. Ушбу мавзу иш-ҳаракатнинг бажарувчиси ноаниқ бўлган ҳолатларда у бевосита гапда ифодаланмаслиги, яшириниши устидаги ишларни бошлаш учун асос яратади. Бунда аниқ нисбатдаги феъл-кесимни мажҳул нисбатдаги феъл-кесимга айлантириш каби машқлардан ташқари, “Мулоқот вазиятига кўра иш-ҳаракатнинг бажарувчисини аниқ ифодалаш мумкин эмас. Шу вазиятдан келиб чиқиб феъл-кесимни тегиншли шаклда қўлаб гаплар тузинг” каби гаплар тузириб туриш мақсадга мувофиқдир.

Маълум бўлишича, эга ҳақидаги таъриф-қоидада тушунча тўлиқ очиб берилмаган: сўроқлари кўрсатилган, лекин сўзнинг қайси келишида бўлиши айтилмаган (бу гап эганинг ифодаланиши тўғрисидаги мавзуда ўз аксини топган); шунингдек, эганинг кесим билан шахс ва сонда мослашуви тилга олинмаган. Аслида эганинг бош келишидаги сўз билан ифодаланишини қоидага киритишнинг бирор қийинчилиги йўқ. 8-синф шу синфгача ўтилганларни синтактик даражада умумлаштириш босқичи бўлгани, деярли янги билим кўзда тутилмагани учун тушунчани бир ерда тўлиқ очиб бериш, эганинг аломатларини бир ерда тўлиқ санаб ўтиш мумкин эди деб ўйлаймиз. Шунда ўқувчилар билими ва малакаларидаги гапнинг бош бўлақларини аниқлаш билан боғлиқ камчиликларни бартараф этиш, уларнинг олдини олиш мумкин бўлади. Кесим ҳақидаги тушунча ҳам семантика ва синтактик сўроқдангина иборат. Унинг бошқа белгилари ақс эттирилмаган. Эга ва кесимнинг ифодаланиши хусусида эса услубий масалалар, матн талаблари ёритилмаган.

Машқлар масаласига келсак, бу борада асосан рецептив ва репродуктив методлар қўлланиб, билимларни ўзлаштиришга доир машқлар тавсия қилинган, кўникма ва малакаларни шакллантиришга доирлари эса нисбатан камроқ. Ҳар бир мавзуда нутқ ўстиришга оид машқларнинг ҳавола қилингани қувонарли ҳолдир. Лекин мавзулар

юзасидан берилган маълумотлар, мустаҳкамлашга қаратилган машқлар орасида услубиятни эгаллаш, нутқ маданиятини ривожлантиришга доирлари кузга ташланмайди. Масалан, эганинг олмош билан ифодаланиши такрордан қутулишнинг бир йўли эканлиги, отни ёки кишилик олмошини эга вазифасида ишлатганда, уни яқин масофада такрорламаслик кераклиги маълум қилинмайди.

Дарслик қолипидан четга чиқмайдиган ўқитувчи гапнинг бош бўлақларини ўқувчиларга ўргатишда бир томонлама натижалар олиши, нутқ маданиятини шакллантиришдан кўзланган мақсадга керагича етиша олмаслиги аниқ. Илғор иш тажрибалари тўплаган ўқитувчилар тўлиқ синтактик таҳлил ўтказиш жараёнидагина эга ва кесимнинг моҳиятини ҳар томонлама очиб берадиган кўшимча жиҳатларни жалб этадилар, лекин кўшимча машқ турларидан оз фойдаланадилар, улар ноанъанавий усуллар кўллашга иштиёқ намоеън этадилар. Юқорида таъкидлаганимиздек, ноанъанавий усуллар ҳам асосан тил ҳодисаларини пухта ўзлаштириш учун хизмат қилади, нутқ ўстиришга қаратилган интерфаол усуллар ҳақида бирор тажриба ёритилган манбани эса учратганимизча йўқ.

Х.Неъматов, Н.Маҳмудов ва бошқалар томонидан яратилган амалдаги 8-синф “Она тили” дарслигида¹ берилган материаллар таҳлили шуни кўрсатдики, китобда, юқорида таъкидлаганимиздек, таъриф ва қоидалар берилмаган, улар ўрнида “Эсланг”, “Билиб олинг” руқни остидаги изоҳ, тушунтиришлар ўз ифодасини топган.

Содда гап юзасидан “Эсланг” деб берилган изоҳда содда гап таркибида кесимлик шаклларига эга бўлган битта кесим бўлиши, барча бошқа бўлақлар шу кесим атрофида бирлашиши, қўшма гап таркибида эса икки ва ундан ортиқ кесим бўлиши таъкидланади.

51-машқ ўқувчиларни содда гаплар ва кўшма гаплар орасидаги асосий фарқларни аниқлаш сари йўллайди.

Содда гап (умуман гап) ҳақида ўқувчилар машқларни бажариш жараёнида хулоса чиқаришлари зарур.

54-машқда берилган (бир сўзи тушириб қолдирилиб, ўрнига уч нуқта қўйилган) гапларнинг тугал фикр ифодалай олмаслиги сабабини тушунтириш талаб этилади. Демак, бу машқ орқали гапнинг бир белгиси – тугал фикр аниқлиги эсланади. Лекин кўшма гапда икки ва ундан ортиқ кесим бўлса, тугал фикр ифодалаш масаласи очилмай қолади. Шу машқнинг учинчи топширигига кўра ўқувчилар кесимнинг гапдаги ўрни ва фикрни ифодалашдаги аҳамияти ҳақида хулоса чиқаришлари кутилади. Аёнки, “Эсланг” деб келтирилган изоҳни 54-машқ қисман тўлдирди.

¹ Ne'matov H., Gulomov A., Qodirov M., Abduraimova M. Ona tili. 5-sinf. = Toshkent: O'qituvchi, 2000.

52-машқ шартига кўра ўқувчиларлардан айна бир фикрни ҳам содда гаплар билан, ҳам битта қўшма гап билан ифодалаш, улар орасидаги фарқни кўрсатиш талаб этилган.

53-машқ йиғиқ гап ва ёйиқ гап терминларини ва уларнинг фарқини элаш. матни ўқиб. ажратилган гапларнинг йиғиқ ёки ёйиқ гап эканлигини аниқлаш мазмунида. Ўқувчилар “Зукколар ўйини” матнидан гап бўлакларининг номини, йиғиқ содда гапнинг эга ва кесимдан иборат бўлишини билиб оладилар.

“Кесим ва унинг ифодаланиши” мавзуси бўйича берилган тушунтиришлар қуйидагича: “Эсланг. Кесим гап маркази бўлиб, у тасдиқ-инкэр, замон, майл, шахс-сон маъноларини ифодалаб келади, хукми ифодалайди ва гапнинг бошқа бўлакларини ўз атрофида бирлаштиради”.

“Эсланг. От, сифат, сон, олмош, равиш, тақлид сўзлар билан ифодаланган кесим от кесимдир. От кесимлар боғламали ва боғламасиз бўлиши мумкин”.

“Эсланг. Икки ва ундан ортиқ сўздан иборат бўлган кесим мураккаб кесим дейилади. Мураккаб кесим таркибидаги сўзлардан бири ёрдамчи сўзлар (кўмакчи феъл, боғлама, нисбий сўзлар ва ҳоказо) бўлиши мумкин”.

“Билиб олинг. Кенгайган бирикма гапда яхлит ҳолда битта мураккаб гап бўлаги бўлиб келади ва ўз ичида бошқа бўлакларга ажратилмайди”.

55-машқда матни ўқиб, ажратилган кесимларнинг феъл-кесим ёки от-кесим эканлигини аниқлаш талаб этилган. (Изоҳларда феъл-кесим тилга олинмаган.)

56-машқ аввалги машқда берилган матндан содда ва мураккаб кесимларни ажратиб ёзиш топшириғига эга.

57-машқнинг 1-топшириғи ҳам кесимларнинг тузилишига кўра турларини аниқлаб, маъно нозикликларини тушунтириш; 2-топшириғи машқдаги гапларнинг икки гуруҳга ажратиб берилганлигининг сабабини айтиш; 3-топшириғи кесим шаклларини топшириқ шартда кавс ичига олиб берилган кўшимчалар билан алмаштириб ўқиш, маъносидаги ўзгаришларни аниқлаш мазмунида.

58-машқда феъл-кесимли гаплар тузиш, тузилган гапларда содда кесимларни мураккаб кесимлар билан ва, аксинча, алмаштириш, маънодаги фарқларни изоҳлаш талаб этилган.

59-60-машқлар эга билан от-кесим орасида (кейинги машқда эга ҳам, кесим ҳам бирикмали) тиренинг ишлатилиш-ишлатилмаслик ҳолатларини тушунтириш талабига эга. 60-машқнинг 2-топшириғида от-кесимга кесимлик кўшимчасини (-дир) ёки бўлади, эди боғламаларини қўшиб ўқиш, тиренинг ишлатилиши ҳақида хулоса чиқариш сўралган.

61-машқ содда от кесимларни мураккаб от кесимлар билан алмаштириш ва маъно фарқларини тушунтириш, боғламаларни ажратиш мазмунида.

62-машқда ҳаракат номи билан ифодаланган содда ва мураккаб кесимларни аниқлаш талаб этилади. 63-машқ берилган қўшма гаплардан ҳамда кесими кенгайган ҳаракат номи билан ифодаланган содда гаплар жуфтликларидан гап бўлақларини аниқлаш малакасини ҳосил қилишга қаратилган.

Зукколарга йўналтирилган топшириқда кесим юзасидан ўтилганларни такрорлаш учун мўлжалланган 5 та савол келтирилган.

Ниҳоят, 64-машқ ҳаракат номининг мумкин, керак ва бошқа сўзлар билан биргаликда мураккаб кесим вазифасида қўлланишини англатиш учун хизмат қилади.

Кўриниб турибдики, **“Кесим ва унинг ифодаланиши”** мавзуси бўйича берилган тушунтиришлар кесим тушунчасини очиш, ифодаланиш хусусиятларини англатиш, қуйи синфларда ўтилганларни умумлаштириш учун хизмат қилмайди.

“Муस्ताқил ва номуस्ताқил кесим шакллари” мавзусидаги материаллар шарт майлидаги феълларнинг номуस्ताқил кесимларни ҳосил қилиши, уларнинг муस्ताқил равишда қўлланиши учун махсус нутқий шароит талаб этилишини тушунтиришга бағишланган. Она тили ўқитиш методикасида гапнинг тугал фикр англатиши кўпроқ кесим билан боғланади. Номуस्ताқил кесим фикрнинг тугал бўлмаслигидан далолат беради. Эга ҳақидаги ҳукм ҳам тугал бўлмайди. Нағижада гапнинг белгилари билан номуस्ताқил кесим тушунчаси ўртасида зидлик туғилади.

“Эга” мавзуси икки машқ асосида тақдим этилган. 68-машқда берилган гаплардаги кесимнинг шахс-сон шакли қўшимчалари асосида унинг эгасини топиш, 69-машқда эса эгаси от ва олмош билан ифодаланган гапларни икки гуруҳга ажратиш ва улар орасидаги фарқни аниқлаш сўралган.

“Билиб олинг” руқни остидаги изоҳда гап кесимининг қўшимчаларидан англашилиб турган шахс-сон маъносини аниқлаштирувчи бўлақ эга эканлиги, эга, асосан, ким? нима? сўроқларига жавоб бўлиб келиши тушунтирилган.

Маълум бўладики, изоҳда эга тушунчасининг белгилари шаклий-грамматик жиҳатдангина кўрсатилган, холос. Семантик жиҳат умуман эътибордан четда қолган. Шаклий-грамматик белгилар ҳам тўлиқ эмас. Чунончи, эганинг бош келишидаги сўз билан ифодаланиши, кесим билан шахс ва сонда мослашуви ақс этмаган.

Она тили дарсларининг самарадор бўлишида машқ турлари ҳам муҳим аҳамиятга эга. 8-синф дарслигида қуйидаги машқ турлари ўз ифодасини топган:

- тил ҳодисасини аниқлаш, талаб этилганча ажратиш (ажратиб кўчириш);

- гапларни ўқиш, ... фарқини (хусусиятини) аниқлаб, коида (умумлашма) тузиш; хулоса чиқариш;

- айни бир фикрни бир неча хил (масалан, содда ва кўшма гаплар билан) ифодалаш;

- берилган гапларнинг тугал фикр ифодалай олмаслиги сабабини тушунтириш;

- гапларни бирор тил ҳодисаси билан тўлдириш;

- топшириқ шартига кўра гаплар тузиш (ҳосил қилиш);

- тил ҳодисаларини гуруҳларга ажратиб ёзиш (уларни қиёслаш);

- бир шаклдан иккинчисига айлантириш;

- зукколарга берилган топшириқ шартига кўра саволларга жавоб бериш;

- гапни ўзгасириб ўқиш, юз берган ўзгариш ҳақида хулоса чиқариш;

- матн тузиш, унда атов гапларни ишлатиш;

- тил ҳақидаги матнлар;

- тест топшириқларини бажариш.

Маълум бўлишича, амалдаги 8-синф дарслигида гапнинг бош бўлаклари, бир бош бўлакли гаплар юзасидан ўтилганларни мустаҳкамлашга қаратилган машқлар асосан билимларни ўзлаштириш, ўқувчиларнинг тафаккурини ўстириш мақсадини кўзда тутади. Бу машқлар орасида билимларни амалда қўллашга доирлари санокли. Айниқса, эга ва кесимнинг ифодаланишига онд маълумотларни улардан нутқ амалиётида фаол фойдаланиш даражасидаги машқлар йўқ даражада. Эганинг олмош билан ифодаланиши кичик-кичик матнлар тузиш орқалигина ижодий эгалланиши мумкин.

Ўқувчиларнинг сўз туркумларига доир билимлари, кўникма ва малакалари бўш эканлигини назарда тутадиган бўлсак, “Гапнинг бош бўлаклари” мавзусини ўтишдан олдин уларни такрорловчи материаллар тавсия этиш шарт.

Содда гап ва кўшма гап тушунчаларига нисбатан илгари сурилаётган бутунлай янгича қарашларда муаллифларнинг қанчалик ҳақ эканлигини тадқиқ этиш тадқиқот мавзуйимизга кирмайди. Бу ерда илгари уюшиқ кесим санаб келинган ҳолатлар кўшма гап объектига кўчирилган. Биз фақат гапнинг бош бўлаклари ва бир бош бўлакли гапларни ўрганишга доир масалаларнигина тадқиқ этмоқдамиз. Шунга кўра ҳам юқоридаги муаммони ҳал этиш тилшуносларга ҳавола.

“Кесим ва унинг ифодаланиши” мавзуси бўйича берилган тушунтиришлар кесим тушунчасини очиш, ифодаланиш хусусиятларини англатиш, куйи синфларда ўтилганларни умумлаштириш

учун хизмат қилмайди. Гапнинг тугал фикр англатиши кўпроқ кесим билан боғланади. Номуस्ताқил кесим фикрнинг тугал бўлмаслигидан далолат беради. Эга ҳақидаги ҳукм ҳам тугал бўлмайди. Натижада гапнинг белгилари билан номуस्ताқил кесим тушунчаси ўртасида зидлик туғилади.

Дарсликдаги изоҳда эга тушунчасининг белгилари шаклий-грамматик жиҳатдангина кўрсатилган, холос. Семантик жиҳат умуман эътибордан четда қолган. Шаклий-грамматик белгилар ҳам тўлиқ эмас. Чунончи, эганинг бош келишикдаги сўз билан ифодаланиши, кесим билан шахс ва сонда мослашуви акс этмаган.

Амалдаги 8-синф дарслигида гапнинг бош бўлаклари юзасидан ўтилганларни мустаҳкамлашга қаратилган машқлар асосан билимларни ўзлаштириш мақсадини кўзда тутди. Бу машқлар орасида билимларни амалда қўллашга доирлари санокли. Айниқса, эга ва кесимнинг ифодаланишига оид маълумотлардан нутқ амалиётида фаол фойдаланиш даражасидаги машқлар йўқ даражада. Эганинг олмош билан ифодаланиши кичик-кичик матнлар тузиш орқалигина ижодий эгалланиши мумкин. Демак, иллюстратив материаллар ҳам маълум даражада талабга жавоб бермайди.

Бош бўлақларга доир кузатилган ана шу дарс(машғулот)дан атиги 17 тасида ўқитувчилар амалий ишларга кенг эътибор бердилар, ўқувчиларнинг дарсга ва ўрганилаётган мавзуга нисбатан кизиқишини оширишга ёрдам берадиган грамматик ўйин ва мусобақаларни уюштиришга ҳаракат қилдилар. Қолган 53 соатлик машғулотда эса дарс дарслик қолипи асосида ташкил этилди, ўтилганларни мустаҳкамлашда дарсликда берилган машқларни бажартириш билан кифояланилди. Бундай ўқитувчилар мавзунини тушунтиришда шу мавзу доирасидан четга чиқа олмайдилар, яъни ҳар бир мавзунини ўргатишда бўлимлараро ва мавзулараро боғланишни етарлича ташкил қила олмайдилар.

Ўқитувчилар орасида ўтказилган сўровнома бир қатор саволларимизга, тахминларимизга жавоб топиш имконини берди. Чунончи: нотаниш грамматик терминни англатмасдан туриб машқ шартида ишлатиш уни тушунмасликка ўрин қолдиради.

Амалдаги “Она тили” дарсликларида келтирилган машқлар ўқувчиларнинг мавзу юзасидан мустақил равишда тўлиқ хулоса чиқаришлари учун имкон бермайди, бунга мисолларнинг тил ҳодисаси хусусиятларини тўлиқ акс эттирадиган қилиб танланмагани сабаб бўлади. Бизнингча, бир-икки машқни бажариш йўли билан қошда чиқариш қийин. Бунинг ўрнига махсус сараланган бир нечта мисол бериш кифоя; бунинг устига машқларни бажариш мобайнида бажариладиган кўшимча топшириқлар ўқувчиларни тил ҳодисасини ўрганишдан чалғитади; “Гапнинг бош бўлаклари” мавзуси таркибида

ўрганиладиган синтактик терминларни ўйлаб кўриш; гап тузиш жараёнининг кесимдан бошланиш-бошланмаслиги масаласини тадқиқ этгншга руҳшуносларни жалб этиш; дарсликда нутқ ўстириш машқларини кўпайтириш; тил ҳодисасини ўрганиш учун махсус танланган мисоллар устида ишлаш орқали ўқувчиларнинг ҳулоса чиқаришлари учун сарфланадиган вақтни қисқартириш; дарсликда мукамал қоида бўлмаса, ўқувчилар чиқарган ҳулосалар барчанинг бирдай билишини таъминламайди; индуктив метод қўлланганда кўп вақт назарий таҳлилга сарф қилиниб, тил ҳодисаси юзасидан малакалар ҳосил қилиш учун етарлича имкон бўлмайди. Сўровномада шу нарса ҳам маълум бўлдики, ўқитувчилар бир бош бўлакли гап турларининг мулоқот маданияти, муомала одоби билан боғлиқлик жиҳатлари ҳақида тасаввурга эга эмаслар.

2. Амалдаги “Она тили” дарсликлари шароитида гапнинг бош бўлақларини ўрганиш методикаси.

5-7-синфларда ўқитувчилар “Она тили” дарсликларида берилган машқлар, “Билиб олинг” изоҳлари асосида бизнинг тавсияларимиз билан иш олиб бориб, эгани аниқлашда унинг қайси келишикда бўлишига, маъносига ўқувчилар эътиборини қаратиш, эганинг кесим билан шахс ва сонда мослашувига қараш, эга ва кесимни отлашган сон, равиш, сифатдош билан ифодалаш, ҳаракат номини эга вазифасида қўллаш, иш-ҳаракатнинг бажарувчисини ифодаламаслик учун кесимни мажхул нисбатда, шунингдек, ҳаракат номини керак, зарур каби сўзлар билан бирикиб келган ҳолатларда ишлатиш билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш бўйича кўшимча тадбирларни амалга оширдилар ва муайян ютуқларни қўлга киритдилар. Шунингдек, улар ўрни билан 5-7-синфларда синтаксисни ўрганиш методикасига доир 80-йилларда методист олимлар (М.Омилхонова, М.Абдураимова) томонидан бир қадар мукамал ишлаб чиқилган қўлланмаларга ҳам мурожаат этдилар.

Методиканинг муҳим қоидаларидан бири - ҳар бир мавзунини ўтишдан олдин муқаддам эгалланган билимларни эсга тушириш. Ўқувчилар таянч маррадан олдинга қараб муттасил илгарилашларини шунга қараб ҳам белгилайдилар.

Икки хил ҳолатни кўзда тутиш лозим:

1) Агар ўқитувчи 5-7-синфларда ўқувчиларни биз тавсия этган кўшимча маълумотлар билан таништириб, мустаҳкамлаб, амалий-ижодий ишлар бажартириб борган бўлса, тақрорлаш ва умумлаштиришга доир ишлар бир дарсга сиғади;

2) Дарслик қолипидагина иш олиб борилган синфларда “Эга ва унинг ифодаланиши” мавзуси икки дарсда оз-оздан деярли янгидан ўрганилади.

8-синфда “Эга ва унинг ифодаланиши”, “Кесим ва унинг ифодаланиши”, “От-кесим ва феъл-кесим” каби мавзулар устидаги ишларни бошлашдан олдин ўқувчиларнинг шу мавзулар юзасидан 5-7-синфларда олган билим, ҳосил қилган кўникма ва малакаларини тиклаш чора-тадбирлари кўрилади.

Гапнинг бош бўлақларини ўрганиш мазмуни ишимизнинг биринчи бобида тавсия сифатида ишлаб чиқилган билимлар, кўникма ва малакалар, шу ҳажмда нутқ ўстириш, нутқ маданияти, шу жумладан муомала одобини шакллантириш мундарижаси асосида ташкил этишга доир тавсияларимизни амалиётда синаб бордик. Такрорлаш ва умумлаштириш дарсини ҳам шу йўналишда ёритдик.

Эга ва унинг ифодаланиши юзасидан ўтилганларни такрорлаш, умумлаштириш дарси махсус танланган гапларни ўқиб, ҳар бир гапдаги эгани аниқлаш ва унинг нима билан ифодаланганини айтиш талаб этиладиган машқдан бошланади. (Ялпи такрорлаш жараёнида махсус танланган гаплар ўрнида матндан фойдаланиш ноқулай, чунки бир матнда эганинг барча ифодаланиш ҳолатларини моделлаштириш имконияти чеклангандир.) Ўқитувчи ўқувчилар қийналиб қолмасликлари учун эгани аниқлашда эътибор бериш шарт бўлган жиҳатларни куйидаги саволлар кўринишида олдиндан бериб қўяди: 1. *Эганинг сўроқлари.* 2. *Қайси келишиқда эканлиги.* 3. *Эганинг нимани англатиши.* 4. *Қайси гап бўлган билан боғланиши.* 5. *Кесим билан нимада мослашиши.* 6. *Унинг қайси сўз туркуми билан ифодалангани.*

Ўқувчилар ҳар бир гапдан эгани аниқлашда шу таҳлил намунаси асосида мушоҳада юритадилар. Бу мушоҳадалар ҳам индуктив, ҳам дедуктив усулда боради. Шунингдек, ана шу саволлардан муаммоли вазиятлар вужудга келтириш, уларни масалалар кўринишида тақдим этиш, “Зукколар” беллашувини уюштириш имкониятлари мавжуд. Масалан, “Гапдаги белгисиз тушум келишиқдаги от эга саналиши мумкинми?”, “Эга тўлдирувчи билан боғлана оладими?”, “Эга кесим билан сонда мослашмасилиги мумкинми?”, “Нима сўроғи ҳамма вақт ҳам гапнинг нима ҳақда эканлигини англата оладими?”, “Эгани айтмай, от-кесимнинг ўзини қайси ҳолатларда ёлғиз ишлатиш мумкин?” ва ҳоказо.

Билимларни ўзлаштиришга қаратилган ўқув топшириқларидан бири - изланувчанлик тавсифидаги *лингвистик масалалар*. Бундай масалалар ёрдамида эгалланадиган билимлар ўқувчининг ижодий фаолияти маҳсулига айланади. Асосий мақсад - ўқувчиларда ижодийликни, мустақил фикр юритиш малакасини тарбиялаш.

Ўқувчиларнинг сўз туркумларини, ажралмас бирикмаларни, иборани аниқлаш қийналишларини назарда тутиб жадвалдан, кўчма доскадан, кодоскондан ёки компьютердан фойдаланиб, эганинг

ифодаланиши тўлиқ акс эттирилган мисоллар таҳлил қилиб чиқилади, яъни рецептив-изланиш методи қўлланади. Кўрсатмалар қўлланмалар сирасида Т.Зиёдованинг “Тилсим топишмоқлари – нуткий фаолиятни шакллантириш омили” методик қўлланмасида¹ ва бошқа шу каби ишларда тавсия этилган жадваллардан ҳам фойдаланиш мумкин. Бунда ўқитувчининг йўналтирувчи саволлари, қуйи синфларда ўтилганларни эслатиши ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Машқ сўнггида ўқувчилардан ўз хулосаларини айтиш талаб қилинади. Чиқарилган хулосаларни ўқитувчи умумлаштиради.

Ўқувчилар белгисиз қаратқич келишиги ва тушум келишигидаги отларни эга деб ҳисоблаш туфайли назарий хатога йўл қўйишларини, ажралмас бирикма ва иборادا қийналишларини инобата олмаганда, гапдан эгани тўғри топадилар, лекин уларнинг билим, кўникма ва малакаларидаги энг катта камчилик ифодаланишини кўрсатишда намоён бўлади. Жадвалга таяниб бажариладиган машқ ўқувчилардаги ана шу камчиликларни бартараф этиш, билимларини тизимга солишда муҳим роль ўйнайди; сўз туркумларини хотирага тушириш, сўзни ажралмас бирикмадан, сўз бирикмасини иборадан ўзаро фарқлашга доир билимларини тиклаш учун хизмат қилади.

Такрорлаш ва умумлаштириш дарсининг вазифаси аниқ: ўтилганларни хотирага тушириш. Навбатдаги *(ахборот манбаидан маълумот олиш методи ва репродуктив, яъни билимни мустаҳкамлаш)* босқичда ўқувчиларга мавзунинг амалий аҳамиятини аниқлаш устида иш олиб борилади.

Ахборот манбаи турлича бўлиши мумкин. Илмий-оммабоп рисола, электрон дарслик ана шундай манба вазифасини бажаради. Ўқувчилар учун мўлжалланган электрон дарслик мазмунан илмий-оммабоп рисолага яқин туради. Бундай имконият бўлмаганда суҳбат ёки ўқитувчининг баёни методига мурожаат этилади. Гап шундаки, эга ва кесимнинг ифодаланишини билишнинг ўзи кифоя қилмайди. Қайси ҳолатларда эга вазифасида олмош ёки отлашган сўз туркумлари келиши, қандай сўз бирикмалари ажралмас бирикмалар саналиши, иборанинг шакли қандай бўлиши қўшимча маълумотларни талаб этади. Шунинг учун ўқувчига ахборот манбаи жуда зарур.

Электрон дарсликнинг имкониятлари катта. Ўқувчи ундан ўзи истаган қўламда фойдаланиб, ўзига керак бўлган ҳажмда билим олади ва олган билимларини мустаҳкамлайди. Айниқса, компьютер дарслари тарикасида тузилган ўқув материаллари ҳам ахборот

¹ Зиёдова Т. Тилсим топишмоқлари – нуткий фаолиятни шакллантириш омили: Она тили ўқитувчилари учун методик қўлланма. – Тошкент: РТМ, 1999.

беради, ҳам машқ қилдиради, ҳам билим, кўникма ва малакаларни назорат этади.

Эгани турлича ифодалаш қўшимча ахборотни тақозо этади. Чунончи: услуб талабига кўра биринчи гапдаги от (эга) иккинчи гапда олмош билан алмаштирилади; ихчам синтактик конструкция тузиш мақсадида отлашган сифат ва сифатдош (аниқланмишни тушириб қолдириш ҳисобига) эга вазифасида ишлатилади; сифатнинг бундай кўлланиши кўпроқ мақол ва маталларга хос эканлиги тушунтирилади; бошқа ҳолатларда, яъни аниқловчили бирикмадаги сифатловчи қаратқичли бирикманинг қаралмиши бўлиб келганда (сара гуллар – гулларнинг сараси) сифат эгалик қўшимчасини қабул қилиб, эга вазифасида келади; ибора кўпинча сифатдош шаклига келтирилиши акс этган, таққослаш тариқасидаги мисоллар билан тушунтирилган маълумотлар банкига мурожаат этилади.

Бундай ахборот манбаи иллюстратив материалларга ҳам бой бўлиши мақсадга мувофиқдир. Масалан, биринчи гапдаги от (эга) кейинги гапда олмош билан алмаштирилган кичик-кичик матнлар асосида тушунтирилади. Ушбу билимларни мустақкамлашда қуйидаги каби машқлар тизимидан фойдаланилади:

1) берилган гаплар жуфтini қиёслаш асосида эганинг отлашган сўз, ажралмас бирикма, ибора билан ифодалашнинг услубий мақбул эканлигини исботлаш;

2) берилган гапларни ҳар биридан бир сўзби тушириб қолдириш ҳисобига сиқик ҳолга келтириш;

3) берилган мавзуда кичик матн тузиш, ушбу матнда эгани отлашган сўзлар, ажралмас бирикма, ибора билан ифодалашга ҳаракат қилиш;

4) берилган матнини ундаги айрим гапларни сиқик ҳолга келтириш асосида таҳрир қилиш, ҳосил бўлган матннинг таъсирчанлигига баҳо бериш;

5) кичик матн тузиш, унда эга сифат билан ифодаланган мақол ишлатиш;

6) сифатдошни унга маъно жиҳатдан яқин сифатдош шаклидаги ибора билан алмаштириб ўқиш.

Ўқувчилар ёзган иншолар ҳам шу каби топшириқлар асосида таҳрир қилдирилиши фойдадан холи эмас.

Эганинг ажралмас бирикма билан ифодаланиши қийин мавзулар сирасига киргани учун уларга алоҳида дарс соати ажратган маъқул. (М.Омилхонова ва бошқа методист олимларнинг асарларида эганинг бирикма билан ифодаланишини ўргатиш йўл-йўриқлари кенг ёритилган.)

Эганинг бирикма ва ибора билан ифодаланишини ўзлаштириш учун аналитик ва синтетик машқ турларидан фойдаланиш лозим. Бу машқлар эга бўлиб кела оладиган бирикмаларни эга аниқланмиш бўлиб келган бирикмали гаплар (эга таркиби) билан таққослаш, уларни фарқлаш, шу асосда мустақил равишда бирикмалар танлаб, эга вазифасида қўллаш талаб этиладиган машқлар бажарилади. Лекин бу иш турлари рецептив, репродуктив методлар доирасида ташкил этилгани учун ўқувчиларда кўп ҳам савол уйғотавермайди. Амалий-ижодий ишлар жараёнида улар бир қатор муаммоларга дуч келадиларки, ана шу муаммоларни ҳал этиш асносида ўқувчи яна ҳам кўпроқ ахборотни қисқа фурсат ичида амалий эғаллаб олади. Шунинг учун ҳам рецептив ва репродуктив методларни қўллашда узок қолиб кетмасдан тезроқ амалий-ижодий ишларга ўтиш самаралидир. Масалан, иборани эга вазифасида қўллаш учун дастлаб иборалар рўйхати устидаги ишлар бажарилиши даркор. Сўнгра берилган гаплардан ибораларни аниқлаш ва шаклини изоҳлаш машқлари зарур. Ниҳоят, ибораларни сифатдош ёки ҳаракат номи шаклига келтириб, уларни эга вазифасида ишлатиб гаплар тузишга ўтилади. Шунингдек, кичик-кичик иждодий мағнлар яратиш машқлари ҳам ўтказилади.

Эгани отлашган сўз туркумлари, бирикма, ибора билан ифодалашга доир машқлар “Гапнинг бош бўлаклари” мавзусини ўтиш жараёнидагина эмас, балки йил давомида узлуксизлик ва узвийлик, тадрижий такомил асосида баҳариб турилгани маъқул. Ўқувчиларда шу орқали қисқа синтактик конструкциялар тузишга интилиш шакллантирилади.

Кесимнинг ифодаланиши юзасидан ҳам ёқоридаги мазмунда иш олиб борилади. Шунга таъкидлаш жоизки, Н.Махмудов, А.Нурмонов ва бошқалар томонидан яратилиб, 2004 йили нашрдан чиққан 5-синф “Она тили” дарслигида “Гапнинг бош бўлаклари” мавзуси йўқ, “Гап бўлаклари” мавзусида “Бош бўлак” – “Кесим” кўзда тутилган. Бошқача айтганда, эга гапнинг иккинчи даражали бўлаклари сирасига киритилган. Муаллифларнинг фикрича, “Эга ҳам унга грамматик жиҳатдан тобедир”¹. Лекин кесимнинг шахс кўшимчалари ҳам, сони ҳам эгага қараб шакллантирилади. Масалан, шахсни билдирувчи эга кўпликда бўлса, кесим ҳам кўплик шаклда бўлади, лекин эга ҳайвонлар, қушлар, жонли ва жонсиз нарсаларни англатиб, кўпликда бўлса ҳам, кесим бирликда қўлланаверади. Бирлик шаклдаги эга ифодалаган сўз ҳурмат кўрсатилиши лозим бўлган шахсни билдирганда, кесимни кўплик кўшимчаси билан

¹ Махмудов Н. Ўзбек тилидаги содда гапларда семантик-синтактик асимметрия. - Тошкент: Ўқитувчи, 1984. - 50-б.

қўллаш ҳурмат ифодалаш усули саналади. Демак, кесимнинг грамматик шаклланишида эганинг ҳам ўз мавқеи бор.

“От-кесим” мавзуси ўтилаётганда бундай кесим эгасиз ишлатилмаслигини мисолларни таққослаш орқали тушунтириш лозим. Масалан: “*Ҳаёт абадий*” - гап. “*Абадий*” – гап эмас. “*Яхши сўз – жон озиғи*” – гап. “*Жон озиғи*” – гап эмас. Синтактик тушунчалар морфологиядан ўтилганларни умумлаштириш, тизимга солиш, маъновий гуруҳлар атрофида бирлаштириш жараёнида феълнинг замон, нисбат ва майл шакллари, уларнинг услубий хусусиятлари юзасидан умумлашмалар чиқариш айни муддаодир. Бунда биринчи навбатда феъл шаклларини мулоқот маданиятига кўра танлаш (бўйруқни юмшатиш учун шунга ёрдам берадиган воситани ишлатиш: *бер – бергин, бера қол*, хоҳиш истак шакли: *борай – бора қолай*; *бориш мумкин – борса бўлади*; *бормоқчи – боргиси келди* ва ҳ.к.) кабилар устида иш олиб борилади. Ўқувчилар сўзлашув нутқи таъсирида ёзма ишларда ҳам баъзан эга билан кесимнинг гаптаги тартибига доир хатоларга йўл кўядилар. Кесимдан кейин бир оз ўйлаб туриб эгани айтиш грамматик назорат малакасининг кечикиб ишга тушишидан далолат беради¹. Шунинг учун озгаки нутқ ўстиришда тўғри гапириш малакасининг шаклланишини таъминлаш муҳимдир.

Татбиқ қилишга қаратилган амалий-ижодий ишлар ўқувчиларнинг машғулотда олган билимларини амалда қўллай олиш кўникмаларни шакллантирувчи ва ривожлантирувчи машқлар ҳисобланади. Методист-олим А.К. Ғуломов бундай машқларни моҳиятига қараб икки гуруҳга ажратади: а) қисман ижодий ишлар; б) ижодий ишлар². Қисман ижодий машқлар ўрганилган тил ходисаларини бир қадар янги шароитда татбиқ этишни талаб қилади. Бу ҳилдаги ишларнинг таркибида ўқувчини маълум бир даражада изланишга ундайдиган эҳтиёж мавжуд бўлади.

Бош бўлақларни ўқитиш жараёнида қисман ижодий иш сифатида грамматик (лингвистик) топшимоқлардан фойдаланилди. Уларнинг мазмунига яширинган номаълумликни аниқлаш ўқувчиларнинг мантикий тафаккурини ўстиради, она тили дарсига ва тил материалларини ўрганишга нисбатан кизиқишини оширади.

Биз тажриба синфларида бу амалий ижодий ишнинг матн устида ишлаш, яъни матннинг тил хусусиятларини таҳлил қилиш орқали маълум бир янги ҳулосага келиш каби туридан фойдаландик. Берилган жавоблар ёзма рефератлар шаклида бўлиб, унда ўқувчилар матнни ўрганилаётган мавзу, яъни бош бўлақлар юзасидан таҳлил

¹ Булатова Д.В. Ликвидация пробелов в знаниях учащихся по английскому языку за восьмилетнюю школу. Метод рекомендации. - М., 1987, -7 с

² Ғуломов А.К. Она тили ўқитиш жараёнида активлик принципини амалга оширишнинг назарий асослари. - Тошкент: Фан, 1989. - 131 б

қиладилар. Таҳлил учун маттни бадий адабиёт намуналаридан, дарслик ва қўлланмалардан олиш мумкин.

Куйи синфларда ўтилганларни такрорлаш, янги мавзуларни ўтишда компьютер техникасидан, у орқали мультимедиа технологиясидан фойдаланиш ўта самаралидир. Бунда, Ю.Н.Егорованинг таъкидлашича, билимларни ўзлаштириш заруритдан эмас, балки ўқувчиларнинг хоҳишига кўра амалга ошади; мультимедиа хурсандчилик билан қабул қилинади, ўқувчиларда ўқув фанига нисбатан рағбат уйғотади; ўқувчиларга ўзини бошқа ўқувчилар сирасида баҳолаш имконияти туғилади¹. Афсуски, она тилидан электрон ўқув қўлланмалари, мультимедиа дастурлари ишлаб чиқилмаган. Ш. Юсупова² ва бошқа методист олимлар она тили дарсларида компьютердан фойдаланиш ҳақида гапирганда асосан машқлар, тестлар ва матнлар киритиш хусусида тавсиялар берганлар. Бугун компьютер имкониятлари кенгайиб, уч ўлчовли графика тарзидаги дастурлар тузиш мумкин.

Хуллас, ўқитувчилар орасида ўтказилган сўровнома натижаларини ҳисобга олиб, куйидагиларга эътибор бириш мақсадга мувофиқдир: машқ шартида ишлатилган нотаниш грамматик терминни англатиш; амалдаги “Она тили” дарсликларидан келтирилган машқлардан вақтни тежаш учун тил ҳодисасининг хусусиятларини тўлиқ очиб берадиган мисолларни саралаб, миқдорини камайтириш; ўқувчиларнинг қисқа вақт ичида мустақил равишда тўлиқ хулоса чиқаришларига эришиш; нутқ ўстириш машқларини кўпайтириш; индуктив метод билан бирга ўз ўрнида дедуктив методни ҳам қўллаш. Энг муҳими, ўқитувчиларни таълимнинг бош бўлақларни ўрганиш билан боғлиқ услубий масалалар билан яқиндан таништириш, тегишли билимлар билан қуроллантириш шарт.

Эга ва кесим билан боғлиқ мавзуларни ўрганиш сўз туркумлари юзасидан ўтилганларни пухта такрорлаб олиш, эга ва кесим ҳақида тўлиқроқ тушунчалар ҳосил қилиш, эганинг ифодаланиши устидаги ишларда от орқали ифодаланган эга олмош билан алмаштирилган кичик-кичик матнлар, сифатдош ёки ҳаракат номини эга вазифасида ишлатиб гаплар тузиш, бу жараёнда сиқик синтактик конструкциялар тузишга интилиш уйғотиш каби масалаларни камраб олиш маъқул.

Кесимнинг таърифида унинг маъноси (эга ҳақидаги хабарни англатиши), эга билан шахс ва сонда мослашуви акс этмоғи, иборанинг кесим вазифасида келиши, бунда ибора таркибидаги бош

Егорова Ю.Н. Мультимедиа технология как средство повышения эффективности обучения в школе//Информатика и образование. -2004.-№ 7. - С 101.

² Юсупова Ш.Ж. Она тили таълими самарадорлигини оширишда илғор педагогик технологияларни жорий этиш (ноанъанавий усуллар ва компьютердан фойдаланиш): Пед. фан.номзоди ... дисс. - Тошкент, 1998.

келишиқдаги сўзнинг шакли, ибора кесим бўлиб келган гапда эганинг бўлмаслиги ўз ифодасини топмоғи, булар машқлар билан пухталанмоғи даркор.

Она тили дарсларида бир бош бўлакли гапларни нутқ ўстириш билан боғлаб ўрганиш методикаси

Амалдаги 8-синф “Она тили” дарслигида¹ бир бош бўлакли гаплар юзасидан куйидаги материаллар ўз ифодасини топган:

70-машқнинг 1-топшириғида берилган гап учликларида эганинг ифодаланиш хусусиятларини аниқлаш, 2-топшириғида мавзуга доир саволларга (Бу гапларнинг қайсиларини эгаси ифодаланган гаплар, қайсиларини эгаси яширинган гаплар ва қай бирларини эгасиз гаплар деб аташ мумкин?) жавоб бериш талаб этилган.

71-машқнинг 1-топшириғида аввал эгаси яширинган гаплар тузиш, сўнгра улардан эгаси ифодаланган гаплар ҳосил қилиш, 2-топшириғида эса биринчисининг тескарисини бажариш талаб этилган.

72-машқнинг 1-топшириғида гап кесимидан сўзок бериб, эгани аниқлаш ва белгилаш, 2-топшириғида эганинг қандай сўз туркумлари билан ифодаланиши ҳақида хулоса чтқариш сўралган.

73-машқ берилган қўшма гап ва таркибида ҳаракат номи ёки сифатдош бўлган содда гаплардан гап бўлақларини ажратиш, кенгайган ҳаракат номлари ва сифатдошлар эга вазифасида келганда қандай хусусиятга эга бўлиши ҳақида хулоса чиқариш мазмунида.

“Билиб олинг” рукни остидаги изоҳда кенгайган ҳаракат номи ва сифатдош бирикмалари гапда эга вазифасини бажарганда, ўз ичида бўлақларга ажратилмаслиги, яхлит ҳолда мураккаб эга саналиши баён этилган.

“Эгаси яширинган гаплар” мавзуси 74-машқдан бошланган. Бу машқда икки гуруҳга ажратиб берилган эгаси яширинган гапларни киёслаб, эганинг тушириб қолдирилиш сабабларини аниқлаш топширилган. “Билиб олинг” изоҳида эгаси яширинган гапларнинг икки турли бўлиши (эгаси ёки шахси маълум гап, эгаси ёки шахси умумлашган гап) айtilган ва тушунтирилган.

75-машқда эгаларнинг қўлланиш сабаблари аниқлангач, “Эсда тутинг” изоҳида гапда ҳаракатнинг бажарувчиси таъкидланиши зарур бўлган ҳолларда эга туширилиши мумкин эмаслиги маълум қилинган.

76-машқда берилган иборалардан эгани тушириб қолдириш ва хулоса чиқариш талаб этилган. “Билиб олинг” изоҳида эга-кесим курилишли ибораларда эгани ҳеч қачон тушириб қолдириш мумкин

¹ Ne'matov H., Mahmudov N., Sayfullayeva R., Gulomov A., Abduraimova M. Ona tili. 8-sinf uchun darslik. To'ldirilgan 2-nashri. - Toshkent: O'qituvchi, 2002.

эмаслиги айtilган. Иборанинг ўзи бўлинмас бўлса, бу ҳақда гапириш эртикча бўлса керак. Шу пайтгача иборанинг гап бўлаги вазифасида келиши учрамаган ва ўрганилмаган эди.

77-машқ кесими мажхул нисбатдаги феъл билан ифодаланган гапларда эгани тушириш мумкин ёки мумкин эмаслиги ҳақида хулоса чиқариш кўзда тутилган.

“Эгасиз гаплар” мавзусида куйидаги материаллар келтирилган:

78-машқ берилган гапларнинг бирида эгани тиклаш мумкинлиги, бошқасида тиклаш мумкин эмаслигини кузатиб, сабабини тушунтириш мазмунида.

“Билиб олинг” изоҳида эгасиз гапларда эга умуман бўлмаслиги ва гап мазмунидан англашилмаслиги таъкидланиб, уч тури саналган (шахси номаълум гаплар, атов гаплар, сўз-гаплар).

“Шахси номаълум гаплар” мавзуси куйидагиларни ўз ичига олади:

79-машқнинг 1-топшириғида берилган кесим шакллари кўллаб гаплар тузиш, маъно умумийлиги аниқлаш талаб этилган, 2-сида эса кесимларни бўлишсиз шаклда ишлатиш сўралган. “Билиб олинг” изоҳида шахси номаълум гапларнинг кесими таркибида эгалик кўшимчаси бўлмаслиги, бу гаплар шахсиз эмаслиги, ҳаракатни мантқан кимдир бажариши, лекин уни гапда ифодалаб бўлмаслиги баён қилинган.

80-машқда эгаси ифодаланган гаплар тузиб, шу гаплар асосида эгаси яширинган ва эгасиз гаплар тузиш топширилган.

“Атов гаплар” мавзусига доир материаллар 81-машқдан бошланади. Бу машқда ажратилган атов гаплар уларни ўқиган одамнинг кўз олдида нималарни гавдалантиришини шарҳлаш талаб этилган. “Билиб олинг” изоҳида тушунтириш берилган. Дарсликнинг 50-бетида Амир Темур музейи тасвири берилган бўлиб, шу музей ҳақида матн тузиш, бунда атов гапларни ишлатиш сўралган.

82-машқда таассуротлар асосида шундай матн яратиш талаб этилган.

84-машқ “Эгали ва эгасиз гаплар” мавзусида 10-12 гапдан иборат матн тузиш топшириғига эга. Бу машқ, бир томондан, назарий билимларни умумлаштириш, иккинчидан, шу билимлар асосида илмий нутқ ўстириш учун хизмат қилади.

Ниҳоят, мавзу якунида “Зукколарга топширик” берилган. Унда ўқувчилардан 5-синфда “Эга ва кесим – гапнинг бош бўлаклари” ўрганилганлиги эслатилиб, 8-синфда ўтилган материаллар асосида мавзу юзасидан хулоса чиқариш, гап қурилишида бош бўлақлардан қай бирининг мавқеини муҳимроқ эканлигини исботлаш талаб этилган.

“Сўз-гаплар” мавзуси 85-машқ ва “Эсланг” деган изоҳдан иборат. Машқда ўқувчилардан сўз-гапларнинг маъно турларини аниқлаш сўралган. “Эсланг” изоҳида эса сўз гаплар таснифи берилган (модал сўз-гаплар, тасдиқ-инкор сўз-гаплар, таклиф сўз-гаплар).

Маълум бўлишича, амалдаги 8-синф дарслигида гапнинг бош бўлаклари, бир бош бўлакли гаплар юзасидан ўтилганларни мустаҳкамлашга қаратилган машқлар асосан билимларни ўзлаштириш, ўқувчиларнинг тафаккурини ўстириш мақсадини кўзда тутди.

Лекин дарсликнинг бир бош бўлакли гаплар қисмида ижодий матн яратиш эҳтиёжларини қондириш, нутқ маданияти, хусусан, муомала одоби билан боғланиш амалга оширилмаган. Чунончи, шахси маълум гапнинг ишлатилиши икки хил омишга кўра танланади: 1) кичик мавзу доирасида дастлабки гапда ишлатилган эгани такрор ишлатавермаслик учун; 2) суҳбатдош билан юзма-юз гаплашганда эгани ишлатиш маъно урғусига сабаб бўлгани учун. Киши шахси умумлашган гапдан суҳбатдошини умумнинг фикри орқали ўзига ишонтириш учун фойдаланади. (Ўз номидан гапириш одобсизликдай туюлган ҳолатларда шундай йўл тугилади.) Суҳбатдошга бирон бир иш-ҳаракатни бажариш юзасидан буйруқ бериш одобсизлик, каттага беҳурмат туюлганда эса, сўзловчи шахси топилмас гапдан фойдаланади.

“Ўтилганларни такрорлаш юзасидан тест топшириқлари” (10 та тест) ҳавола этилган. Бу тестларда содда гапни, от-кесимли гапни, мураккаб кесимли гапни, эга ва кесим орасида тире ноўрин ишлатилган гапни, эгаси яширинган гапни, эгасиз гапни, эгаси сифатдошли бирикма билан ифодаланган гапни, кесими мажхул нисбатдан иборат гапни, шахси номаълум гапни, атов гапни аниқлаш вазифаси берилган.

Мактабда синтаксисни ўрганиш, бир томондан, нутқ ўстириш учун хизмат қилса, иккинчи томондан, коммуникатив мақсадлар – мулоқот маданияти, муомала одобини шакллантириш учун кўмаклашади. Шунга кўра ҳам она тили ўқитишдаги коммуникатив ёндашувни мулоқот маданияти, муомала одобини эгаллаш билан боғлаш керак. Бунга 8-синф ёшидаги ўқувчилар катта ёшдаги кишилар орасида ўзларига муносиб мавқеда бўлишга ҳаракат қилишлари ҳам туртки беради. Гапнинг бош бўлаklarини ўрганишда бевосита шу мақсад амалга ошади.

Кузатишлардан, ҳаёт тажрибасидан шу нарса маълумки, сўзлаётган одам ёш, лавозими куйироқ бўлиб, ўз нутқида “мен” сўзини кўпроқ ишлатиб юборса, унга “Намунча “мен”ламасанг?” деган танбеҳ берилади, натижада мулзамлик юзага келади. Ёки ёшроқ одам ўзидан катталарга буйруқ гап шаклида сўзкр баён

килишдан ўзини тияди. Шунинг учун у “Менга иш буюряпсанми?” каби танбех эшитмаслик ниятида “Жўмракни алмаштириш керак”, “Бир оз кутиш керак” каби шахси номаълум ёки шахсиз гап тузишга ҳаракат қилади.

Шу тарика сўзловчи нутқий мулоқот жараёнида она тилида гапларни грамматик жиҳатдан тўғри тузишдан ташқари ўзидан катта ёки кичик суҳбатдошларга муомала одоби доирасида муносабат ифодалайди. Ўқувчи катта ҳаётга кириб борар экан, мулоқот маданиятини даккилар, танбехлар эшитиш йўли билан эмас, балки дарсларда ўрганиш орқали эгаллаганлари маъқул.

Она тили дарсларида гапнинг бош бўлақларини мулоқот маданияти, муомала одобини сингдириш мақсади билан ўрганиш ишлари қуйидаги изчилликда амалга оширилади:

1) гапда эганинг қўлланиши ва тушириб қолдирилиши керак бўлган ҳолатлар билан ўқувчиларни таништириб бориш;

2) эганинг муомала одоби нуктаи назаридан ўринли қўлланган мисолларни аниқлаш ва изоҳлаш;

3) нутқий вазиятни изоҳлаш асосида эгани ишлатиш ёки ишлатмасликка доир машқлар;

4) боғланишли нутқ ўстириш (ижодий матн яратиш) машқлари;

5) ўтилган билимларни тизимга солиш машқлари.

Гапда эганинг қўлланиши ва тушириб қолдирилиши керак бўлган ҳолатлар билан ўқувчиларни таништириб бориш ишлари икки бош бўлакли ва бир бош бўлакли гапларга доир мавзуларни ўрганиш жараёнида амалга оширилади. Ўқитувчи қуйидаги ҳолатларга доир қиёсий мисоллар тайёрлайди: суҳбатдоши кўз олдида турганда, иш-ҳаракатнинг ижрочиси у эканлиги таъкидласа, иш-ҳаракат хусусида умумий фикр баён этилаётганда эга ишлатилмаса; иш-ҳаракатни бажаришга ундаш муомала одоби нуктаи назаридан ножоиз саналса; эгани ишлатиш одобсизликка (масалан, манманликка) яқин турса.

Қуйида эга муомала одоби нуктаи назаридан ўринли қўлланган мисолларни аниқлаш ва изоҳлашга доир машқлардан намуналар келтирамиз. (Гапда эганинг қўлланиш ва тушириб қолдирилиш ҳолатлари билан ўқувчиларни таништириб бориш мақсадида бадиий асарлардан мисоллар танлангани ва ўқиб изоҳлаш учун тақдим этилади.)

Машқ. Ўқинг. Ҳар бир диалогик парчадан ажратилган гапнинг қандай гап эканлигини ва нима учун айни шундай гап тузилганлигини муомала одоби нуктаи назаридан тушунтириб беринг.

1. *Ҳеч ёлғон гапирган эмасдим, нима қилай:*

- *Материал олиб келмоқчийдим, - дедим теракларнинг учига қараб.*

- *Материалининг нимаси? – ойим газетага хабар ёзмоқчи деб ўйларди, - кундузи олсанг бўлмайдим...*

- **Текширмай ёзиб бўладими, ойи, қалтис нарса бўлса, -** дедим гапини оғзидан олиб мулоҳимлик билан. Аммо фикри ёдим Умидада, у билан бўладиган “учрашув”да эди (Х.Ихромов).

2. Сиз Торрадони танийсиз. Унинг қўлидан келмайдиган иш йўқ. Бир марта консерва банкасидек пачақлашиб кетган машинани яп-янги қилиб тузатган. У билан эрталабгача машинагизни тузатиб берамиз. Кўриб, пачақ бўлган ернини сезмай қоласиз...

- **Торрадони кўндириб қийин. Кейин, унинг доим иши бошидан ошиб ётади, -** тўнғиллади Фернандо (А.Қосимов, Ф.Муса-жонов).

3. - *Демак, яна бир марта қатнаймиз. Соатга қара-чи, неча бўлди?*

- *Бешдан йингигма минут ўтибди, - бурро жавоб берди Алварато.*

- **Шошилишга тўғри келади. Озроқ газ бераман.** (А.Қосимов, Ф.Мусажонов).

Парчалар синтактик таҳлил қилинади. Икки бош бўлакди ва бир бош бўлакди гаплар аниқланади. “Текширмай ёзиб бўладими” гапи бир бош бўлакди гап эканлиги, иш-ҳаракатнинг бажарувчиси газетага хабар ёзиб юрадиган касб эгаларининг ҳаммасига тегишли эканлигига ишора қилиб фикр айтилаётганлиги ақс этган. Сўзловчи манманликка бориб, “Текширмай ёза олмайман” дейиши мумкин эди, у ҳолда журналистларга хос хислат ифода қилинмай қоларди, натижада муомала одобиغا путур етар эди. Кейинги икки парчанинг ҳам таҳлили шу тариқа, лекин ўқувчиларнинг фаоллигида амалга оширилади. Бундай таҳлилларнинг аҳамияти яна шундаки, ёш китобхонлар асар қаҳрамонларининг нутқига синчковлик билан эътибор беришга одатлана бошлайдилар.

Нутқий вазиятни изоҳлаш асосида эгани ишлатиш ёки ишлат-масликка доир машқлар ўқувчилар нутқини ўстиришда муҳим роль ўйнайди. Бунда нутқий вазиятлар серияси ақс этган машқлардан фойдаланилади: Нутқий вазият асосида парчага гап киритинг.

Кумри опа унинг юзида пайдо бўлган ўйчанликни кўриб кулги аралаш:

- ..., *Насибaxon, ..., - деди.*

Юқоридаги каби диалогик парчаларни компьютерга тасвирлар асосида киритиш ва анимация ҳолатида (айтилиши керак бўлган бир бош бўлакди гап варианты экранда кечикиброқ пайдо бўладигани, бунгача ўқувчи ўша вариантни танлаб айтиб кўриш, кейин эса ўз қарорининг тўғри ёки нотўғри эканлигини дарҳол билиш имконияти пайдо бўлади). Масалан, экранга аввал бўри, кейин кўзичок тасвири чиқади. Сўнгга бўрининг “*Мен сени ейман!*” деган гапи кўринади.

Нихоят, “*Майли, ...*” деган ёзув чикиб келади. Бир оз вақтдан сўнг (бу орада ўқувчи лужмани тугаллаб, кўзи айтадиган гапни кўшиши керак бўлади. Охирида экранда “*Майли, аввал кўл ювиш керак*” деган лужма пайдо бўлади.

Баъзан тестлардан ҳам фойдаланиш яхши самара беради. Бунда нукталар ўрнига киритилиши лозим бўлган гап бир неча вариантда тавсия қилинади. Масалан:

Тест. Берилган парчада нукталар ўрнига киритилиши зарур маъкул бўлган жавоб вариантини белгиланг. Танлаган вариантнингиз тўғрилигини исботлаш ҳақида ўйлаб кўринг.

Темиржон унинг бу уйда хизмат қилишидан беҳабар эди. Шунинг учун соддалик қилиб сўради:

- ... (*Ж.Абдуллахонов*)

а) *Сиз ҳам шу ердасиз?* б) *Шу ердасиз?*

Баъзан парчада нутқий вазиятни овозни ўзгартирган ҳолда турлича оҳангда ўқиш юзасидан ўқувчиларга топшириқ вариантлари бериш ҳам фойдалидир¹. Масалан: Диалогнинг муаллиф гапи қисмини куйида тавсия этилган касб эгалари ролига кириб ўқинг. Ажратилган гапни икки бош бўлакли ёки бир бош бўлакли гап тарзида шакллантиринг.

Мамажоннинг ғажини келди. “Мени олиб келгунча, шунча ақл билан шунинг ўзини сайлаб қўйишса бўларкан раисликка. Топган гапини қара: “Жилвони қаттиқ ушла! Бошида ёнғоқ чақиб тур!” Мамажон хонтахта устида турган сочикни чангаллаб олиб, лабларини қаттиқ ағдди:

- ... (*С.Нуров*)

а) – *Нега мен одамларнинг “бошида ёнғоқ чақиб” туришим керак экан?*

б) – *Нега одамларнинг “бошида ёнғоқ чақиб” туришим керак экан?*

- маданиятли, хушмуомала одамнинг овози билан;

- кўрс одамнинг жahl аралаш овози билан;

- манмансиратган одамнинг овози билан.

Боғланишли нутқ ўстириш (ижодий матн яратиш) машқлари ўқувчиларнинг муомала одоби доирасида бир бош бўлакли гап турларидан ўринли фойдаланиш малакасини мустаҳкамлаш учун хизмат қилади. Бунда таркибида диалог бўлган кичик матн тузиш ва грамматик топшириққа биноан вазифани бажариш талаб этилади. Бу иш дастлаб грамматик топширикли кичик баён тарзида, сўнг грамматик топширикли кичик иншо шаклида ташкил этилади.

Билимларни тизимга солишда куйидаги жадвал кўл келади:

¹ Львова С.И. Язык в речевом общении: факультативный курс (VIII-IX классы): Книга для учителя. – М.: Просвещение, 1991. – 74 с

МУОМАЛА ОДОБИГА КЎРА БИР БОШ БЎЛАКЛИ
ГАПЛАРНИНГ ИШЛАТИЛИШИ

Ифодаланадиган мазмун (амал қилинадиган услубий қоида)	Бир бош бўлакли гап тури	Мисоллар
Қулоққа ёмон эшитилмаслиги учун бир сўзни яқин масофада такрорламаслик, суҳбатдошнинг гашига теғмаслик	Шахси маълум гап	-Ҳаги эшитганинг йўқми? Эломонов ваъдаларнинг пучлигини биледи. Охирги марра шу деб ўйлайди.
Иш-ҳаракатнинг бажарувчисини ҳар эҳтиётдан айтмаслик	Шахси номаълум гап	-Ис босиб боғлаш керак...
Иш-ҳаракатнинг бажарувчиси умум ёки ижрочиларнинг ҳаммаси эканлигига ишора қилиб одоб сақлаш, вазиятни юмшатиш.	Шахси умумлашган гап, шахси номаълум гап	Арпа эксанг, арпа ўрасан. Йўлда бироз тўхташга тўғри келди.
Иш-ҳаракатнинг бажарувчиси йўқлигига ишора қилиш	Шахси номаълум гап, шахссиз гап	Ойни этак билан ёпиб бўлмайди.
Иш-ҳаракатнинг бажарувчисини одоб доирасидан чиқмаслик, ботинолмаганлик учун айтмаслик.	Шахси номаълум гап.	-Ука, менга маслаҳат бер. - Нима дердим, уста топиш керак.

Юқорида икки бош бўлакли ва бир бош бўлакли гапларни мулоқот маданияти, муомала одоби билан боғлаб ўрганишга доир баён этилган тавсиялар билим, кўникма ва малакаларнинг шаклланиш жараёнини нутқ ўстириш жараёнига қўшиб ташкил этиш имконини беради. Бунга эришиш учун эса биринчи навбатда ўқитувчиларни бир бош бўлакли гап турларининг ишлатилишдаги мулоқот маданияти, хусусан муомала одоби билан боғлиқ жиҳатлари билан таништириш талаб этилади.

Х.Неъматов, Н.Маҳмудов ва бошқалар томонидан яратилган амалдаги 8-синф “Она тили” дарслиги материаллари тўлдирилган ҳолда синов-тажриба ишлари ўтказилди. Еунда куйидагиларга эътибор берилди: 1. Грамматик термин аниқлаш тушунчалар ҳақида тўлароқ ҳажмда умумлашма хулоса шакллантириш. 2. Зарур грамматик таъриф ва қоидалар киритиш. 3. Қоидада нутқ маданияти ва муомала одоби доир тушунчалар баён қилиш. 4. Машқ турларини, нутқ ўстириш, мулоқот маданиятини шакллантириш йўналишида бойитиш.

“Гапнинг бош бўлаклари” мавзуси берилган йиғиқ ва ёйиқ содда гапларни ўқиб, гап бўлақларини аниқлаш талаб этиладиган машқ бажарилди. Шу машқ ёрдамида ўқувчилар гапнинг бош бўлаклари, эга, кесим, гапнинг иккинчи даражали бўлаклари юзасидан куй синфларда олган билим, ҳосил қилган кўникма ва малакаларини хотирага туширадилар. Кўшимча равишда эгага ҳамда кесимга боғланиб келган сўзларни ажратиб, эга гуруҳи ва кесим гуруҳи ҳақида тушунчаларини ишга соладилар. Гапларнинг интонациясига эътибор қаратилиб, тугалланган оҳанг тушунчаси ёдга туширилади. Гап тугал фикр, тугалланган оҳанг ифодаланиши эсланади, фикрнинг тугал ҳолга келишида кесимнинг роли аниқланади.

Эга ва кесим аниқланган тушунчалар эсланади. Бунда ўқувчиларга “Ақлий ҳужум” ноанъанавий усулини қўллаган ҳолда куйидаги саволлар берилди:

Эга нимани билдиради? Эга нима билан ифодаланади? Эга қандай сўроқларга жавоб бўлади? Эга вазифасидаги сўз қайси келишида бўлади? Эга гапнинг қайси бўлаги билан шахс ва сонда мослашади?

Кесим нимани билдиради? Кесим кўпроқ қайси сўз туркуми билан ифодаланади? У қандай сўроқларга жавоб бўлади? Кесим гапнинг қайси бўлаги билан шахс ва сонда мослашади?

Дарсликдаги 68-машқда берилган гаплардаги кесимнинг шахс-сон шакли кўшимчалари асосида унинг эгасини топиш сўралган. Бунинг акси сифатида берилган гаплардаги эганинг шахс-сон шаклига қараб кесимни зарур шахс-сонда қўллаш талаб этиладиган машқ тавсия этилади.

“Эганинг ифодаланиши” мавзуси устидаги ишлар куйидаги каби гаплар мисолида ташкил этилади: *Ҳаётнинг бу шарафли касб эгаларига бўлган эҳтиёжи ҳам абадийдир. Яхши яхшининг қадрига етар. Улар мактабдан сўнг далага чиқадилар. Ёшлик баҳорининг ўзи бир гўзалликдир. Иккови индамай тепаликка чиқишди. Кўп ўқиган кўп билар. Тўғри сўз қилишдан ўтқир.*

Машқ таҳлил қилингач, эганинг ифодаланиши ҳақида қандай чиқарилади.

Ўқувчиларга эга сифат, сон, олмош, равиш, ҳаракат номи, сифатдош билан ифодаланган биттадан гап тузиш топширилади. Шу жараёнда уларга куйидагилар маълум қилинади: Эганинг сифат билан ифодаланиши асосан мақолларда учрайди, демак, эгани сифат билан ифодалаб гап тузиш шарт эмас, мақоллардан бирини эслаб айтиш кифоя қилади. Ҳаракат номини эга вазифасида қўллаш учун уни бирикмада ишлатиш мумкин (*пахта териш*). Сўзлашув нутқида

эга вазифасидаги сифатдош кўпинча кўплик кўшимчаси билан келади (*ўтирганлар*).

Эгани отлашган сўз билан ифодалаш, бир томондан, муомала маданияти билан боғланса, иккинчи томондан, нутқни ихчам ва раvon, таъсирчанроқ, лўнда баён қилишга интилишни ифсада эгади. Масалан, “залда ўтирган ходимлар” дейиш ўрнига “заща ўтирганлар” деб айтиш “ходим” сўзини ишлатмай, бу ерда хозир булган касб эгаларини тўлароқ қамраб олиш, бирортасини эътибордан четда қолдирмаслик имконини беради. Бир сўзни ортиқча қўлладан сақланилади. Ўқувчиларда ана шу ҳақда тушунча шаклланиши мақсадга мувофиқдир.

69-машқда эса эга от ва олмош билан ифодаланган гапларни икки гуруҳга ажратиш ва улар орасидаги фарқни аниқлаш сўралган. Ўқитувчи олмошнинг эга вазифасида келишини уч хил мисол асосида тушунтиради:

1) I ва II шахс бирлик ва кўплик кишилиқ олмошлари;

2) III шахс бирлик ва кўплик кишилиқ олмошлари;

3) белгилаш, бўлишсизлик олмошлари. Иккинчи ҳолатда кичик (икки гапдан иборат) матн мисол қилиб келтирилади. Бунда иккинчи гапдаги *у, улар* олмошлари биринчи гапдаги от ўрнида ишлатилади. Ўқувчилар бу олмошларнинг қўлланишидаги услуб талаби, яъни биринчи гапдаги отни такрор ишлатмаслик чораси эканлиги ҳақида хулоса чиқарадилар.

Содда эга, мураккаб эга ҳақида тушунча бериб ўтилади.

“Кесимнинг ифодаланиши” мавзуси бўйича бериладиган тушунтиришлар ҳам махсус танланган мисоллар асосида амалга оширилади. Бунда кесимнинг феъл, от, сифат, сон, олмош, равиш, ҳаракат номи ва бошқа сўзлар билан, ажралмас бирикма, ниҳоят, ибора билан ифодаланишини кўрсатиш мақсад қилиб олинади. Шулар асосида феъл-кесим ва от-кесим терминлари аниқлатилади. Дарсликдаги изоҳ ўқилади: “От, сифат, сон, олмош, равиш, тақдид сўзлар билан ифодаланган кесим от кесимдир. От кесимлар боғламали ва боғламасиз бўлиши мумкин”.

55-машқ бажарилади. Бу машқнинг шартига кўра ўқувчилар матнни ўқиб, ажратилган кесимларнинг феъл-кесим ёки от-кесим эканлигини аниқлайдилар. (Изоҳларда феъл-кесим тилга олинмаган.)

Уйга кесимни турли сўз туркумлари билан ифодалаб биттадан гап тузиб келиш топширилади.

Навбатдаги дарсда ўтилганлар мустақамланиб, содда кесим ва мураккаб кесим тушунчалари устида иш олиб борилади. Таққослаш учун берилган мисоллар ўқилиб, содда ва мураккаб кесимлар ҳақида хулоса чиқарилади. Сўнтра дарсликдаги изоҳ ўқилади: “Икки ва ундан ортиқ сўздан иборат бўлган кесим мураккаб кесим дейилади.

Мураккаб кесим таркибидаги сўзлардан бири ёрдамчи сўзлар (кўмакчи феъл, боғлама, нисбий сўзлар ва ҳоказо) бўлиши мумкин". 76-машқ бажарилиб, иборалар яхлит бир гап бўлаги саналиши хақида хулоса чиқарилади (Ибора гап бўлақларига ажратилмайди деган тушунча шакллантирилади.)

Иборларнинг кесим вазифасида келиши ўзига хос қийинчиликлар билан боғлиқдир. Уларнинг ички тузилишида эга ва кесим мавжуд бўлиб, таҳлил чоғида ажратилмайди. Бунинг устига ибора феълга синоним бўлиб келар экан, уни шунчаки алмаштирмайди: феълнинг ўрнини ибора эгаллаганида феъл-кесимли гапнинг эгаси кўп вақт шаклан ўзгаради (*Ҳаммамиз тетиклашдик. - Ҳаммамизнинг жонимиз кириб қолди*). Дарсликдаги изоҳ ўқилади: "Ибора гапда яхлит ҳолда битта мураккаб гап бўлаги бўлиб келади ва ўз ичида бошқа бўлақларга ажратилмайди".

Ўқувчиларга 10 дан ортиқ иборани эслаш ва уларнинг бир нечасини кесим вазифасида ишлатиб гаплар тузиш топширилади.

56- ва 57-машқлар бажарилади. Ўқувчилар 57-машқнинг 1-топшириги асосида кесимларнинг тузилишига кўра турларини аниқлаб, маъно нозикликларини тушунтирадилар; 2-топширигига мувофиқ машқдаги гапларнинг икки гуруҳга ажратиб берилганлигининг сабабини айтадилар.

58-машқ шартига кўра феъл-кесимли гаплар тузиш, тузилган гапларда содда кесимларни мураккаб кесимлар билан ва, аксинча, алмаштириш, маънодаги фарқларни изоҳлаш ишлари бажарилади.

59-60-машқлар адо этилади. Ўқувчилар эга билан от-кесим орасида (кейинги машқда эга ҳам, кесим ҳам бирикмали) тиренинг ишлатилиш-ишлатилмаслик ҳолатларини тушунтириб берадилар.

Навбатдаги дарсда уй вазифаси текширилиб, ўтилганлар такрорлангач, берилган ибораларни бир гал эга, бир гал кесим вазифасида ишлатиб гаплар тузиш топширилади. Машқ аввал оғзаки, сўнг ёзма ўтказилади.

61-63-машқлар бажарилади. берилган қўшма гаплардан ҳамда кесими кенгайган ҳаракат номи билан ифодаланган содда гаплар жуфтликларидан гап бўлақларини аниқлаш малакасини ҳосил қилишга қаратилган.

Зукколарга йўналтирилган топшириқда кесим юзасидан ўтилганларни такрорлаш учун мўлжалланган 5 та савол келтирилган.

Ниҳоят, 64-машқ ҳаракат номининг мумкин, керак ва бошқа сўзлар билан биргаликда мураккаб кесим вазифасида қўлланишини аниқлаш учун хизмат қилади. 73-машқ бажарилади. Бунда ўқувчилар берилган қўшма гап ва таркибида ҳаракат номи ёки сифатдош бўлган содда гаплардан гап бўлақлари ажратадилар, кенгайган ҳаракат номлари ва сифатдошлар эга вазифасида келганда

кандай хусусиятга эга бўлиши ҳақида хулоса чиқарадилар. “Билиб олинг” рунки остидаги изоҳ ўқилади. Унда кенгайган ҳаракат номи ва сифатдошли бирикмаларнинг гапда эга вазифасида келиши тушунтирилган.

“Гапнинг бош бўлаклари” бўйича умумлаштирувчи таҳлил ўтказилади. Сўнгра грамматик топшириқли кичик иншо ёзиш вазифаси берилади.

“**Бир бош бўлакли гаплар**” мавзуси юзасидан эксперимент материали қуйидагиларни ўз ичига олади. Бунда қуйидаги изчилликда иш олиб борилди.

“**Эгаси яширинган гаплар**” мавзуси. Амалдаги 8-синф “Она тили” дарслигидаги 70-машқнинг 1-топширигида берилган гап учликлари асосида эганинг ифодаланиш хусусиятларини аниқланади, 2-топширигида мавзуга доир саволларга (Бу гапларнинг қайсиларини эгаси ифодаланган гаплар, қайсиларини эгаси яширинган гаплар ва қай бирларини эгасиз гаплар деб аташ мумкин?) жавоблар олинади.

71-машқ шартига кўра ўқувчилар аввал эгаси яширинган гаплар тузадилар, сўнгра улардан эгаси ифодаланган гаплар ҳосил қиладилар, 2-топшириги асосида биринчисининг тескарисини бажарадилар.

72-машқ бажарилади.

Кўшимча равишда эга кишилик олмоши билан ифодаланган, масалан, *мен* сўзи ишлатилган (биринчи гапида *мен* сўзи қўлланган, кейинги гапларда тушириб қолдирилган) кичик матн ўқиб таҳлил қилиш учун берилади. Худди шунингдек, биринчи гапда от билан ифодаланган эга кейинги гапларда яширинган кичик матн ҳавола этилади. Иккита диалогик матн берилади. Бирида кишилик олмоши билан ифодаланиши мумкин бўлган эга ишлатилмаган, иккинчисида эса қўлланган. Биринчи ва иккинчи матнда эгани тиклаб ўқитиш ва услубий ғализлик сабабини изоҳлатиш маъқул.

Ушбу матнлар таҳлили орқали ўқувчилар шахси маълум гаплар, бир томондан, услуб талаби эканлиги, иккинчи томондан, мулоқот маданияти соҳасига кириши ҳақида хулоса чиқарилади.

Ўқувчиларга кичик-кичик матнлар яратиш топширилади. (Матнлар “Менинг қушим”, “Ўртоғим ёрдамга келши” каби мавзуларда тузилиши мумкин.)

74-машқ бажарилади. Машқ шартига кўра ўқувчилар икки гуруҳга ажратиб берилган эгаси яширинган гапларни ўзаро қиёслайдилар, эганинг тушириб қолдирилиш сабабларини тушунтирадилар.

Эгаси яширинган гапларнинг икки турли бўлиши (*шахси маълум гап*, *шахси умумлашган гап*) айtilган ва тушунтирилган “Билиб олинг” изоҳи ўқилади.

75-машқда сўралганидек, эгаларнинг қўлланиш сабаблари аниқлангач, “Эсда тутинг” изоҳи ўқилади. Унда гапда ҳаракатнинг

бажарувчиси таъкидланиши зарур бўлган ҳолларда эга туширилиши мумкин эмаслиги айтилган.

77-машқ материаллари ўқилади ва кесими мажхул нисбатдаги феъл билан ифодаланган гапларда эгани тушириш мумкин ёки мумкин эмаслиги ҳақида хулоса чиқарилади.

“Эгасиз гаплар” мавзуси. 78-машқ шартига кўра ўқувчилар берилган гапларнинг бирида эгани тиклаш мумкинлиги, бошқасида тиклаш мумкин эмаслигини кузатадилар ва сабабини тушунтирадилар. “Билиб олинг” изоҳи кўриб чиқилади.

“Шахси номаълум гаплар” мавзуси. 79-машқнинг 1-топшириғи асосида ўқувчилар берилган кесим шаклларини кўллаб гаплар тузатдилар, маъно умумийлигини аниқлайдилар, иккинчиси асосида эса кесимларни бўлишсиз шаклда ишлатадилар. Шахси номаълум гапларнинг кесими таркибида эгалик кўшимчаси бўлмаслиги, бу гаплар шахссиз эмаслиги, ҳаракатни мантқан кимдир бажариши, лекин уни гапда ифодалаб бўлмаслиги айтилган “Билиб олинг” изоҳи ўқилади. 80-машқ шартига кўра ўқувчилар эгаси ифодаланган гаплар тузиб, шу гаплар асосида эгаси яширинган ва эгасиз гаплар вужудга келтирадилар. Мулоқот маданияти, муомала одобига биноан баъзан иш-ҳаракатнинг бажарувчисини айтмаслик маъқул тэпилиши, шунда айтилидиган гап шахси номаълум гап кўринишини олиш мисолларни таққослаш орқали ўқувчиларга аниқлатилади. Иккинчи бобнинг 3-фаслида тавсия этилган машқ турлари бажарилади.

Ниҳоят, “Зукколарга топширик” бажарилади. Топширик шартига мувофиқ аввал 5-синфда “Эга ва кесим – гапнинг бош бўлаклари” ўрганилганлиги эслатилади, сўнгра 8-синфда ўтилган материаллар асосида мавзу юзасидан хулоса чиқариш сўралди.

Хулоса ўрнида шунини таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан кейинги ўтган давр ичида ўзбек тилшунослигига оид адабиётлар ва тадқиқот ишларида гапнинг бош бўлаклари, икки бош бўлакли ва бир бош бўлакли гаплар мулоқотга кирувчиларнинг ўзаро муносабати (коммуникатив аспект) билан боғланиди. Ишда ана шу ғояни (прагматик йўналиш) она тили таълими нуқтаи назаридан тилшуносликнинг энг катта ютуқларидан бири деб эътироф этган ва унга асосланган ҳолда таълим мазмуни ва методлари ёритилди.

Таълим мазмуни эганинг отлашган сўзлар билан ифодаланиши отлашган, сифатларни қайси ҳолатларда эга вазифасида ишлатиш мумкинлигига доир билимлар билан бойитилди. Машқлар тизимида ҳам шу билан боғлиқ кўникма ва малакаларни шакллантиришга эътибор қаратилди. Қисқарган синтактик конструкциялар учун асос бўлмиш ҳодиса - эганинг сифатдош билан ифодаланиш табиати

коммуникатив нуктаи назардан, матн тақозосига кўра ёритилди. Гапнинг бош бўлақларидан бирининг, айниқса, эганинг тушириб қолдирилиши, шу муносабат билан икки бош бўлакли ва бир бош бўлакли гаплар, бир бош бўлакли гапларнинг турлари юзага келишини ўрганишни мулоқот маданияти, хусусан, муомала одоби билан боғлаш маъқул топилди.

Она тили дарсларида гапнинг бош бўлақлари ва бир бош бўлакли гапларни ўрганишда ижодий нутқий фаолият (нутқ маҳсули - матн яратиш) методи ва коммуникатив нутқий фаолият методига устувор аҳамият берилди. Бу методларга кўпроқ вақт ажратиш, бунда матн яратиш ва боғланишли матн таркибига диалог киритиш каби ижодий ишларга кўпроқ ўрин ажратилди.

МУНДАРИЖА

Кириш.	3
Гапнинг бош бўлақларини коммуникатив йўналишида ўрганишнинг тилшуносликдаги ҳолати.	5
Гапнинг бош бўлақларини коммуникатив йўналишида ўрганишнинг методикадаги ҳолати.	23
Она тили дарсларида содда гап синтаксисини коммуникатив ёндашув асосида ўрганиш методлари.	40
Она тили дарсларида гапнинг бош бўлақларини нутқ ўстириш билан боғлаб ўрганиш методикаси	54
1) Гапнинг бош бўлақларини ўрганишда “Она тили” дарсликларининг методик имкониятлари	54
2) Амалидаги “Она тили” дарсликлари шароитида гапнинг бош бўлақларини ўрганиш методикаси	62
Она тили дарсларида бир бош бўлақли гапларни нутқ ўстириш билан боғлаб ўрганиш методикаси	69

Босишга рухсат этилди 28.02.2006 й.
Буюртма 40. Адади 490. Босма табоғи 5,25.
“FAN VA TEXNOLOGIYALAR
MARKAZINING BOSMAXONASI”да чоп этилди.
Тошкент ш., Олмазор кўчаси, 171.